



ЗВЕСТЯ
ЯШМЫ КИПРОВЫ

Minnepaper
TÄVLINGSKNIN OPIELHA
HYPOMBILIA

II

составлено

в 1924 г.

от лица на

имя

одного из нас


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АВЕСТО ЯШТ КИТОБИ

(Худо Ахура Мазда ва у яратган маъбудалар
шаънига айтилган алқовлар)

Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржималар

UCU ZALI



«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИИЛОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ВОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ 2001

Сер

Мирсадик Исҳоқов таржимаси

ОТ ИША

КИЛОМ ТИР

(Художник на обложке и на первом листе Мадина Абдуллаева)

Авесто: Яшт китоби./М. Исҳоқов таржимаси. — Т.: «Шарқ», 2001 — 128 б.

Ҳалқимиз тарихи ва маънавиятигининг илк булоғи «Авесто» китобининг «Яшт» («Алков»лар) наскини таникли олим, қадимий тарихимизнинг манбашибнос мутахассиси Мирсадик Исҳоқов таржимасидаги нашрини ҳукмнингизга ҳавола қилмоқдамиз. Ушбу нашрнинг ўзиёқ маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа деб баҳоланиши мумкин. Қолавёрса, таржиманинг «Авесто»га хос кўплаб унутилиб кетган тушунча, атама ва ишоратли масалаларга илмий асосланган изоҳдар билан таъминлангани нашр кимматини янада оширади, деб умид қиламиз.

ББК 82.3(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2001.

«АВЕСТО» КИТОБИ ВА УНИНГ «ЯШТ» НАСКИ ҲАҚИДА

(Кириш сўзи ўрнида)

«Авесто» китоби узок аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий дунёси ҳақида ноёб маълумотларни ўзида мужассам этган тарихий ёзма манбадир. «Авесто» сўзининг ўзаги «сто» — бўлиб, «ўрнатилган, мукаррар қилинган қонун-қоидалар, ҳаётнинг асосий йўрикномаси» демакдир. Бу китоб милоддан аввалги II минг йиллик ва I минг йилликнинг биринчи чорагида, бир неча юз йиллар давомида шаклланган. Ниҳоят, 2700 йиллар илгари китоб сифатида илк бор тизимга киритиб тўпланган.

«Авесто» ўлкамизда исломга қадар амал қилган зардуштийлик динининг муқаддас китобидир. Зардуштийлик дини эса тарихда биринчи илоҳий ваҳий оркали келган, деб ҳисобланади. Зардуштийлик тарихининг ёзма манбаларида айтилишича, худо Ахура Мазда ўзининг яратувчи, холик, яккаю ягона худо эканини имонли зот Заратуштрага билдириб, уни пайғамбар этиб одамлар орасидан танлаган. Заратуштра аслида қадимда Дайтийа — Амударё бўйларида яшаган Спитама уруғидан бўлиб, унинг уруғидагилар бошқа худолар қатори Ахура Маздага ҳам эътиқод қилишган. Биргина Заратуштра улар орасида бошқа худоларга ишончсиз бўлган. Ахура Маздани эса ўзи учун чин худо деб билган. Унинг имон-эътиқоди қалб кўзи очила боргани сари Ахура Маздадан ўзга маъбуллардан воз кеча боради. Ниҳоят, Заратуштра Ахура Мазданинг назарига тушиб, унинг пайғоми (хуш хабари)ни ўз уруғи орасида одамларга билдиришга илоҳий ваколат олади.

Аммо жаҳолат даври одамлари унинг сўзларига ишонмайдилар. Заратуштра ўз юртини ташлаб кетишга, хижрат қилишга мажбур бўлади. У ўз динини 10 йилдан ортиқ тарғиб қиласди. Аммо тарафдорлар тошиши қийин бўлади. Ниҳоят, ўзга юртда — Бактрияда унинг ҳокими Виштаспага, малика Хутаосйага ва сарой аъёнларига Мазда дини моҳиятини тушунтиришга эришади.

Зардустийлик деган ном динга нисбатан шартли равишда ўрта асрлардан бошлаб ишлатилади. Бу ҳол динни унинг пайғамбари номи билан аташдир. Аслида Зардуст дини Мазда Ясна деб аталган, яъни Маздага, «Мутлақ оқил» зотга сифиниш демакдир.

«Авесто» китоби асос эътибори билан Заратуштра ва Ахура Мазданинг савол-жавобларидан иборат де-йиш мумкин. Бу китоб 21 қисмдан (наскдан) иборат бўлган. Шундан замонлар оша тўрт қисми ҳозиргача етиб келган: «Видевдот», «Ясна», «Виспарат», «Яшт» насклари. Турли насклардан кундалик эътиқод маросимлари учун энг зарур дуолар тўплами — «Хурдак Авесто» («Кичик Авесто») китоби ҳам бор. Унда «Авесто»нинг асосий қисмida сақланмаган матнларнинг парчалари ҳам бор. Етиб келган қисмлар орасида «Видевдот» наски бутун — 22 бобдан иборат. Қолган 3 наскнинг бир қатор боб ва бандлари сақланмаган.

Кўп қисмлари йўқолиб кетганига қарамай, сақланган қисмларнинг ўзиёқ «Авесто»нинг энциклопедик улуғворлигини, тарихий манба сифатида юксак қимматини, маънавий умумбашарий хусусиятларини тўла намойиш эта олади.

«Яшт» наски «Авесто» китобининг худо Ахура Мазда ва унинг ўзи ёлғиз яратгувчи зот сифатида пайдо қилган маъбуд ва маъбуналар (авесточасига язатлар) шаънига ўқиладиган дуо ва алқов шеърларидан ташкил топган. «Яшт» наски 22 бобдан иборат бўлган. Лекин улардан бизгача 10 боби етиб келган. Зардустийлик дини тарихига бағишлиланган ўрта форсий (пахлавий) тилидаги «Денкард» («Дин амаллари») номли манбада «Яшт» наскининг 22 боби номма-ном санаб кўрсатилган: Ахура Мазда алқови; Хапта Амеша Спента алқови; Аша Вахиша алқови; Хаурватат алқови;

Ардви Сура алқови («Обон Яшт»); Хвар-хшайта алқови («Хуршед Яшт»); Маҳ алқови («Ой алқови»);¹ Тиштр-Яшт («Тир-Сириус юлдузи алқови»); «Друвасп алқови («Друваспа Яшт»)²; Митра алқови («Митра Яшт» — Мехр-Мийр Яшт шаклларида айтиб келингандык); Сраоша Яшт;³ Рашну Яшт; Фравардин Яшт; Вараҳран Яшт (Вэрэтиргна алқови); Рам Яшт (Вайу алқови деб ҳам аталади); Ден Яшт (окиллик ва билим алқови); Аши алқови; Аштат Яшт (Эранлар улугворлигининг белгиси Хварно-Фарн шаънига алқов); Замыйад Яшт (шоҳлик мартабасининг илохий белгиси — кавийвор нурли рамзий белги шаънига айтилган алқов — «Хварно Яшти» — унинг иккинчи номи); Ванант Яшт (Вега туркумидаги юлдузлардан бири шаънига айтилган алқов); Арта — Ҳақиқат ва имон шаънига айтилган алқов); ниҳоят, 22-Яшт — рухнинг у дунёдаги тақдири ҳақиқати яшт⁴.

«Авесто»нинг Яшт наски бадиий жиҳатдан бошқа насклардан кескин ажраб туради. Уларнинг мифологик асослари жуда қадими. Бинобарин, Яштлар ибтидоий тасаввурлардан бошлаб бронза асрининг мураккаб ижтимоий муносабатларигача улкан тарихий жарайённинг образли ровий ҳикояси, баъзан рамзий ишоратларда акс этган тарихий модели кабидир.

Уларда ижтимоий ҳаёт воқеликлари ўзига хос кўтариинки руҳда акс этади. Лекин бадиий воситалари жиҳатдан Яштларнинг асотирий тафаккур доирасига иккисиги доимо сезилиб туради.

Шаънига алқов бағишлианаётган маъбулларнинг вазифалари Яштларда ҳар хил. Масалан, Ахура Мазда бутун эзгу борлиқни ва унинг ривожу равнақини таъминлашга хизмат қилувчи барча эзгу маъбуллар — (язатлар)ни яратган азал мавжуд зот. Ардви Сура эса сув (хусусан, Ваҳви Даитийа дарёси — Амударё)

¹ «Авесто» китоби 21 мустакил китобнинг йириндиси бўлган. Ҳар бир китобни алохида Авестанинг насклари дейилган. Масалан: «Ясна» наски, Судкар наск, Читра дат наск, Видевдат наск, Яшт наск ва х. к.

² Ву Яшт Гэуш урван («Хўқиз руҳи») Яшти деб ҳам аталган.

³ Ву Яшт Ясна наскининг 57-бобида тақрор бўлиб келган.

⁴ Булардан ташқари, «Авесто»нинг Ясна наски 9-бандида келган Ҳаома шаънига айтилган алқов ҳам Ҳом Яшт номи билан Яштлар қаторидан ўрин олган.

хомийси. Лекин Ард^{ви}-Сурага яна бир қатор вазифалар юкландынки, улар орасыда тилак-истакларни имонли, эътиқодли одамлар учун мұхайё қилиш, әрлар пушти камарини бар^{акатли}, хайрли ва тұлық қилиш, аёллар пуштини бола пайдо бўлиши учун кенг килиш, турғуқни осон этиш ва бошқалар алоҳида дикқатга сазовор. Маъбуд Митра эса Ахура Мазданинг эзгу дунёсини ёвуз кучлардан, хусусан девлардан, горат, вайроналиклар келтирувчи Ёлғон (Алдоқ)дан ҳимоя киласи. У күёшни самога олиб чиқади. Унинг нурлари — учқур олтин отларининг бир зумда олам узраетишига кўмак беради. Каерда ёвуздик, ёмонлик, қабоҳат пайдо бўлса, бир зумда йўқ қиласи. У минг кўзли, минг кулоқли, доимо бедор ва хушёр. Митрага сиринмоқ «Ахура Маздага сиринмоқ ва уни хушнуд этмоқ» деб тушунилган.

Вараҳран Яшт ўзига хос қаҳрамонлик, эл юрт ҳимоячиси шаънига айтилган ҳарбий мазмунга мойил алқовдир. Унда энг қудратли, энг кучли Язат сифатида Вараҳран олқишлилади. Қолган Яштлар ҳақида ўз ўрнида керакли изоҳлар берамиз. Бу ўринда эса бир хулоса мұхимдир. У ҳам бўлса, Яштларнинг узоқ ўтмиш, илк давлатчилик жараёнининг ижтимоий-маънавий ҳаётини акс эттирган ёзма тарихий манба эканидир.

M. Исҳоков

ТАРЖИМОНДАН

Қадимги Турону Эроннинг, бу элларда эл бўлиб азалди шаб келаётган ўзбек, тојик ва бошқа халқларнинг руҳиттарин манъавий мероси бўлган муқаддас «Авесто» (Авеста) китобининг яралган вақти уч минг йилдан пори узоқ ўтмишга тақалади. «Авесто» замонлар оша шабани тарафа авлоддан-авлодга узатилиб келган ва охири вазрати Исо алайхиссалом таваллудидан 7 аср чаманинг ишари йирив бир тизим ҳолига келтирилган ва, нишони, китоб қилинган. Ахура Маздадан хабар бериб шактани пайғамбар Зардушт (Заратуштра) ўз тарғиботини шеърий бадиҳа кўшиқларда ифодалаган. Улар «Гоҳ»-ни, (Гатлар) — кўшиклар деб аталган. Зардуштдан ўз гоҳ (Гот) «Авесто»нинг Ясна бўлими таркибида ётиб келган. Бу шеърий асарлар «Авесто»нинг энг қадими, изохланиши мураккаб қисми ҳисобланади. Чунки Зардушт ўзи яшаган давр воқеликларига кўплаб ишоратлар килади. «Авесто» атрофида бирлашган қадимги шинният учун тушунарли бўлган бу ишоратлар мазмуни шактакачонлар унутилган. Уларга мувофиқ келувчи шактанинг излаш гоят мушкул вазифадир.

Муқаддас китоби «Авесто» бўлган зардуштийлик энг шинният динлардан бири эди. У исломга қадар Ўрта Шарқ шактани орасида кенг тарқалган. У худодан вахий шинният орқали одамларга пайғамбар Зардушт билдирган ўзини инфатида талқин қилинади. «Авесто» 21 наск, яъни шактанинг иборат бўлган. Лекин бу 21 китоб бизгача бутун ўзини келмаган. Ҳозир фанда «Авесто»нинг «Ясна», «Видевдот», «Йашт», «Виспрат» каби китоблари маълум. Бу китобларнинг муайян вазифалари бўлган. Масалан, «Ясна» шинният учун зарур дуоларни, «Видевдот» Ахура Мазданинг шуниннанлари бўлган девларни маҳв этишга мўлжалланган дуолар тўпламишини, «Виспрат» намоз ва зикру сано матнини, «Йашт»лар эса, Ахура Маздадан бошлаб у яратган түрли маъбуллар шаънига айтилган, ўқилиши кўп савоб-

ли ҳисобланган алқов (гимн)лар тўпламини ўз ичига олган. Мұхими шундаки, зардустийликда Ахура Мазда азал мавжуд ва абадий илоҳ мақомида әлоҳида мавқега қўйилган. Умуман, барча эзгу борлиқ унинг томонидан яратилган дейилади. Ҳар бир эзгу хилқатнинг ёвуз зидди эса, Ахриман (Анхра Майнйў) томонидан яратилади. Лекин Ахриманинг ўзини ҳам одамларнинг ибрат кўзи учун Ахура Мазда ўз-ўзлигидан айириб яратган. Хуллас, «Авесто» ҳақида узоқ ва кўп гапириш мумкин. Биз эса бу ўринда гапни муҳтасар қилиб, ўзбек тилига «Авесто»ни таржима қилиш ишлари бошланадиганлигини таъкидла-моқчимиз. Биз таржимада И. Стеблин-Каменскийнинг русча таржимасига асосландик. Шу билан бирга «Авесто» асл матни нашрлари ва Фарбий Оврупо тилларига қилинган таржималарга ҳам суюндин. Элимизда «Авесто» ва зардустийлик дини ҳақида факат умумий ва мавхум тушунчаларгина маълум бўлган бугунги кунда бу улкан меросимиз ҳақида батафсилроқ ва аникроқ маълумотлар бериш мақсадида таржимани имконият доирасида изоҳлар билан таъминладик.

1-Яшт: ХУРМУЗД ЯШТ

(Ахура Маздага алқов)

Кувонсин Ахура Мазда, «энг лойик» Ҳақ таолонинг иродаси рўёбга чиқиб, Анхра Майнйў (Ахриман) даф бўлсин.

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан¹ эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни Бори эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида қиласман, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

Топинчим ва мақтovларим — эзгу фикрим **ва** сўзим, (савобли) ишларим «танамдаги жоним» билан бирга Сизларга бўлсин, ўлим билмас Валилар.

Ҳақиқатни шарафлайман: «Ҳақиқат — олий неъмат. Бу неъматдан шул (киши) баҳрамандким, савоб унга бўлрайким, ул Ҳақ (йўлида) энг эзгу, савоб ишдан қолмаса!».

¹ Бу дуо сўз уч кайта ўқилади, яъни «Авесто»нинг асл матнида уч марта тақорорлаб ёзилган.

Маздага сиғинаман, Зардушт ёвлари бўлган девларга ёман, (Ахура) Мазда сўзига даъват этаман, деб имён келтираман. Ҳақиқат кўриқчиси тақводор Ҳавонни топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин). Ҳақиқат кўриқчиси тақводор Саванха ва Висйага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин).

Ҳақиқат кўриқчиси тақводор Рапитвинага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар бўлсин. Ҳақиқат кўриқчиси Фрадат — фшавага ва Зантумага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин).

Ҳақиқат кўриқчиси тақводор Узайеринага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин). Ҳақиқат кўриқчи Фрадат — вирага ва Даҳийумага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин).

Порлок ва фаровон Ахура Мазданинг севинчига топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар бўлсин.

«Эзгуликда беназир Эгам сингари», — дея менга оят берабер берар Заотар. «Ҳақни билишда энг эзгу бошчи Ҳаби» деб айтсан (бу дуони) билгувчи (хар бир) тақводор².

1. Синтама Заратуштра

Ахура Маздадан сўрек

сўрди:

Форлик ҳаётнинг халлоқи,

Рухи Мукаддас,

Айттил-чи менга

(Сен буюрган) эзгу аро

Кай бири энг қудратли,

Голиби қай бири

Савонбонки қайси,

Онрат кун кераги?

2. Не сўз элтар ютукка,

Недур ул дардларга эм,

Не сўз ажиналарнинг³

Ёвлигин барбод этар?

Фоний дунёда не сўз

Эзгуликка йўғрилган,

Не сўз ўткинч дунёда

Дамингдан покланиб,

Бўлган озода?»

3. Ахура Мазда сўз қотди:

«Менинг номим эрур бу,

Ахура Мазда Яшти оятлари асосида ўқиладиган ва намоз олдидан бу кириш дуолари ислом динимиздаги салот олдидан айтилади. Йиғубир ва ният жумлаларини эслатади. Жумладан, бу дуонинг Ҳавонни тонгли намоз олдидан ўқилса, Рапитвинага бағишлов кисми намози олдидан ўқилган. Чунки Рапитвина куннинг ярмига ҳомий-шунинг учун унга бағишланган дуо кун ботарга яқинлашганда намоз олдидан айтилган. Шулардан кейинги «Порлок ва Ахура Мазданинг севинчига...» жумласи билан бошланувчи дуо яшти (Хурмуздяшт) оятларига маҳсус бағишлов бўлиб, боска яшти бу дуо ўша яштада Қуёшга бағишланган дуо келади ва хоказо.

Жинлар қабохат ва разилликларнинг холики, ёвуз рух Ахримандан яратилган бўлиб, Ахура Мазда яратган эзгулик дунёсининг хисобланган.

О, Спитама, о, Зардушт,
Хар нарсадан қодирроқ,
Хар нарсадан ғолиброк,
Хар нарсадан савобонок
Охирадта эзгу сўз
(Поклагувчи гуноҳдан).

4. Бул сўз ўта музaffer,
Бул сўз ўта ҳозикдир,
Ул одамлар ва девлар⁴
Ёвлигин барбод этар,
Бу борлиқ ичра шу сўз
Эзгуликка йўғрилган,
Фоний ичра бу сўздир
Дамимдан покланиб
Яралган ул рухъ.

5. Ва сўнгра сўзлади
Заратуштра:
«Айтгил менга бу номни,
О, Муқаддас Ахура Мазд.
Ул улуғ номни айтгил,
Гўзал эзгу номни айт,
Ва энг ғолиб (номни айт),
Ва энг ҳозик (номни айт),

Одамлар ва девларнинг
Ёвлигин тугатгувчи,
Маҳшар куни покловчи
(Ўшал номни айт менга).

6. Шунда мен қақштарман
Одам ва дев ёвлигин,
Шунда мен қақштарман
Жодугарларнинг барин⁵.
Мени маҳв этолмас
На дев ва на одамзод,
На афсунгар ва на жин»

7. Шунда Хурмузд* сўз очди:
«Менинг номим —
Рахштия, менинг номим
О Содик, Заратуштра,
Бир унвоним — Подабон,
Яна бир номим Кудрат,
Яна бири Ҳақиқат,
Бешинчиси — Эзгулик,
Бу чин номим Маздадан,
Олтинчи номим Хирад,
Еттинчиси — Хирадманд,
Номим Билик — бу саккиз,
Тўққизинчи — Билимдон.

⁴ Мазда (Ахурамазда) дини юзага келмасдан олдин аждодларимиз девларни ҳам турли хаёттий холатларда химоячи кучлар, деб тушунган. Эртаклардаги «ижобий» девлар шу қарашларнинг колдигидир. Ёлғиз Ахура Маздага эътиқод тарғиб қилинган пайтда девлар кора кучлар сифатида лаънатланган. Девларга ижобий муносабат, аждодларимиз билан кадимий илдизлари боғлиқ бўлган «хинд ҳалқида хозиргача сакланган. Дев, Дева — ўзагидан тузилган исмлар шундан далолатдир. Демак, хинд ҳалқи ва бизнинг аждодларимиз ўртасида тарихий бўлиниш Ахура Мазда дини шаклланишидан аввалорқ рўй берган. Шу сабабли хинд ҳалқида «Ригведа» каби, нисбатан мустақил эпик тизим юзага келган бир пайтда бизда «Авесто» шаклланган. Хар икки кадимий муқаддас китобнинг тил жиҳатдан ўзаро яқинлиги ҳам шу билан изоҳланади.

⁵ Зардуштийлик бу ўринда ўзидан аввалги примитив диний урғодатлар, сеҳр-жодуларга ишонишини қораламокда ва Ахура Маздага эътиқодни шакллантиромкда.

* Таржимада Яштларнинг асл авесточа матни ўлчовларини саклашга харакат киёлдик. Шу туфайли бир катор исмлар, атамаларнинг турли тарихий даврларга хос шаклларини бўғин ўлчов таълабига қараб ишлатдик. Натижада Заратуштра — Зардушт, Вератрагна — Вараҳран-Баҳрон, Баҳран, Баҳром, Ахура Мазда — Ахурмазд — Хурмузд, Ардви Сура — Ардвисур каби вариантларни қўллашга тўғри келди (*Таржимон*)

8. Ўнинчи ном — Валилик,
Ўи биринчим — Авалие,
Ўи иккинчим — Ахура,
Ўи учинчи — Энг кучли,
Ўи тўртинчи — Бегазаб,
Ўи бешинчи — Жўмардлик,
Ўи олтинчи — Ҳисобдор,
Ўи еттинчи — Қарағу,
Ўи саккиз — Табиб Ҳозиқ,
Ўи тўққиз — Холиқ номим,
Йигирманчи — мен Мазда.

9. Менга сифин о, Зардушт,
Тун сифин, Кундуз сифин,
Хайру эҳсонлар қилгин,
Сидку курбонлар қилгин,
Қилгин неки муносиб,
Шунда мен ҳозир бўлиб
Ердамга ошиқарман,
Шунда сенга мададга
Шошар эзгу Сраоша⁶.
Мададкор бўлар сенга
Сувлар ҳамда наботот
Ва художўй фравашилар.

10. Қачонки, аё Зардушт,
Одамлар ва девлар ичра
Евликка қирон солмок,
Деву афсунгарларни,
Кави⁷ мустабидлару
Машъум Қарапанларни
Иккى оёқ абллаҳлар,
Соҳтагар даҳоларни,
Тўртоёқ қашқирларни.

11. Қонли ва кенг яловин
Баланд кўтарган
Кенг ясокли қўшинни
Қирғин қилмоқчи бўлсанг,
Номларим иқор айла.
Такрор айла уларни,
Туну кун такрор айла.

12. Мен — холиқ, мен —
ҳомий,
Мен — нозир ва мен аълам,
Номдир менга эзгулик,
рухи олий
Шарафлидир, ҳозик
номим ҳам,
Табибларнинг табибиман
мен,
Номдир менга беминнат
Дастёр,
Энг муқаддас ҳожатбарор,
Менга бир ён номдир
Ахура,
Бир томондан номимдир
Мазда.
Номдир менга Такводор яна,
Такводорлик барчадан аъло,
Номдир менга Фароғат-
баҳшлик,
Энг Фароғатбаҳш ҳам ўзим.
Барчани кўргувчи яна
бир номим,
Ўта кўргувчидир ўзим ва
кўзим,
Жуда ҳушёр эрур бир
номим,

⁶ Сраоша — намоз ва эътиқод ишлари нозири ҳисобланувчи маъбуд. Ўнин ёрдамида одамлар намоз адо этиб худога мурожаат этадилар ва ҳадисат кучлари билан курашадилар.

⁷ Қавилар — Зардуштга қадар қоҳин-шоҳлар. Улар Зардушт таълимогина карши бўлишган. Шунинг учун «Авесто»да қавилар мустабидлар, деб боралланган. Кайонийлар сулоласи шоҳлари қоҳин-шоҳ функцияларини йона тутган Кай Кубод, Кайковус ва х. к. зардуштийликни қабул қилган ғонитавена номига ҳам «Кай» унвони қўшилган. Лекин имонга келиб, зардушт динини қабул қилган шоҳлар «Авесто»да ижобий баҳоланади.

Ўта хүшёр эрур тақрор
бу номим.

13. Менга номдир Нозири олий,
Тағин бир номимдир
Изкувар, билгил,
Мухимдир барчадан —
мен Парвардиғор,
Мен борлиқнинг Кўриқ-
чисиман,
Номдир менга тағин
Химоят,
Яна бир ном Билгувчи-
ликдир,
Воқифликдир яна бир
тарзим,
Чўпондир номим менинг,
Чорвадорнинг «муқаддас
сўзи»,
Ҳокимият ошиғи, ҳокими
мутлак,
Эзгуликка йўғирилган
Ҳоким.

14. Менинг номим Ҳақгўйлик,
Менинг номим Алдовсиз,
Менинг номим Асрафув,
Менинг номим Қақшатқич,
Остин-устин қилгувчи
ҳам мен,
Вайроналар этгувчи ҳам
мен,
Яратиб бор этгувчи ҳам мен,
Бир ном менга Эзгу
фароғат,
Пурфароғат аталсан ҳам,
рост,
Менга номдир Роҳат
бахшида.

15. Ишлари фойдали —
бу мен, бовар қил,

Чиндан ҳам фойданоқ
эрур, у деб бил,
Номимдир Фавойид,
буни тақрор қил,
Зоваркиндир яна бир
номим,
Кудратлидир яна бошқаси,
Ҳаққоният яна бир исим,
Бўйи баланд — яна
бошқаси,
Менинг номим Ҳукми
қаттиқдир —
Энг ҳукмрон, ўта ҳукмрон.
Ва яна номим Оқил,
Энг ақлли номи деб
билил.
Номим Узокни кўргиц—
Мана шулар менинг но-
мидир.

16. Фано ичра кимки,
О, Зардушт,
Тақрорлар барча номим,
Тақрорлар кеча-кундуз,

17. Тура айтар уларни,
Ёта айтар уларни,
Белбогин боғлай айтар,
Белбогин еча айтар,
Уйидан чиқа айтар,
Сафар олдидан айтар,
Юртидан кета айтар,
Юртига кайта айтар,

18. Унга кор этмас асло
На шу кун ва на шу тун
Ғазабнок бўлиб келган.
Ғазаб кучи-ла елган
На болға ва на найза,
На пичоқ ва на санчки,
На тош уни йиколмас.

10. Бу **н**омлар йигирмадир⁸ —
Хим оят ва Қароқ.
Душманлар алдовидан,
Гунхда ҳалокатдан,
Куфр таҳликасидан,
Үлк чорлар ёлғондан,
Ахтиманзодалардан
Бу **н**омлар **Химоятдир**,
Минг пахлавондан аъло».
10. «**Би**зга ким ҳомий, Мазда,
Сүз ларингга мувофиқ?
Менга ўргат, мен билай.
Бу дунёниг етови,
масиҳи табиини
Эзг^у ниятла Сраоша,
Важий элтсин ул зотга,
у **б**ўлса Сенга ҳабиб».
11. «**Х**варно шарафланси, **у**
икучи, Кавийвордир.
Шарафлар Эронвежга,
Мазда берган неъматга!
Да ити сувига шараф,
Ардининг пок сувига!
Бу ванимат дунёга
Бўлсин туганмас шараф!
«Энг эзгу Тангри
мисол...» (Ўн кур).
«**Ҳ**ақиқат — энг эзгу
неъмат...» (Ўн кур).
12. Қодир «Ахуна — Варъя»
Оятин тақрорлаймиз,
АЗИЗ «Ашা Вахишта»
(Дуосини ёдлаймиз),
Воқий валилик ҳаки
Кудратга сиринамиз,
Қанотга ва Кучга,
Ғалаба, Ҳокимиятга
Ҳварнога топинамиз.
- ⁸ «Авесто» йигирма сифат орқали ифодаланган бу номлар Ахура Мазданинг сифатлари, гўзал исмлари бўлиб, исломдаги «ал-Асма-ал-хусна» — Аллоҳнинг гўзал исмлари анъанасига ўхшаш ҳолдир.

Нурафшон Ахурмаздага —
Муқаддасга топинамиз.
«Намозимиз йўллаймиз
Ахурмазда савоб
Деб тан олган ул зотга».

23. «Энг эзгу Тангри
мисол...» (Икки кур).
Шарафни шарафлайман,
Шарафлайман дуосин,
Қудратин шарафлайман,
Карамин шарафлайман
Порлоқ Ахурмазданинг,
Тенгиз Парвардигорнинг.
«Ҳақиқат энг эзгу
неъмат...»
24. «Ўзинг асрса Заратушт-
рани,
Тоабад бу содик қулингни
Мунофик душманлардан.
Унга хеч ким зарб
бермасин,
Етказмасин ҳеч заҳмат,
Мулкин торож этмасин,
Ҳақни билган бандангнинг
Заррадан эҳсонини
Боқий валилар (эҳсонидек),
Буюк курбонлилар (Даргохингда қабул эт)».

25. Эзгу ният — мен
яратганим,
О, Заратуштра,
Ҳақиқат ҳам бунёд этдим
Мен.
Ҳокимият — барчага
макбул,
Менинг ҳукмим илиа
пайдодир.
Муқаддас тақводорлик —

Менинг иродам.
Бағри бутунлик ва Абадият
Тақводорлар мұкофотидир,
У дүнёсін обод айла-
гай, —
Бу ҳам менинг хилқатим.

26. О, Спитама Зардұшт,
Билиб олғин ва идрок
этгин,
Садоқатли Заратуштра,
Менинг ақлу билигим
бира
«Әнг әзгу дунё қандай
пайдодир»,
«Охирати уннинг не бўлур?»

27. «Минглаб чора, минг
туман тадбир!». (Уч құр).
(Бор) Муқаддас тақво
учун
Муқаддас имон кучи-ла
бузинг
Кўнгилларда кину ғаразни.
Күлоқларин беркитинг
унинг,
Панжасидан тутинг беомон,
Оёкларин мажаклаб
ташланг —
Адоватни боғланг (бер-
манг унга ён)⁹.

28. Тақводор зот, о Мазда,
Ёлғончини¹⁰ енгарми?
Ёлғончини енгиб
Тақводор?
Ёлғонни ҳам енгарми
охир?

⁹ Заратуштрага Ахура Мазда айтапти: «Сен билиб идрок этишиңг менинг сенға ато этган ақл ва идроким туғайладыр». Демек, «менинг ақл-идроким, билимларим воситасыда сен билиб идрок эт».

¹⁰ Ёлеончи — зардыштыйлікда ҳақиқат, ҳақ ва худони тан олмайды-
ган коғир зоттір.

¹¹ Бу парчани намоз маросим иштирокчилари жўр овозда биргаликда
ижро этишган.

¹² Жумланинг бошланиши тушунарсиз.

Худо сўзин эшитган чорда
Ахура Мазданинг кулоқ-
ларига
Таъзим ила намоз
элтармиз.
Худо сўзин хотирда тутган
Ахура Мазданинг оқил-
лигига
Таъзим ила намоз
элтармиз,
Худо сўзин айтиб тургувчи
Ахура Мазданинг тилига
(чексиз)
Таъзим ила намоз
элтармиз.
Ушида ва Ушидарна
Тоғларига таъзим
этармиз.
Хайру эҳсон бағишлаб
тун кун
(Намозимиз бари ул
учун)¹¹.

29. Сўз бошла Заратуштра:
*.
Муқаддас тақвонинг
Икки кўзидан
Кунпаякун бўлсин
қабих(лар).¹²

30. «Минглаб чора, минг
туман тадбир!».
Имонли одамнинг шаънига
Сажда қиласиз, фраваши,
Номи — Асмо Хванхо
(ҳақи),

Тақвадор фравашилар
(хаки)
Мен сидқ ила намоз
үйирман.
Гаокерна дарахти ҳаки
Сидкидилдан намоз
үйийлик,
Ул курдатли ва кучли
Гаокерна дарахтни на-
моз ичра алқайлик¹³.

III. Ахурмазданинг кулоги
(хаки)
Худо сўзин тинглаган ўшал
Таъзим ила намоз эл-
тайлик,
Худо сўзин хотирда тутган
Ахурмазданинг доно
аклига.
Худо сўзин айтиб тургувчи
Ахурмазданинг тилига
(чексиз)
Таъзим ила намоз эл-
тармиз,
Ушида ва Ушидарна
Тоғларига таъзим этармиз,
Багишлайлик тун-кун
сидқ ила
Хайру-эҳсон (улар
ҳакига).
«Ҳақиқат — энг айло
неъмат...»¹⁴

32. Муқаддас Покликнинг
Яратган хилқатин эъзоз
этайлик.
Бу хилқат аро аввалан,
Ҳакдан ато бўлган у ўзи,
У ўзидир буюклар бу-
юклиги,
(Қодир) эга ва сардор
У — Ахура Маздадир.
Ахриман қатли учун,
Қонли ғазаб¹⁵ маҳви учун,
Мозан девлар қаттоли
учун.
Барча девлар чун кирғин,
Осий ёлғончиларга ўлим
(Ахура Мазда эрур)¹⁶.
Хилқатни шарафлайлик —
Голиблик барори чун
Порлок Ахурамаздага,
Авлиё обидларга,
Ярқироқ ва баҳтиёр
Зухал юлдузга сажда.
Ул имондир шаънига,
Муқаддас руҳ яратган
Барча хилқат шаънига
(Таъзим адо этайлик).

33. «Ҳақиқат — энг олий
неъмат...»
Ато эт баҳту иқбол,
Тансиҳатлик бер унга,
Бер унга чидам бардош,
Зафарбардор куч бергил,

¹³ «Гаокерна дарахти» қандайдир асотирий унунтилган тушунча бўлса керак. Уни муқаддас ўсимлик хаоманинг тури деб хисоблашган. Танасидан сутсимон доривор модда ажратиб олинган.

¹⁴ 30—31-бандлар матни имонли одамнинг (шаънига) «намоз дуо йўллайлик» қабилидаги жумладан бошлаб «Аша Вахишта» дуосигача уч марта такор келади.

¹⁵ Ғазаб «Авесто»да мавхум образдир. У инсон қалбida бузғунлик турдиради. Мўминларни ҳақ йўлдан озиради. Уни ёвуз деб Аэшмага нисбат берилади.

¹⁶ Қавсда келадиган жумлалар мазмунни ойдинлаштириш учун биз томонимиздан киритилган. Акс ҳолда, кўпинча асл матнда мантикий ўзилишлар бордек туюлади. Бу ҳол бадиий тафаккурнинг «Авесто»га хос босқичи билан ҳозирги одам тасаввуридаги тафовутдан келиб чиқса керак.

Авлод бер омадбарор,
Умрузоқ қил барқарор,
Бер унга порлоқ имон,
Яхши кут бер, нур —
савоб.

«Ҳақиқат — эңг олий
неъмат...»

Минг чора, минг туман
тадбир. (Уч кур).

«Ҳақиқат — эңг олий
неъмат...».

Кел, эй Мазда, кўмак
бер. (Уч кур).

Худо ато, олижаноб
Вараҳран зафарбардор

Кучлари (ёрдамга кел).
Хуш яйловдор Романинг¹⁷
Кудратбардор Вайунинг¹⁸
Хилқатлар ичра аъло,
Муқаддас Руҳдан пайдо
Танин ўшал қисмига
Зрувана мутлақлигин¹⁹,
Чексизлигин тасдиқ қил,
Бил анинг абадлигин,
(Тасдиқ қил, кўмакка кел).
«Ҳақиқат — эңг олий
неъмат...

Савобга дохиллир, са-
воб унга ёр,
Ажр топгай савоб ҳам унга
Кимнинг кори Ҳаққа
хизматdir».

АРДВИ СУРА АЛҚОВИ

Обон Яшт

(5-Яшт)

Кувонсин Ахура Мазда...

Ардивининг Пок сувлари қувончи (ҳаққи), валинеъ-
мат (Ардви) ва Маздадан хилқат топган бори наботот
(ҳаққи) юкунчу алқовларим, қувончу шарафларим
бўлсин.

«Энг эзгу Тангри каби»...¹

I

1. Сўз қотди Ахура Мазда
Спитама Зардуштга

Сигингин, эй Спитама
Суви лим-лим Ардвига,

¹⁷ Роман — осойишталик, тинчлик маъбути.

¹⁸ Вайу — шабада, шамол маъбути.

¹⁹ Зрувана — абадий Вақт. Бу тушунча зардуштийларда фалсафий
идрок этилган ва унга эътиқод билан қаралган. Чунки барча ҳақиқатлар
замон ичидаги мавжуд Ахурамазда эса, шу абадиятнинг ҳам эгаси деб
тушунилган.

¹ Бу ният сўзлари ҳар бир яштнинг бошида такрорланади. Факат у
ёки бу яшт багишиланган маъбудга мурожаат қилинган ўринларда маъбуд-
лар номи алмашади.

Дардга эм кенг Ардвига;
Сиғин бутун дунёning
Топинчу алқовига
Лойиқ Ардви Сурага,
Сиғин — девларга қирон,
Содиқ ул — Ахурага;
Нону ризқ ўстиргичга,
Подани тўйдиргичга,
Войликлар ундиригичга,
Ерлар саҳнини чексиз
Уфқка дўндиригичга,
Ул валинеъматга сиғин,
Юртлар яшнатгувчига
Ихлос-ла сиғин, Зардушт!

2. Муқаддасу, мўътабар у,
Эр пуштининг озиғи,
Эрқак белига мадор,
Иккиқатга најоткор,
Эзгутир у, табаррук у —
Эр пуштининг қуввати
Эзгутир у, эрлик пуштин
Бобаракот этгувчига

3. Ибодат қил, о Зардушт
Кироқларга урилған
Ворукаш² тўлқинлари
Ўркачлари ўртада
Осмонга сапчиганда
Ўз сувин айлаб нисор,
Минг кўлдан ошиб ўтар.
Ҳар бирини қирқ кунда
Айланиб чиқа олмас
Отлиқ гар шитоб ўрттар.
Эзгутир у, эрлик пуштин
Бобаракат этгувчи
Зуврот учун оналар
Пуштини у тўлдирап,

4. Ибоодат қил шарафли
Кенглик ичра тенгисизга,
Дунёning бор суви бир
Бўлса тенг эмас зотга,
Аёллар бачадонин
Дунёдек этувчи кенг,
Иккиқатга мададкор,
Туғмоғида халоскор,
Кўксин сутга тўлдирап.
Оқими қудратлики,
Хукариядан³ сув олиб,
Ворукашага элтувчи
Ардвига таъзим солиб,
Йўллайн мен намозим.


5. Унинг битта тармоғи,
Етти кишвар ошади.
Қишу ёзда тинмайди,
Оқиб тиним билмайди.
Эрқаклар уруғлигин
Аёллар бачадонин
Баракот-ла тўлдирур,
Сут тўлдирап кўксига.

6. Бунёд этдим мен Мазда,
Үйнинг барори учун,
Қишилок ва юрт барори,
Улар химояти чун
Ёр айладим мен уни —
Ардви Сурани, о Зардушт,

7. Шундай оқар, о Зардушт
Оқар муқаддас Ардви,
Парвардигор олдида
Оқ билакли ул гўзал,
Билакки, отдан кучли.
Кўллари ирмок бўлиб,
Ороланиб оқар у,
Шуурида шундай ўй:

¹ Ворукаш(a) — мифологик денгиз. Ардви тоғдан шитоб билан түшнбок, унга куйилади. Узбекистоннинг Қизилкум чўллари ўрнидаги қаламиги Тетис денгизи ҳақидаги хотиранинг изи «Авест»да сақланган, яйнигина асос бор.

² Хукария (Хукария, Хукариә) — Ардви Сурадаётси бошланадиган мифологик чўкки.



8. «Ким мени шарафларкин,
Ким намоз йўллар менга,
Ким эҳсон йўллар менга,
Муқаддас эҳсон қилас.

Ҳаома-ю⁴ сут билан
Йўклар мени ким бугун,
Сидку вафоси учун
Кимнидур шод қиласман,
Куч-кұдрат бағышларман.

9. Бахт учундир намозим.
Баралла овоз билан
Келтириб лойик эҳсон,

Ардви Сурни алқайман.
Гўзал, нозик нутқ ила
Ҳақ сўзни чин — Рост
қилиб,
Қўлда тутиб барсиман,
Сутли ҳаома эҳсон
Айласин ихлос қилиб.
Сени қилган дилга жо,
Сендан қилсан илтижо.
Ниятлари ёр бўлсин,
Холис кимдир, бор бўлсин,
«Ахура Мазда «савоб»
Деб кўрсатган ул зотга
Йўллаймиз намозимиз».

II

10. «Сигин унга, Спитама...»

11. Мана, Ардви аробада
Тизгин тутиб боради.
Кўнглида бир ўй, орзу:

«Кимдир ўша паҳлавон
Ким, у мени шарафлаб,
Намозин айлар равон...»

Бахт учундир намозим...

III

12. «Сигин унга, Спитама...»

13. Бир хил зотли тўрт оқ той,
Уни элтмоқда равон.
Бу тойлар-чи, беомон,
Девлару жодугарлар,
Жинлару инсон аро

Ёвликка солар кирон.
Маҳв ўлар ковалару,
Мустабидлар берар жон.
«Ўлар барча карапан»⁵,
Бахт учундир намозим...

14. «Сигин унга, Спитама...»

IV

15. Улкану нурафшонга,
Бўйчану кўркабойга.
Сувлари кеча-кундуз
Ер юзида бор сувнинг

Устидан ошиб ўтиб⁶
Алқагич сувга сигин.

16. Сигин унга, Спитама...

⁴ Ҳаома — хушёрлик, тийраклик бахш этувчи муқаддас ичимлик. Эфедра ўсимлигидан тайёрланган. Хушёр туриб, чукур идрок ва хиссиёт билан ибодат қилиш мухим хисобланган.

⁵ Карапан — Мазда дини душманлари.

⁶ Ардининг сувлари хамма сувлардан улуғ ва муқаддас деб билинган. Бу улуглик «сувлар устидаги сув» деб таърифланган.

17. Парвардигор Ахура
 Мазда Ардви Сурага
 Арианам Баежуда,
 Даитианинг бўйида
 Намоз этди бахшида
 Сутли ҳаома билан
 Кўлда тутиб барсаман.⁷

18. Муқаддас Ардви Сура,
 Менга шундай баҳт берки,
 Пурушасп ўғли
 Зардушт

Спитамий кўнглига
 Менга иймон келтириш
 Фикрини кўяй солиб,
 Сўзлари ҳам амали
 Мос бўлсин худди қолип.⁸

19. Ардви Сура шундайин
 Омадни унга берди.
 Ҳак йўлида ким доим
 Эҳсонни дилдан қилса
 Унга омад берувчи».
 Баҳт учундир намозим!

20. «Сигин унга, Спитама...

21. Хушангি Пародата
 Курбонлик қилди унга
 Ҳара тоги тагида
 Юз той-у мингта сигир,
 Беҳисоб кўйу пода.

22. Ардвидан турди сўраб:
 «Шундай омад бер менга,
 Муқаддас Ардви Сура,
 То менинг одаму дев,
 Жин, алвости, жодугар,
 Кайёний мустабидлар,

Қабих карапанларнинг
 Устидан бўлсин ҳукмим.
 Варна⁹ хизматкорлари
 Мозан¹⁰ девларни қирай,
 Улар қаҳрин йўқ қилай».

23. Унинг эзгу ниятин
 Ардви ато айлади.
 Чунки ҳақнинг йўлига,
 Ким келтирса курбонлик
 Омад тутар қўлига».

Баҳт учундир намозим...

24. «Сигин унга, Спитама...

25. Гўзал Йима Ҳукарйа

Чўққисин тепасида
 Унга курбонлик қилди
 Сўйдириб юзта тойни,

⁷ Бу банд мазмунидан Ахура Маздага эътиқод устун келгунига қадар Ардви Суранинг мавқеи жуда юқори бўлганлигини тушуниш мумкин. Ҳатто Ахура Мазда унга илтижо қилмоқда

⁸ Зардустийлик ахлоқининг уч асоси: фикр, сўз ва амал бирлиги, яъни иймонли бўлиш, сўзда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам иймон-эътиқоддан чекинмаслик қоидаси.

⁹ Варна — бу сўзнинг икки хил талқини бор: Зардушт таълимотининг ёвлари ҳукмрон бўлган Ахриман яратган юрт; 2. Ахриман яратган ёлғон, хирсу ҳавас ҳукмрон бўлган юрт.

¹⁰ «Авесто»да Мозан — мифологик девлар макони. Зардустийлик Эронга ёйилгач, Каспийдан жанубдаги ўлкага Мозандарон номи берилган.

Келтириб мингта молу
Бехисоб қўй пода.

- 26.** Ва Ардвига шундайин
Ният изҳор айлади:
Муқаддас Ардви Сура,
Менга бер шундай омад
Ки, одаму девларнинг,
Алвастию жинларнинг,
Кова мустабидларнинг,
Қабих қарапанларнинг
Бўлайн ҳукмдори

Ва девлардан асрайн
Бойлигу еру мулкни,
Поданинг семизлигин,
Ўтлоклар (бўликлигин).

- 27.** Уни шундай омадга
Сазовор қилди Ардви.
Ҳақ йўлида ким доим
Ҳаққа эҳсон айласа
Омадга ёр қилувчи».

Бахт учун унга таъзим...

VIII

- 28.** «Сифин унга, Спитама...
- 29.** Унга уч бош Аждаҳо
Баври¹¹ номли даҳйуда¹²,
Курбонликка келтириди
Юз той ва минг қорамол
Сон-саноқсиз совлик, қўй.
- 30.** Ва Ардвидан тилади:
«Менга шундай омад бер,

Муқаддас Ардви Сура,
Етти иқлимда одам
Зотини қолдирмайин».

- 31.** Унга бундай омадни
Бермади Ардви Сура.

Унга қувнаб намозим
Йўллайман бахт йўлида...

IX

- 32.** Сифин унга, Спитама...
- 33.** Атвийанинг вориси
Кудратли Фрайтона¹³
Тўрт бурчакли — Варнда
Курбонликка келтириди
Юз той ва минг қорамол,
Сон-саноқсиз совлик, қўй.
- 34.** Ва Ардвидан тилади:
«Менга омад, барор бер,
Токи уч бошли илон

Захҳокни ҳалок этай.
Уч оғизу олти кўз,
Макру қаллоблик ичра
Фазабкор девдан тукқан
Эзгу борликка горат,
Дунёнинг заволи-чун
Кудрату кучни йиққан
Ахримандан тарқалган
Эзгуликлар хилқатин
Йўқ қилмок унда ният.
Ёлронда енгилмасни¹⁴

¹¹ Баври — уч бошли Аждаҳака (аждаҳо) ҳукмрон бўлган юрт номи.

¹² Даҳйу — «Авесто»да «юрт, мамлакат» шу сўз билан ифодаланади.

¹³ Фаридун.

¹⁴ «Авесто»да «ёлғон» энг кабир гуноҳ сифатида кораланади.

Мен маҳв этай оқибат.
Олиб кетай у севган
Энг сара аёлларни,
Хушандом Сахнавакни
Ва гўзал Арнавакни.¹⁵

36. Унга шундай омадни

Бахш этди Ардви Сура.
Ҳақ йўлида ким доим
Ҳақ эхсон килгувчидир —
Омадга ёр килгувчи.

Менинг намозим унга...

X

36. Сирин унга, Спитама...
37. Енгилмас Киришаспа
Пишин кўли бўйида
Унга курбонлик қилди
Юз той ва минг қора мол,
Сонсаноқсиз совлик, кўй.
38. Ардвидан тилади у:
«Менга омад, барор бер,
Муқаддас Ардви Сура,
Олтин туёқ Гардарвани
Тўлкинлари ўйнаган
Ворукашанинг бўйида

Уруш қилиб енгайин.
Ёлғонга эргашганинг
Уйларини топайин
Кенгликларга ёйилган
Уфқи чексиз ер узра».

39. Унга шундай омадни
Бахш этди Ардви Сура
Ҳақ йўлида ким доим
Ҳақ ниёз айлагувчи —
Уни омад барорла
Мўлу кўл сийлагувчи.

Намозимдир бахшанда...

XI

40. Аё, Зардушт, сирингил...
41. Ер ости пистирмада
Қабих тур Франграбийон
Келтириди унга курбон
Юз той-у мингта сигир,
Ва хисобсиз кўй эхсон.

42. Ва Ардвидан тилади:
«Менга бер шундай омад,
Ки, муқаддас Ардви Сур,
Спитама Зардуштга
Ато бўлган фарнни¹⁶,

Эран юртларин¹⁷ ўтмиш

¹⁵ Заҳҳок билан боғлик эртаклардан унтилган бир вариант қолдиги, деб баҳолаш мумкин. Арнавак «яхши насл бергувчи» маъносини билдиради.

¹⁶ Фарн — авесточча Хварно. Илохий ато этиладиган бахт, салтанат ризми. Унга эга бўлганларга улуф тақдирлар, подшолик насиб бўлади. Жумладан, Зардушт ҳам фарнга лойик бўлиб, Ахуранинг суйган бандаси, унинг эзгу дини ҳакидаги хушхабарни одамларга етказувчи — пайғамбарлик мартабасини олган.

¹⁷ Эран юртлар — «арийанам ваежу» сўзининг «арийан» қисмини қадимий туркӣ «эрân» сўзи билан ҳам боғлаш мумкин. Қадимий авесто-«арийан», қадимги туркӣ «эрân» бир хилда «қаҳрамонлар», пахлавон-«эр», қудратлилар» маъносига эга. Бу фикр макбул бўлса, «арийан» сўзини факат «эрон» деб талқин қилишдан кўра кенгроқ хуласага эри-

Ва келгүвси шохлари
Лойик этилган фарнни
Воракуша денгизин
Үртасида мен тутай».

43. Бундай орзусин унга
Бермада Ардви Сура.
Бу баҳт учун намозим
Йўллай Ардви Сурага...
44. «Сигин унга, о Спитама...
45. Унга килди курбонлик
Шижаатли Кавийсан¹⁸
Эрзифай тоги узра
Юзта тойу минг сигир
Сўйин саҳоқсиз жонлик.
46. Сўнг Ардвидан ўтинди
«Шундай баҳт бер,
бўлайин
Муқаддас Ардви Сура,
Одаму дев, инсу жинс,
Жодулари ёлғонлар,
Ковайи зўравонлар.
Фазабкор қарапанлар
Устидан мен ҳукмдор».
47. Бу ниятиң Ардви Сур
Унга ҳамроҳ айлади.
Ҳак йўлида ким доим
Ҳак эхсонлар келтирса
Омадин ёр этгувчи».
- Баҳт учундир намозим...
48. Унга сигин, о Спитама...
49. Эранлар юртларининг

Бошини қовуштирган
Хаосрава паҳлавон
Суви тубсиз Чойчаста
Кўлининг кирғонида
Келтириди килиб курбон
Юз тойу мингта сигир,
Саноқсиз кўйлар эхсон.

50. Ардвидан у тилади:
«Шундайин омад берки,
Муқаддас Ардви Сура,
Одаму дев, инсу жинс
Жодугар, сеҳргарлар
Ковайи зўравонлар,
Жоҳил қарапанларнинг
Хукми кўлимда бўлсин.
Минглаб аробаларнинг
Биринчисин бошқарай
От югурган йўлларнинг
Барчаси бўйлаб ўзим.
Қабих зот Нереман¹⁹ла
Чавандозлик баҳсида
У кўйган пистирмага
Тушмайин алдаб кўзим»²⁰.

51. Ва унга шундайин
Омадни этди тайин,
Ҳак йўлида ҳак эхсон
Қилгувчига ажрини
Бергувчи Ардви Сура.
- Баҳт йўлида намозим
Унга баҳшида этдим...

52. Сигин эй, Спитама...
53. Ардви Сура шаънига
Кўксини от ёли узра

шилган бўлур эдъ. Шу билан бирга бу хил ёндашув ўлкамизда туркӣ-забон ва эронийзабон ажоддларимизнинг этногенетик илдизлари бир эканини таъкидлаш имконини беради.

¹⁸ Кавийсан — афсонавий кайёнийлар сулоласининг «Шоҳнома»да Кайковус шаклида келган вакили «Авесто»да шундай аталади.

¹⁹ Нереман — Кайковуснинг ракиби, от синчиси.

²⁰ Кайхусрав тарихидан бир унтуилган ривоят сюжети.

- Ташлаб намоз йўллади
Довюрак жангчи Туса²¹,
Ўзига соғлиқ тилаб,
Аравага кўшилган
Отларга сўраб қувват,
Душманларни узокдан
Кўришга сўраб курбат,
Токи бир зарба билан,
Хар бир зарбаси билан
Хар бир душман ва барча
Ёвларга келсин қирон.
- 64.** Ва тарин Ардвига:
«Менга бер омад, — деди,
— О, муқаддас Ардви
Сур,
Кўркмас Варсакининг
Авлодларини енгай.
Муқаддас Қангҳадаги²²
Хашатросук танглиги»
(Ичра тўқнашган чоқда)
Туронлик кўшинларнинг
Эллик зарбда юзини,
Юз зарб билан мингини
Минг зарб билан туманин,
Туман зарбда саноқсиз
(Аскарин олай жонин)»,
- 65.** Бундай тилагин унга
Ёр этди Ардви Сура.
Ҳак йўлида ҳақ эхсонлар
Килгувчига Бергувчи
Доим савоб-инъомлар».

Бахт учундир намозимиз
Ардвига йўллаймиз.

- 56.** Сигин унга, о Спитама...
Хашатросук танглигида
Шариф Қангҳа юртида
Ваесакининг уруғи
Курбонликка сўйидири
Юз тойу мингта сигир,
Саноқсиз кўй сурувин.
- 57.** Шундай қилдилар ният:
«Муқаддас Ардви Сура,
Бергил шундайин омад,
Ки, биз мағлуб этайлик
Довюрак жангчиларнинг
Эллик зарбда юзтасин,
Юз зарб ила мингтасин,
Минг урганда туманин,
Туман зарбда саноқсиз
(Аскари ер тишласин)».
- 58.** Уларга бу тилакни
Бермади Ардви Сура».
«Бизга кут келтир, Ардви,
Токи дов жангчи Туса
Ҳамда арий лашкарин
Бизлар мағлуб этайлик.
Эллик зарбда юзин,
Юз зарб билан мингтасин,
Минг зарбда ўн мингини,
Ўн минг зарбда юз мингин
Юз мингда хисобсизин».

²¹ *Tusa* («Шохнома»да Тус) одатдагидек, «юз той, минг сигир, саноқсиз кўй» курбонлик қилмабди. У от ёлига кўкси билан ёпишиб Ардвига таъзим холида тилак изҳор қилмоқда. Намознинг бу усули сафар, жанг ва бошқа ҳолларда кўлланган бўлса керак. Бу каби намоз исломда ҳам қабул килинган.

²² Қангҳанинг муқаддас маконлар қаторида алоҳида таъкидланиши зардустийлик ва «Авесто»нинг ватани Туронзамин, Аму ва Сирдарёлар оралиғида бўлганига яна бир далилдир.

²³ Қангҳа юрти ясси тоғларидан биридаги дара бўлиши керак. Бу ўринда ҳам Тус билан боғлиқ жангномалардан бирининг қолдигини кўриш мумкин.

59. Лекин, бундай омадни

Унга бермади Ардви.

XVI

60. Ё Спитама, топин унга,
(Шаънига йўлла намоз...)

Гар тирик қайтсам,
Ахура берган ерга.

61. Фаридун кўкка отгач,
Йиртқич күшга айланган
Пурва²⁴ намоз йўллади.
Чин дилдан илҳом ила
Ардви Сура шаънига.

64. Кенг Ранха²⁵ сувларидан.
Ардви Сура намоён
Бўлди гўзал қиз мисол
Комати тик улуғвор,
Гўё бўйчан бир ниҳол.
Нур ёғилган сиймоси,
Гўё кўркам зодагон.
Болдиirlари гирдига
Олтин боғич боғлаган²⁶

62. Шу алфоз учиб юрди
Уч кечаю уч кундуз,
Пастга — уйи томонга
Қайтиб учиб тушолмай.
Учинчи тун ялиниб
Тонг адоги чоғида
Яна намозлар ўқиб,
Деди Ардви Сурага:

65. Ардви Сур Паурванинг
Кўлидан чакқон тутиб.
Ахура берган ерга,
Ундаги уй-жойига
Софу омон, безавол,
Илгари қандай бўлса,
(Шундайча) элтиб кўйди.

63. «Ё, муқаддас Ардви Сура,
Кўмакка шошил менга
Мени қўлла, кувватла
Ва мен минглаб курбонлик
Қиласай ҳаомали сут.
Улашиб (одамларга)
Дуодан пок, муқаддас
Ҳаома эҳсон этай

66. Ардви бундай неъматни
Етказди унга; чунки
Ким чин дил, иймон билан
(Омад тилаб, баҳт тилаб)
Доим курбонлик қилса

²⁴ Пурва билан Фаридун ўртасида кечган воқеа номаълум. «Авесто» бунга ишора килиб ўтди, холос. 61-банддан шу маълумки, Пурва ерда истиқомат килган қандайдир салбий мифологик персонаж.

²⁵ Ранха — «Авесто»да қайси дарё эканлиги аниқ эмас. И. Стеблин-Каменский Сирдарё билан қиёс килишини таклиф килади. Лекин унга келтирган исботи у қадар кучли эмас. Бу масалани тўғри изоҳлаш учун Фаридун билан боғлиқ ривоятларни, унинг қаҳрамонликлари тарихий (ёки мифологик) географиясини яхшилаб синчиклаш, қаерга боғлаш мумкинлигини ўйлаб кўриш керак.

²⁶ Ардви Сура шахслаштириш орқали инсон киёфасида тасаввур қилинган. Ҳатто бу лавҳадан унинг ибтидоий маъбуллар каторида ҳайкални бўлгани аниқ сезилади. То ислом давригача Ардви Сурани тасвирловчи кўплаб тош, сопол ҳайкалчалар кенг тарқалган. Уларнинг илмий нашрлари ҳам анчагина. Карап: М е ш к е р и с В. А. Терракотовые статуэтки Самаркандинского музея. Душанбе. 1964.

Омад ва бахт бергувчи
Ардви Сура Паувага
Шундай неъматни
Берди. Чунки у доим

Имон-ла курбонликлар
(Килганларни қўллайди...)
Бахт учун топинчларим
(Ардви Сурага бўлсин...)

XVII

77. Ё Спитама, сигингил
унга...

Йўлла жўшқин Ардвига...

78. Райридинлар лашкарин
Сафларини йироқдан
Кўриб Жамасп келтириди
Курбонликка юзта той,
Минг сигир, саноқсиз кўй;

72. Сайу—Жидрийнинг учнов
Ўйиллари бир йўла
Курбонлик келтиридилар
Ардви Сурага тўлик,
Юзта той-у минг сигир
Ва саноқсиз қўй-совлик.

79. Ва Ардвидан сўради:
«Менга шундай омад бер,
Ё мукаддас Ардви Сура
Токи мен эранлардек
Ролиб бўлайин жангда».

73. Сўнг ундан тиладилар:
«Эзгу Ардви, ато қил
(Кучу қудратни бизга)
Вайсақи Кара билан
Вара ва Дурекайтани,
Асабанзодаларни,
Уч туронлик «доно»ни
Енгмоқликини ато қил
Эзгулик учун жангда».

80. Ардви Сура Жамаспга
Шундай омадни берди.
Чунки доим ҳак йўлда
Курбонлик қилганларга
Ажрин берувчидир у.

74. Ва уларга бу омад
(Иқболни берди Ардви),
Чунки доим ҳак йўлда
Курбонлик қилганларга.

Бахт учундир намозим...

Ажрин берувчидир у.

71. Ё Спитама, намозинг

XIX

Ё Спитама, намозинг
(Йўлла жўшқин Ардвига,
Тўлиб оққан Ардвига)...

Ардвига шундай деди:

75. Ё Зардушт, унга топин...

76. Наотар қавм Вистаруш
Унга намоз бағишлаб,
Виванхухат бўйида
Юракдан чин сўз ила

77. «Чин — ҳақиқат
сўздир ул
Ардви, эшигланларинг.
Девларни худо деган
Каззобларни кирганман.
Бошимдаги сочдан ҳам
Кўпроғи ўлдирганман.
Ардви, менга кўмак бер

Токи Виванхухати
Сувин кесиб ўтганда,
Курук йўл бўйлаб кечай»²⁷.

78. Ардви Сура намоён
Бўлди гўзал қиз мисол.
Курб-қудратли, улуғвор
Сарвқад бўйчан ниҳол.
Гўё кўркам зодагон,
Сиймосидир нурафшон.
Оқизиб жўнатди-ю,
Бир зумда икки бўлиб
Виванхухат сувини—
Бир қисмини илгартди,
Бир қисмини тўхтатди.

79. Ардви Сура шундайин
Омадни берди унга
Ҳамма вақт ҳақ йўлида
Савоб иш қилувчига

Ажрин бермоқ — кўлида.

Бахт учун намозимни
Баралла овоз билан
Йўллай Ардви Сур сенга
Шаънингга мос эҳсонлар
Билан сенга юкуниб
Келсинлар хузурингга,
Муқаддас Ардви Сура.
Сут кўшиб шопирилган
Хаомадан савоб-чун
Барсман новдаларидан
(Даста тутиб кўлида)
Шириңсухан, нутқ ила,
Эзгу ният ва амал,
Чин юрак-ла айтилган,
Тўғри сўз-ла йўқласин...

«Намоз йўллаймиз унга —
Ахур Мазда савоб, деб
Намоз буюрган зотга...»

XX

80. Зардушт, сифингил унга...²⁸

81. Унга қилди худойи
Фриён ўғли тур Йўйшта
Ранхируднинг тезоқар
Қисми аро оролда
Юз тойчоғу минг сигир
Ва беҳисоб совлиқлар.

82. Ва Ардвидан тилади:
«Омад бер, Ардви Сура,
Менга шуни ўнг келтир.
Токи Ахтиани енгай,
Бадбин айёрни енгай.
Тўқсон тўққиз топишмок
Ҳар бири қанча чатоқ —
Айтса, мен уни топай

²⁷ Виванхухати дарёси—«Авесто» географиясининг қаердалиги маълум эмас. Бизнингча, бу дарё сувининг салбий таъсири, ёки оқимининг хаддан ташқари тезлиги туфайли ҳалокатли экани хақида мифологик тасаввур бўлган. Шу сабабли ундан оддий кечув қаҳрамон учун хавфли. Вистаруш илтимосига кўра, Ардви Сура Виванхухатининг оқимини шартга тўхтатиб, узилган жойидан олдинги сув оқимини олга хайдайди. Юкори қисми эса тўхтаб туради. Орада ҳосил бўлган йўлақдан Вистаруш нариги киррокка ўтади... У ҳўл бўлмаслиги эса ушбу эпизод учун мухим.

²⁸ 10-банднинг бошига 1 кўйиб, шу жумладан, то «Бахт учун намозимdir» жумласигача асл матнда 9 банд ҳар гал тақрор келади. Буни «Авесто» матншунослигига референ дейилади. Биз таржимада ҳар гал ушбу тақрорланувчи бандларнинг биринчи сатрингигина келтириб, уч нукта билан тўхтатиб ўтамиз. Ўқувчи шу сатринг давомида 8 банд бор, деб хисоблаши керак. Бу бандларнинг тўлиқ таржимаси эса Ардви Сура Яшт 9-бандида берилган.

Рион ният-ла айтса,
Мансади шум Ахтианинг
(Топишмоқларин ечай)²⁹.

88 Шундай кут инъом этди
Аноҳид³⁰ Ардви Сура—

Сирин унга, Спитама...

89. Холиқ Ахура Мазда
Эзгу зот хабар берди:
■ Ардви Сура, келгил,
Мен яратган ер узра
Туш юлдуз маконингдан.
Сени шарафласинлар
Алп ҳукмдор эранлар,
Улардан зот ўғлонлар,

90. Диндорлар ва қавмлари
Ёлбориш-ла сўрасин
Донолигу, валийлик
(Динда маҳкам бўлишда)
Мазда берсин ғолиблик,
Муносаблик, олийлик
Енгилмасликда омад.
Диндорлар ва қавмлари
Ёлбориш-ла сўрасин
Билгичлик ва валийлик.

Ҳақ йўлида ҳамма вакт
Савоб иш қилгувчига
Ажрин берувчи доим».

Бахт учундир намозим...

XXI

Мазда динин енгишин
Ва Ахура ваҳийсининг
Лойик камоли учун.

87. Қизлар яхши эр тилаб,
Сенга намоз этсинглар.
Фаровон улкан уй ва
Хожа тилак этсинглар.
Аёл кўзи ёришда
Сен қодир Ардви-Сура
Кимки нима сўраса
(Берувчи ўзинг расо).

88. Аё Зардушт, шул замон
Юлдузли маконидан
Ардви Сура Ахура
Яратган Ерга томон
Яқин тушиб, сўзлайди,
Эзгуликлар кўзлайди.

89. Оламга сарвар этиб³¹

²⁹ Бу лавҳа эртаклар қаҳрамони билан қабих кучлар ўртасидаги топишмоқ топиш манзарасини эслатади. Қаҳрамоннинг енгиб чикиши ёқи-идрок, топкирлик каби фольклор манзарапарининг қадимий илдизларидан гувоҳлик беради.

³⁰ Анахита — Ардви Суранинг «покиза, тоза» маъносини англатувчи донмий сифати. Бу сифатда Ардви Суранинг ўсимликлар, наботот ҳомийен, хосилдорлик, фаровонликни таъминлаш вазифалари ҳам кўшилиб кетади. Ардви Сура сопол хайкалчалари кўлида анор, бир тутам кўк новда тасвирланishi ҳам шундан. Аноҳид табиатнинг ўлмаслик рамзи ҳамдир.

³¹ Пайғамбарга нисбатан «сарвар олам» иборасининг «Авесто»даги кўриниши. «Авесто» бу сўзни «Рату» деб атайди. Жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар бир тур нарсанинг ўз «рату»си—сарвари, бошчиси бўлади деб тушунилган. Рату бир йўла ҳам бошчи, ҳам ҳакам, ҳам эга—хўжайн ҳисобланган. Бу тасаввур одамларнинг жамоаси бир бошчига бўйсунган, йилкида айғир, асаларида «подшо», турнада сардор, кабилада оқсоқол ва ҳ. к. бўлганидек, бу ўринда одамзодга сарвар—Зардушт. Исломда ҳам бу ибора ишлатилиши қадимий анъанага ёгадир.

Сени Хурмузд яратган,
Бу ҳакиқат о, Зардуст,
Мени-да шул Ахура
Борликқа ҳомий этиб,
Маъбуд қилиб яратган.
Кудратим, хукмим сабаб
Кўй-кўзи-ю йилки, мол
Барча инсон зоти бор —
Ерда юрар бемалол.
Мазда яратган барча
Эзгуликни авайлаб,
Барча яхши нарсани
Оғилхона молларни
Асрагандай асрайман.

90. Шунда Зардуст сўради
Ардви Сурадан:
«Аё Ардви Сура, айт,
Сенга қай тарз сифинай,
Не курбонлик илинай?
Ки холиқ Ахура Мазда
(Қуёш усти гумбазда)
Ул Нурафшон ортидан
Сенга йўл очиб берсин,
Ерга етиб кел чакқон,
Илон, курбака, чаён,
Калтакесак, тезгизак
Ари, пашша, ўргимчак
Етказмай Сенга зиён,
Бизга етказмай захмат
Йўқолсин зулмат томон³².

91. Марҳамат қилди Ардви:
Ҳақ учун, аё Зардуст,

Кун чиқардан ботгунча,
Шафақ кўкни тутгунча,
Намозга бўл бақувват.
Эҳсон-ла йўқла бот-бот.
Дилга туг эзгу ният
Дилда тартиб берилган
Доно маъни, мазмунлар
Қатор-қатор териилган
Муқаддас сўзнинг барча³³
Саволу жавобларин
Билгувчи коҳинлардек
Намоз бағишила менга.

92. Менга қилмасин эҳсон,
Хаста, майиб, ногирон
Калтакзада, бедаво
Дардга бўлган мубтало
«Гоҳ»ни кироат қилиб³⁴,
Аслида ишонмаган
Ўзин имонда санаб,
Лекин «Гоҳ» куйламаган
На халақу на хотин
Менга эҳсоғ қилмасин,
Эти ириб тугаган
Мохов хайри нораво.

93. Кўру карлар келтирса,
Эҳсон, қўлим урмасман
Чўлоқ, маймоқ ва тентак,
Тутқаноқ, мажрух, соқов,
Ақли калта экани
Белгили бўлса бирор,
Курбонликлар қилмасин.
Агар бўлса кураги
Ё кўкрагидан букри,

³² Бу банд И. М. Стеблин-Каменский томонидан асл матндан тушириб қолдирилган сатрлар хисобига эркин таржима билан тўлдирилди.

³³ Бу ўринда муқаддас сўз Ваху сахван... «Авесто» китобига нисбатан ишлатилган бўлса керак. «Саволу жавоблар» избораси эса «Авесто»нинг мазмунинда Зардуст ва Ахура Мазда ўртасида сухбат — савол-жавоб услуги етакчилигига ишоратдир. Агар шундай бўлса, бу банд «Авесто»нинг китобга бирлаштирилган даврларида киритилган.

³⁴ «Гоҳ» — Зардуст бадиҳа йўли билан яратган даъват сўзлари. «Авесто»нинг «Ясна» китобига 17 та «гоҳ» — қўшиқ сакланган. Уларни ёд ўқиши ўта савобли хисобланган.

Аело килмасин эхсон
Менинг учун ҳеч қачон³⁵.

97. Эзгу Ардви Сурадан
Сўради Заратуштра:
«Лё Ардви Сура, айт,
Нима бўлғай ахийири
Девларга сигингичлар
Каззоб зотлар кун ботгач,
(Сенга атаб келтирган)
Курбонликлар тақдири?»³⁶

98. Маъбуда Ардви Сура
Деди унга бу сўзни:
Чин сўздир ё, Спитама,
Коронги оқшом чўккач,
Бу курбонликлар томон
Шоша, оёқ чалишиб,
Шармиз сўкишлар-ла,
Ер-кўкни ҳаром килиб,

Олти юз-у яна минг
Дев бирдан ташланганда,
Эхсон эса мен томон
Интилади ҳар қачон.
Лекин мен унда йўқман

96. Олтин тоғ Хукаряга
Намозим холис элтай
Бўйи минг алл бўйидек
Токқа чин таъзим этай,
Ундан бизларга томон
Тушар пок Ардви Сура
Кудрат-ла, шиддат ила
Элтар бизларга чексиз,
Кут омад ва саодат
Дунёнинг барча суви
Келтиrolmas шунча баҳт³⁷.

Баҳт учундир намозим...

XXII

97. Унга сиғин, ё Зардушт...

98. Маздаяснийлар давра
Куриб намозга келди.
Қўлларда тутиб барсман³⁸
Ардвига юкундилар
Хвўва, Нотарийлар³⁹
Бири дер: — Бойлик

берсин

Бири йўртиқ от тилар.
Тезда Хвўвалар бой
Кучли бўлди, бадавлат.
Нотарий Виштаспа-чи?
Чопкир отлари ила
Элда орттириди шуҳрат.

99. Бу омадни уларга
Ардви Сур ато этди...
Баҳт учундир намозим...

³⁵ Зардустийлиқда жисмоний ва рухий соғломлик мухим омил. Носор одам узрли хисобланган.

³⁶ Кун ботгандан кейин Ардви Сурага эхсон бағишилаш номакбул иш деб тушунилган. Шомдан кейин килинган эхсонга яратган девлар, ноғинс махлуклар ташланади. Уларнинг тўпланишига коронулик ёрдам беради. Эртаклар ва «етма-етаклаш» хикояларидаги «жинлар базмлари» шу анъананинг фольклордаги давомидир. Пок Ардви Сура эса — нурафшон эзгу сиймо. Девлар ишрол қилган ердан у кетади. Эхсонлар унга етиб бормайди.

³⁷ «Авесто» жамияти ўзининг баҳту иқболини муқаддас Ардви Сура—Амударё билан боғлайди. Бу дарёнинг ҳаётбахш ҳавзаси аждодларимизнинг туб цивилизацияси макони эканига яққол далиллар.

³⁸ Муқаддас дараҳт новдалари намоз вақтида зардустийлар бир даста барсман тутиши савобли хисобланган. Ҳозир зардустий диндорларини гонгли металлдан ясалган сим дастасини ушлаб турадилар.

³⁹ Зардустнинг даъватини қўллаб-кувватлаган сахоба зотлар.

XXIII

100. Сиғин унга, Спитама...

Бири минг, миллионга
төң...

101. Ардви ирмоклари минг,
Минглаб күллари ҳам бор,
Хар бир күл атрофуни
Айланмоқ қирк кун-
лик йўл,
Учкур отда шахсувор
Чопса отлиқ юриб мўл.
Хар ирмокнинг бўйида
Савлатли уй-каср бор.
Ойналари яркирок,
Минг устунда устувор...
Бир ойнаси мингтадек.
Минги эса—миллиард
Минглаб тоқи, минг васса

Юз минг ҳовон, бозиминг,
Сон саноқсиз синчлари,⁴⁰

102. Қасрлар ҳар бирида
Чиройли болишлари⁴¹
Жой-жойига қўйилган
Үрин тўшакли сўри
Минг Алпқомат бўйидек
Тепадан оқиб келар
Эзгу сув Ардви Сура.
(Шукронасин қила кўр),
Ҳабибим Заратуштра,
Шиддат-ла оқиб пастга
Дунёдаги барча сув
Бирлашсам келтиромлас
Кутни бизга элтар у.

Бахт учундир намозим...

XXIV

103. Намоз йўлла Ардвига...

Муқаддас Ардви Сура,

104. Ардви Сурага намоз
Бахш этди Заратуштра
Ариянамо Ваэжуда,
Дайтйанинг бўйида.
У ерда Ардви шаънин
Эъзоз этди, сиғинди
Хамоа ва сут билан,
Барсман новда кўлида
Гўзал нутки ёқимли,
Эзгу ўй, эзгу амал,
Фикр-ла рост сўзларнинг
Бехато айтди барин,
Ардовидан тилаб омад.

Токи Арватасп ўғли
Кудратли Виштаспани
Имонга келтирайин.
(Фикрига динни жойлаб)
Ҳақ сўзга ўргатайин,
Тўғри йўл кўрсатайин».

105. «Менга шундай бер омад,

106. Унда шундай омадни
Етказди Ардви Сура—
Кимки хайру эхсонни
Тўғри айласа адо,
Ажрин албат бергувчи.
Бахт учундир намозим...

107. Ибодат кил, Спитама...

108. Фраздан кўл бўйида

⁴⁰ Тоқи, васса, ҳовон, синч — анъанавий чўпкор уй курища ишлата тилган ёғоч қисмлар.

⁴¹ Болиши — лўласимон юмалоқ ёстик.

Күп билимдөн Виштаспа
Курбонликка сүйдирди
Юз той-у мингта хұқызы
Ва совлиқлар хисобсиз.

109. Сүңг Арвидан тилади:
«Менга шундай бер омад
Муқаддас Ардви Сура.
Фазабкор Тантравантни
Девпараст Пәшанувни
Каззоб Арежатаспни

Эзгулик учун жангда,
Енгиб мен ғолиб бўлай!»

110. Шундай омад бахш этди
Хак йўлида хайрни
Доимо садоқат-ла
Қилганни ярлақовчи
Муқаддас Ардви Сура,

Бахт учундир намозим...

XXVI

111. Унга топин, Спитама...

Човут панжা маккорни,
Муноғиқлик бандаси
Хумаяка ва иинисин
Эзгулик учун жангда
Енгайнин, ўнгланмасин!»

112. Унга курбонлик қилди
Чавандоз заривари
Дайиттанинг бўйида
Юз той-у мингта хұқызы
Ва совлиқлар саноқсиз.

114. Унга шундайин омад
Бахш этди Ардви Сура,
Кимки доимо тўғри
Хайр-эҳсон қилса ажрин
Бергувчи улуғ кудрат.

113. Сүңг Ардвига ёлборди
«Муқаддас Ардви, менга
Омад бер, келтиргин
бахт.

Бахт учундир намозим...

Девларга сиғингувчи

XXVII

115. Унга сирин, ё Спитама...

Токи мен мағлуб этай,
Паҳлавон Виштасп билан
Зариварни маҳв этай,
Арийлар лашқарини
Юзин эллик зарб билан,
Мингин эса юз зарбда,
Минг зарбда сон-саноқсиз
Бошига кирғин солай!»

116. Ворукаша бўйида
Вандарманиш исмли
Арежаспа акаси,
Курбонликка келтириди
Юз тойчоғ-у минг хұқызы,
Совлиқ қўйлар-саноқсиз.

118. Вале унга бу бахтни
Бермади Ардви Сура.
Бахт учундир намозим...

117. Ва Арвидан ўтингиди:
«Менга бахш эт шун-
дай бахт,
Муқаддас Ардви Сура,

XXVIII

- 119.** Аё, Зардуст, намоз ўки
Ардининг тўлиб оққан
Шифобахш сувларига.
Дилида Ахура Мазда—
Девлар ёвига намоз
Бор эзгу очунга мос.
Намозу кутлов ила
Ризқ ўстиргичга шараф,
Пода ундиргичга шараф,
Бойликка бойлик кўшиб,
Ер-мулкка муборак файз,
Эл-юртларни фаровон
Этгич Ардига намоз
Багишила, Заратуштра...

- 120.** Ардви Сура хизматига
Ахура тўрт от берди.
Бир тулпори Ёмғирдир,
Бири Ел, Бири Булут,
Тулпорлари Ёмғир, Ел,

Сувли Булут бирла Дўл
Уни доим кўриклаб,
Сувин мўл-кўл қиласар,
Шудрингу қор, дўлу му
Ардви Сурани тўлғиз
(Деб ўки Зардуст на-
моз...)

- 121.** Ҳукарйа чўккисига
(Ибодатим йўллайман).
Олтин каби товланиб,
Осмон қадар бўй чўзган
Минг алп қоматга намоз
Ундан оқиб тушади
Биз томон Ардви Сура
Муқаддас тўлқинлари.
Дунёда барча сувлар
Йигилса келтиролмас
Миқдорда бахт келтирас
Бахт учундир намозим...

XXIX

- 122.** Багишила намоз унга
(Ё Спитамай Зардуст...)

- 123.** Олтин ёпкичи кўлда
Тураг ана, муқаддас
Ардви Сура орзуманд
Бўлиб одамларнинг чин
(Дилдан ибодатига).
Кўнглидан ўтар секин:

- 124.** «Оҳ, мени ким шарафлар
Ким менга ўқир намоз,
Қилиб мўлу кўл эҳсон
Хаома, сут-ла эъзоз?
Садоқат ва имоннинг
Савобин берай кимга,
Куч-кудрат ва эзгулик
(Бахшида қиласай кимга?)»

Бахт учундир намозим...

XXX

- 125.** Багишила унга намоз
(Ё Спитама, ё Зардуст...)

- 126.** Кўзга кўриниб келди
Муқаддас Ардви Сура.

Ёш ниҳол гўзал қиздек,
Лек кудратли, пурвиқор,

Бўйи адл, сарвқомат,
Нур таратиб илохий,

⁴² Бу ўринда Ардви Сура ҳаётий намлик ҳимоячиси.

- Олижаноб, пурхикмат,
Башанг камзули енгли,
Олтин-зийнатли энгли.
- 137.** Ардман хипчин күлида
Күз-күз қиласирғасин.
Тұрт кирра қўйма олтин
Ахурадан пок хилкат.
Ардви гўзал бўйнига
Таккан маржон шодаси.
Тортиб боғлаган белин
Кўкраклари чўққайиб,
Вўлик, таранг турсин деб.
- 138.** Бошига Ардви Сура,
Олтиндан юз, кўз кўйиб
Ясалган чамбар кийган.
(Бу чамбар мисоли бир)
Саккиз гупчак арава
Фидриаги шаклида.
(Унга ҳарир матодан)
Боричбандлар тақилган.
- 139.** Ардви Сура эгнида
Уч юз сувсар мўйнадан
Тикилган почача пўстин.
Ардви Сура эгнида
Тўрт марта болалаган
Уч юз сувсар мўйнадан
Тикилган почача пўстин.⁴³
Пўстин шундай савлатдор
Кўрган кишига гўё
Олтиндай яраклади
Ва кумушдай товланар.
- 140.** Энди сендан, Муқаддас
Ардви Сура, тилай мен
- Шундайин бир омадни,
Ҳабибинг бўлай сенинг
(Ба Мазда дини учун),
Мамлакатларни очай.
У юртлар ойлиги мўл,
Чексиз бўлсин озиғи,
Кишинаган тулпорлари,
Фидриаклар гичирлаб,
Араваси саноқсиз.⁴⁴
У юртлар омборида
Тириклик чун керакли
Барча нарса яроқли
(Тўлиб ётсин вижирлаб).
- 131.** Энди яна, Муқаддас
Ардви Сура, тилагим
Бергин икки дов-юрак—
Бири икки оёқли
Жанговар аробада
Майдонга кирсан дарҳол.
Иккинчиси—тўрт оёқ.
У ёғийнинг лашкарин—
Ўнг қаноту сўл қанот,
Сўл қаноту ўнг қанот
Сафларини тўзғитсин,
Келган ерга итқитсин.
- 132.** Бу намозимиз ажри
Учун эҳсонга лойик
Неъмат етиштир бизга
Юлдузингнинг тўридан.
Тушир, Ахура холик,
(Қилган Ер узра уни),
Мульбадга ёрдам еткиз,
Хайр этган кафтилизга.
Кўнгил, ё Ардви Сура⁴⁵
Хак йўлида доимо

⁴³ Сувсарнинг тўрт марта болалаган ёшидаги мўйнаси сифатли, сертук ва пишик бўлади деган тушунча ифодаланмоқда.

⁴⁴ Аравасозлик бронза асрида металдан гардиш ясаш имконияти туфайли кенг расм бўлган. «Авесто» жамияти эса бу ўринда аравалар, сон-саноқсиз бўлишини орзу килиш босқичида. Бу давр мил. авв. II минг йиллника мувоғик тушади.

⁴⁵ Бу ўринда Ардви Сура тасаввурдаги хаёлий илоҳий образ сифатида гавдаланади. Демак, бу маъбуданинг образини хайкал сифатида маросимлар учун тасвирилашдан ташкари хаёлий тимсол қиёфасига ҳам мурожаат

Хайр-эхсон қылгувчига
Омад бергувчи илох.
Ва ниҳоят ботирлар
Виштаспа аскаридек
Голиб бўлиб қайтснинлар⁴⁶.

Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим⁴⁷,
Ардви Сура шаънига,
(Яна бир тилак шулким.)
Сенга ҳам топинсинлар,
Муқаддас Ардви Сура

Хаома-ю сут билан,
Барсман хивичлар билан
Кўркам, нозик нутк

Эзгу ўй-у эзгу сўз
Ва эзгу амал билан
Сўзда қоимлик билан⁴⁸
Ахура Мазда лойиқ
Деб топган зотга намоз
Ахура Мазда сазовор
Этганга намозимиз
Йўллаймиз биз доимо⁴⁹

133. Энг эзгу илох каби... (икки кур айтилади)

«Ҳақ йўлида энг эзгу бошчи мисол» Ушбу алқовларим ҳакни бахшида бўлсин..., дея ният қилиб, Ахура Мазданинг қувончини эзгу фикрим, эзгу сўзларим, эзгу амалларимни йўллайман. Ахри ман даф бўлсин. «Ҳақиқат — Олий неъмат...»

этилган. Бу ҳол—илоҳларни абстрактлаштириш йўлида йирик қадам. Қўлни дуога очиш—кафтга савобни қўндириш. Бу одат исломда ҳам давом этилмоқда.

⁴⁶ Шу сўнгги уч катор энг қадими матнга, афтидан, Виштаспа Маздаясна (Ахура) динини кабул қилгач, дуо сўзларига қўшимча қилиб киритилган бўлиши керак. Қиёс қилинг: бошқа бандларда матн «Омад бергувчи» сўзлари билан тугайди.

⁴⁷ Намозни ишончли овозда равон тил билан адо этиш талаб қилинган. Ўқиладиган дуоларни билмаганлар заотарга иктидо қилишлари, ихлос билан унга эргашишлари, баробарига овоз чикармасликлари ҳам мумкин бўлган. Бу ҳол исломдаги «имомга иктидо қилиш» қоидасига ўхшайди.

⁴⁸ «Сўз» бу ўринда авесточа «вағш» — Мазданинг ҳақ илоҳигини тан олиб айтилган имон калимасига ишорат. Бу «сўз»дан чекиниш, унга зид ишлар қилиш «ёллон», каззоблик сифатида энг улуғ гуноҳ хисобланган. Халқимизда берилган сўзга вафо қадриятининг илдизлари зардуштийлика ижтимоий ахлоқ шарти сифатида акс этган. «Митра» фаслида бу масалага батафсил тўхтаймиз.

⁴⁹ «Авесто»нинг «Ардви-Сура» Яшти шу ерда тугайди. Сақланган матннинг давомида «вач»лар, яъни бирор иш бошида ишнинг ўнгидан келишини таъминлаш, унга заарар келтириши мумкин бўлган кучлардан асраш каби ниятлар билан айтиладиган дуо сўзлари ўрта давр (пехлавий) форс тилида қўшимча қилиб киритилган. Бу дуолар ҳамма «Яшт»лар охирида бир хилда тақрорланади. Уларнинг бошланиши бундай: «ягона, илоҳсан (икки марта)...» Давоми, эса ҳар бир «Яшт» багишланган маъбуд ҳакида алоҳида айтилган сўзларидир.

6. ХУРШЕД ЯШТ (Күёш алқови)

Ворлик ҳаётнинг бosh манбай, инсон шуурии иштадан олган құдрати ва жонбахш таровати билан өзгөрған ҳайрат ичра аңглаб етилмаган моддийликдан күнгүлдөн илохий даражага күтарилилган, сүнгра асотирий күнгүл кенгликлари ва бадиият күзгуси орқали идрок мукаддас сиймо каби эъзозланган. Күёш шаъни «Авесто» китобида келган суюк алқови «Хуршед Яшт» иштадан олган. Кўп асрлар оша аждодлардан ҳалқимиз берес бўлиб етиб келган 21 яштдан энг ихчами, жихатдан гўзалларидан бири ҳам шудир. «Хуршед Яшт» Күёшга бағишиланган маросимларда баралла билан куйлаб тиловат қилинган. Унинг савоби улур хисобланган. Чунки бу алков Очуң офтобига ёкиб, ундан Еру кўк, набототу ҳайвонот баҳравор ўлади. «Хуршед Яшт» алқовининг тиловати олдидан синклинидан айтивчи ҳар бир художўй қўйидаги сўзларини айтиши лозим бўлган:

«Кувонсин Ахура Мазда! Энг лойиқу сазовор илоҳ (Ахура Мазда)нинг иродаси рӯёбга чиқиб, Анхра Майнай (Ахриман) даф бўлсин! Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал билан эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алқайман. Ўзимни эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалга бағишилайман. Ёмонликни улашдан, ёмон сўздан, ёмон ишлардан юз ўгираман.

Топинчиму мақтвларим, эзгу фикрим эзгу сўзим, эзгу ишларим жониму таним билан сизларга бўлсин, ўлим билмас Валилар.

Ҳакни шарафлаб дейман: «Ҳақиқат — олий неъмат. Бу неъматдан ул (киши) баҳрамандким, ул киши савобга доҳилким, ким агар ҳақ йўлида эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалдан қолмаса» (Бу дуо сўзи уч марта ўқилади (њини, «Авесто»нинг асл матнида уч қайта ёзилган).

Маздага сифинаман. Зардуст ёвлари бўлган девларга ёвман. Ахура Мазда сўзига даъват этаман, деб имон келтираман. Ҳақиқат қўриқчиси, тақводор Ҳавонига топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин). Ҳақиқат қўриқчиси, тақводор Саванҳага ва Висйага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар бўлсин. Ҳақиқат қўриқчиси Фрадат (Фшава)га ва Зантумага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин). Нурафшон ва Фаровон Ахура Маз-

дага (сифинишим туфайли) унинг севинчи учун Хурни олкишлайман, унга-да топинаман, ҳамдлар (айтами) унга суюнчу олкишларим (бўлсин).

«Эзгуликда беназир Эгам сингари», дея менга бошлаб беради Заотар, «Ҳакни билишда энг эзгу бони каби...», деб айтсин бу дуони билгувчи (хар бир) тақвони

1. Отлари учкур кимдур—
Биз шунга топинурмиз.
Ул Қуёш — ўлмас Ёлкин
Биз унга топинурмиз.
Чунки күёш ёритганда,
Илиқлик таратганда,
Юз минглаб қатор-қатор,
Турфа саф-саф Ҳудолар
Бахт улашиб ҳаммага,
Омад бағишилаб элга,
Барор тилаб улусга,
Ҳакиқатга — балогат,
Очунга — гул-ободлик,
Мазданинг яратгани —
Ерда бўлсин фароғат.
2. Куёш балқиб чиққанда,
Мазда берган ер балқир,
Оқар сув балқир шунда
Қайнар булоқ сувлари,
Барча хилқат яшнайди
Муқаддас рухлар қалқар
Куёш чиққан чоғида.
Мазда берган ер яйрар
Муқаддас нурин эмиб,
Сувлар бари баҳравор
(Бўлар күёш чиққанда).
Оқар сувлар — муқаддас,
Булоқлар ҳам савобдор,
Тургун сувлар, денгизлар,
Барча хилқат муқаддас,
Барча рухлар муқаддас
(Куёш балқиб чиққанда.)
3. Чикмаса қуёш агар,
Девлар ғорат қилгайлар
Ерда барча хилқатни.
Сўнг бу ерда малойик,
Фаришталар кўнолмас,
(Жин теккан ушбу ерга)
Ўзни кўролмас лойик,
4. Куёшга ким топинса,
Сигинса Нур-Абадга,
Учкур отликка намоз
Бағишиласа ким агар,
Ният қилиб, зулмат-ла
Беаёв беллашмоққа,
Зулмат болалари ул
Девларни қақшатмоққа.
Ўғри — каззобга кирон
Сехру жодуга — завол,
Фавтдан халос топмоққа
(Ким яхши ният қилса).
Учкур отликка намоз
Бағишиланган топгуси

Унут¹ бўлмоқдин нажот.
Маздага сифинса ким
Ўз жонин уйғун этар,
Ўлмас ва мукаддаснинг
(Номин ким этса.)
Маъбудлар бўлар хушнуд
Ер узра ва осмонда
Куёшга ким топинса,
Сигинса Нур-Абадга.

¹ «Авесто»да Маршаван исмли дев унутилиш, хотирасизлик рамзи. Унутилиш эса маънавий узилиш бўлиб, аждодларимиз бундан ўзларини асрарганлар.

Ишнайлик Митрага
Баллари бепоён
Нен қулоқликка намоз²,
Баллари беададга.
Баллар бошин мүлжаллаб
Төвир наиза санчгувчи,
Нийздор мерган зотга
Алакову намозимиз!
Ишнайлик ой ва кун
Үртасин боғлагувчи
Митранинг ялининг!³

Бахту омад берсин деб,
Баралла дуо сўзим,
Ибодатим күёшга
(Юкунчим зар қанотга),
Отлари учкур зотга,
Питмас, Битмас ёлқинга,

Отлари учкур зотга
Эҳсон этарман. Хаома
Шарбатин сочиб ўтга,
Барсман новдаларини
Этарман хайру эхсон.
Эзгу каломлар ила
Ҳақ сўзин дилда тутиб,
Күёшга топинурман:
«Ахур Мазда Вали дея
Тан олган ўшал зотга
Ибодатим йўллайман!»

7. «Оlamda энг ҳақ илоҳ...»⁴
Намозу алков Азал
Ҳам Абад Нурафшонга
Кудрату мадад берган,
Отлари учкур зотга
«Ҳақиқат энг эзгу неъмат...»

АШИ АЛҚОВИ

(Орд Яшт)

Кувонсин Ахура Мазда — «Энг лойик Ҳақнинг иро-
даси рӯёбга чиқиб», Ахриман даф бўлсин.

Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алқайман. Ўзимни
буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалларга бахшида
этаман, барча қабиҳ ўй, ёмон сўз ва ёмон ишлардан
тияман.

Юкунчим, мақтовим, эзгу фикрим, эзгу сўз, (савоб-
ли) эзгу ишларим «танамдаги жоним» билан бирга сид-

² Куёш алкови ичига Митрага бағишланган парча ҳам кириб қолган-
дек. Бу, афтидан, Митра—Мехр—Куёш тушунчалари ўзаро яқинлиги
туфайлидир. «Минг қулоқ»ли, «минг кўзли» каби ўҳшатишлар худонинг
«ҳамма нарсани эшитиши ва кўриши» сифатларининг «Авесто»даги кўри-
нишидир.

³ «Ой ва кун үртасин боғлагувчи» жумласи Митра эрта тонгда кўёш-
ни самога олтин аравада олиб чиқади деган авесточа тушунчани ифода-
лайди.

⁴ Бу жумла билан яштнинг якуний дуо айтимлари бошланади. Жумла
иқки марта такрорланади: биринчи бўлиб коҳин айтади, сўнгра намозхон
томонидан коҳин билан кетма-кет айтилади. Ундан кейин намозхон фо-
тиха мъиносида «Ҳақиқатнинг энг эзгу сардори, Ҳақиқат — энг олий
неъмат...» каби жумлаларни айтиб тутгатади.

ки дилдан Сизларга (бахшида) бўлсин, эй ўлим билмас Валийлар.

Ҳақни шарафлаб (дейман): «Ҳақиқат — олий неъмат. Бу неъматдан ул киши баҳраманд ким, савоб унга бўлгай, ким агар ҳақ (йўлида) савоб (иш)дан қолмаса, савоб ишдан қолмаса, савоб ишдан қолмаса».

Маздага сиринаман, Зардушт ёвлари бўлган девларга ёвман, Мазда (дини)га даъват этаман, деб Имон келтираман...

Нурафшон ва хуш хабарда (менга) етишган Ахура Маздага (сигинишим) туфайли унинг севинчи учун то-пинчу ҳамдларим, суюнчу олқишиларим бўлсин!

«Эзгуликда беназир Эгам сингари» дея менга оят бошлаб берар заотар.

«Ҳақни танишимда энг эзгу бошчи каби» — давом эттираман мен.

I

1. Эзгулик келтиргувчи,
Танисоғлик бергувчи,
Куч-кудрати бекиёс,
Шарафноку кўркабой,
Буюк мулкдоримизга —
Эзгу Ашига топинч.

2. Ким эъзозлар Ашини —
Ахура Мазда қизин,
Валилар синглисини
Халоскор билга, дониш,
Мағфират элтувчига —
Эзгу Ашига олқиши,
Топинчимиз эрур бахш.
Ким эъзозлар Ашини
Назру ниёзлар билан,
Чорласа ким Ашини
Хоҳ ёвук, хоҳ узокдан—

Унга ажру савоблар,

Берур ақлу жовидон.
У дунёсини бериб,
Халос этар гуноҳдан.

3. Баралла товушим-ла
Кут сўраб топинурман!
Лойик курбонлик билан
Эзгу Ашига юкунч...
Эъзозлайин Ашини
Қотиб сут Хаумага,
Кўлда барсман новдаси
Эзгу ўю эзгу иш.
Ширин сўзла алқайн,
Ҳақни ҳақча айтайин,
Ариғ юракдан олқиши —
Топинчимдир Ашига:
«Намозимиз йўллаймиз
Ахура Мазда савоб,—
Дея тан олган зотга».

II

4. Ашига топинурмиз...
5. Хаумага шараф-шон.
Эъзозлансин ҳақ сўзи,

Хаумага шон-шараф.
(Пайром келтирган бизга)
Заратуштрага шон.

Мастлик кетидан келар
Конхүр Дайва—Айшма.
Ичилса агар хаума
Изидан келар Аши.

6. О, күркем юзли Аши,
Ёлкини порлок Аши —
Элу юрт узра нурин
Сочиб роҳат улаша,
Бергувчи шону шараф!
Йўлинг тушса кай уйга,
Унда муаттарлиқdir.
Эзгу Аши қай уйга
Қадам ранжида қилса,
Унда авлод томири
Узилмаслиги тайин.

7. Эр ўғлонларга сендан
Сийлов фаровон юртлар.
Унда ҳар не мухайё
Үрин-тӯшаклар тайёр.
Мол-мулклар туганмас
Берарсан эзгу Аши —
Сен эргашган зотларга
Сонсиз шараф уларга —
Сен эргашган зотларга:
«Сен менга эш бўл, Аши:
Куч-кудрати мўл, қодир».

8. (Ашига топингланлар)
Үйлари обод, гўзал.
Тургувчидир безавол,
Унда тўла пода-мол.
Эзгу Аши кимнинг сен
Изма-из йўлдошисан¹.

Ҳамду шараф унгадир —
Кимга бўлсанг сен йўлдош.
«Фаровон ўқтам Аши,
Менга ҳам бўлгин издош».

9. Сен кимгаки издошсан,
Эзгу Аши, уларнинг
Олтин оёқлари узра,
Үйку тахтидир файзном,
Юмшоқ ёстиқлар тўла,
Муаттару йигинчоқ
«Фаровону алп Аши
Менга ҳам бўлгил ҳамроҳ».
Хобгоҳ узра ўлтирас
Суюкли хотинлари,
Юмшоқ парёстиқларда
Нафис зийнатлар ичра,
Олтин ичра зебланиб,
Билакузук, мунчоқлар,
Сирғалари тўрт қирра.
Сўзлашибар ўзаро:
«Хожамиз келар қачон?
Суюқбадан роҳатин
Тотармиз бизлар қачон?
Фаровон, полвон Аши,
Бўлгил издош, жона-жон!»

11. Уйларида ўлтирас
Билакузукли қизлар.
Белда чилвир белбоги
Қадди адл барнолар —
Кўрсанг ҳавасинг қўзғар
(Аши қилса муносиб)
...Менга бўл издош, Аши,
Сен маъмур, қудратбоши.

¹ Аши Ахура Мазда динидаги одамларнинг дин амалларини мукофотлаш мақсадида улар билан изма-из юриб кузатиб борувчи фаришта сифатида ҳам тушунилган. У кимга ёндошиб якинлашса, ўша одамга баҳт, омад ёр бўлади, деган инонч бўлган. Дарвоке «омад» сўзи «келди» маъносида айни шу Ашининг яқин келиши туфайли содир бўладиган яхшилик маъносига эга. Лекин «омад»нинг зардустийлик билан боғлиқ талкини унуптилган. Шу туфайли «омади келди» иборасида икки марта «келди» маъноси ифодаланаётгани ҳам эътиборсиз қолади.

- 12.** (Аши издош зотларнинг)
 Оти кишинар гуркираб,
 Кўқда учар жонивор.
 Аробасин тез элтар,
 Кўшилса унга отлар.
 Узоқка учар ўқи,
 Ўткир узун найзаси.
 Олду ортдан ёвларга
 Ўлим элтар ҳар қайси.
 Кимнингки учқур оти,
 Ёвкур сипоҳин элтар,
 Гар Аши унга издош:
 «...Менга бўл издош, Аши,
 Сен—қудратли, сен —
 фаний».
- 13.** Туялари ўкириб,
 Ўркачлари диркирап.
 Жангга отиб ўзини,
 Моясига интилар.
 ...Аши, менга бўл издош
 «Сен — фанийсан,
 қудратли».
- 14.** (Кимга муқаддас Аши
 Эш бўлса, бўлса ҳамроҳ),
 Унинг хазинасига
 Кумушу тилла тўлар.
 Келар узок эллардан
 Заррин кимхобу тўнлар.
 (Кимга эш бўлса Аши).
- 15.** Боқ менга, эзгу Аши,
 Юзлангил менга томон.
 Раҳм қил, дариф тутма,
 Шафқатинг эттил эҳсон.
 Раҳм қил, сендири ҳоқон
 Сийла, кут бер, унутма.
- 16.** Сенинг отанг улуғвор—
 Маъбуллар худоси ул,
- 17.** О Аши, тангриберган,
 Бошқаарсан туриб ғоз
 Борликнинг улуғ чархин
 Ва айтарсан шу сўзи:
 «Ким у мендан илтижо
 (Қилаётган — ким ўзи?)
 Ёлворганлар ичра энг
 Менга хуш, тотли сўзи?»
- 18.** Шунда валий Спитама
 Заратуштра очди сўз:
 Зотан, инсон ичра ул,
 Ҳақни айлаган мақбул.
 Ахурмаздни алқаган,
 Валийларни олган тан,
 Туғилган чокда Зардушт
 Ўсиб улгайгандা у,
 Кувончга сифмаган сув,
 Гуркираб ўсганди ўт.
- 19.** У туғилган чорида,
 Ўсмирилик кучогида —
 Бўлган кезларидаёқ,
 Бу поёнсиз оламдан,
 Юртнинг чўлу тогидан,
 Кочди қабиҳ Ахриман —
 Нияти шум Ахриман,
 Аламдан чиқиб жони,
 Қарғаниб фудранарди:
 «Барча тангри менга бас —

² Спета Армайти — Испандармат — ер маъбудаси.

³ Даэна — дин. Бу ҳам образлаштирилгандир.

- Келолмасди ҳеч қачон.
Бир Зардуст мени осон
Маҳв этар — чорам абас⁴.
- 20.** Намоз-ла урар мени,
Тошбүрөн қылган каби.
«Ахуна Варйа» дуоси
Гүё палаҳмон тоши.
«Аша Вахишта» дуосин
Ўқиб мени күйдирар.
Маъданни эритгандек,
Очундан мени кувар.
Мен биргина Зардустдан
Топмам жой — жоним
кўяр».
- 21.** Эзгу Аши шу тобда
Оғиз жуфтлади сўзга:
«Марҳаматим қабул эт,
Ёвук тур қарогимга,
Чин юрак-ла, Спитами,
Аравамга яқин ўт!»
Келди яқинроқ шу он
Спитами Заратуштра
Келди арава томон.
- 22.** Зардустга аста Аши
Тегиб кўйди (эркалаб),
Ўнгу сўл кўл-ла силаб.
(Унинг боши устида)
Сўнг сийпади бўй-бастин,
Хуш сўзлади дил овлаб:
«Кўркамсан, Заратуштра,
Сен гўзал, о Спитами,
Оёкларинг хушбичим,
Кўлларинг чакқон, узун,
Сенга бердим Xварно
Қалбингга чексиз роҳат,
Ваъдамга вафо учун».
«Намозим унга тортиқ
Сидқидилдан дуойим,
- Лойик эҳсоним харчанд
Ашини деб худойим
Қилай назру ниёзлар...
- 23.** Эзгу Ашига топинч...
(Юқунчимиз унгадир)»...
- 24.** Мазда берган кўркабой
Хаошянха Парадата⁵,
Хара тоги остида
Ашига намоз йўллаб.
- 25.** Тилак айлади изҳор:
«Бер менга шундай омад,
То кучим етсин, Аши,
Мозан девларин енгай,
Кўркиб ортимга елмай —
Уларни кўрганим чоқ,
Мендан чўчиб тумтароқ
Қочишин зулмат томон,
Сақлолмай жонин омон».
- 26.** Аши юрди у томон
Яқин келди тенгма-тенг,
(Хаошянха Парадата)
Муроди бўлди ҳосил.
- 27...**
- 28.** Ҳукарйа чўккисида
Подалари саноқсиз,
Гўзал Йима Ашига
Багишлаганда намоз.
- 29.** Шундай килди илтимос:
Менга бўлсин омад ёр:
«Шундайин баҳтни
еткиз —
Мазда яратганки, бор
Подалар бўлсин семиз,
Мазда яратган эзгу
Борлиқни қилай ўлмас.

⁴ Абас — бефойда, бекор (уриниш).

⁵ Хушанг — Пешодий подшоларидан. «Авесто»да парадата сулоласи.

30. Мазда яратган барча
Хилқат ташна, оч бўлмас
Қариликни, ўлимни
Узоклатай куч борча
Мазда яратгандардан.
Барча Мазда яратган
Хилқатдан узок бўлсин;
Гармсел ва изғирин
Мазда яратгандардан

Минг қишлиқ йўлда
бўлсин⁶.

32. Эзгу Ашига олқиши...

33. Атвийа ургининг
Вориси Трайтаона,
Тўрт бурчакли Варнада⁸,
Ашига топинганда.

34. Шундай қилди илтижо:
«Шундай омадни бергил
Менга муқаддас Аши,
Токи Захҳокни енгай
Уч бошли, уч оғизли
Олти бошни ўлдирай.
Маккор, каждил илонни,
Девлардан тарқалгани,
Кудрату кучда тенгсиз
Ёлғончи беймонни,

31. Аши гўзал Йимага
Келди яқин, ёнма-ён.
Шунда тўқ подаларнинг
Соҳиби шоҳ Йимага
Бўлди валийлик аён⁷.
Кутлуғ бўлсин намозим...

V

Имону эътиқодли,
Дунё учун оғатни
Ўлдирай, бер имдодни.
Захҳок тутқун айлаган
Гўзал Сахнавак ҳамда,
Арнавак гулбаданни,
Соғлом фарзандлар туғиб
Берищлик учун кодир
Аёлларнинг яхисин
Кутқариб олиб кетай»⁹.

35. Аши келди ёнма-ён
Атвийа ургидан,
Кудратли Трайтаонанинг
Сўраган ниятлари
Мухайё бўлди шу он.

Кут учундир намозим...

⁶ Қиши йилнинг Ахримандан яралган оралиги. Йил ўтиши қишдан чикишга қараб саналган.

⁷ Йима — Ахура Маздан илк бора тан олган зот. У Ахура Мазда иродаси билан ер юзида биринчи подшоҳ бўлган: Унинг даври минг йил. Алковнинг ушбу бандида Йима касаллик, қарши, ўлим кабиларни йўқ килиш, қиши, изғирин шамолларни даф килиш, Ахура Мазда яратган эзгу борликнинг тўқ фаровон бўлишини орзу киласи ва ниятлари амалга ошишида Ашидан мадад сўрайди. Аши унга яқинлашиб, айтган ниятларининг барини унга хамроҳ киласи. Шуннинг учун Йима шоҳлик қилган минг йил давомида инсоният «олтин аср»да яшаган. Ўлим бўлмаган, касаллик, қариши бўлмаган, қишининг совуклари-ю, ёзинг жазирамаси бўлмаган ва хоказо. Бу мифологик мотив «Видевдот» китобида хам алоҳида таъкидланган.

⁸ Мифологик юртнинг номи деб хисобланади.

⁹ Бу лавҳа бутун бир унтуилган эртак мазмунига ишоратdir.

VI

36. Эзгу Ашига олқиши...
37. Шифобахш, күркам, гүзәл
Олти күзли Хаома¹⁰,
Хара тогин энг юксак
Чүккисида ёлвориб,
Намоз ўқиган маҳал.
38. Шундай тилак сүради:
«Муқаддас, эзгу Аши
Менга баҳту омад бер,
Токи, тур Франгхрасённи
Туширай күлга асир.
Сүнг олиб кетай боғлаб, —
Олиб борайин боғлаб,
Бадкирдорни Хаосрав
(Хузурига етказай)

Чайчастанинг бўйида—
Чукур кўл кирғофида
Токи, уни Хаосрав
Макр-ла ўлдирилган.
Отасин хунин сўраб
Ўлдирсинг, килсан гумдон,
Наравидлик қаҳрамон
Аграерат руҳи ҳам
Топгуси шунда омон».

39. Хаомага келди яқин,
Бўлди унга ёнма-ён,
Дардларга эм гүзал Хаома
Ашидан топди эъзоз.
Олтин күзли муқаддас
Кут учундир намозим...

VII

40. Эзгу Ашига олқиши...
41. Эран юртлар бошини
Ковуштирган Хаосров,
Чайчаста — тубсиз
кўлнинг
Кўм-кўк суви бўйида
Эзгу Аши йўлида
Намоз-ла ният килди.
42. Ва Ашидан сўради:
«Эзгу Аши ато эт
Менга шундайин омад,
Токи мен ўлдирайин
Туронлик Франгхрасённи
Чайчастанинг бўйида,

Чукур кўл кирғофида
Макр ила ўлдирилган.
Отам ким Сийаваршанинг¹¹
Қасдини ундан олай,
Ҳамда Наравидалик
Аграерат қаҳрамон
Ўчин бошига солай».

43. Аши келди ёнма-ён,
Яқинлашди у томон,
Ато этиб эзгулик,
Эран юртлар бошини
Бир этган Хаосравнинг
Ниятин этди осон.
Кут бўлсин намозимиз...

¹⁰ Хаома — қаранг: Ардви Сура алковига берилган 4-изоҳ.

¹¹ Нақл қилинишича, Франгхрасён тухматларни текширмай, куёви Сиёвуш (Сийаваршан)ни ўлдиришга буюрган.

VIII

- 44.** Эзгу Ашига олқиши...
- 45.** Спитамаи Зардушт
Ашига ёлворгандა,
Аръянам Вайежуда,
Эзгу Дайтийа бўйида
(Шундайин эъзоз этди,
Сут-ла шопирган Хаома,
Барсаман новда кўлида
Нозик, гўзал нутқ ила,
Эзгу ўйу эзгу иш,
Эзгу амал — кут ила,
Дил билан тўғри чин сўз,
Энг ҳақ панд ўгит ила).
- 46.** Шундай килди илтижо:
Спитаман Зардушт
Аръянамў Вайежуда,
Дайтианинг бўйида
Ашини қилиб эъзоз.
Сут кўшиб хаомага
Барсман тутами кўлда,
Нозик нутқу лутф ила,
Эзгу ўйу эзгу иш,
- 47.** Аши Зардушт ёнига
Яқин келди бирлаҳза,
Тилаги бўлиб бажо
Хутаоса Мазданинг
Кирди аҳд-имонига.
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

IX

- 48.** Ахуранинг қизи деб,
Ўлмас малаклар сингил,
Деб билган ўшал зотни
Эъзозига намозим...
Кимки чорлаб йўқласа,
- Узокданми яқиндан
Унга кўмакка шошган
Ашига топинчимдир.
Саошйант¹⁴ донолиги
Туфайли мадад топган,

¹² «Авесто»нинг сўзларини тиник, равон талаффуз қилиниши лозим бўлган. Чунки «Авесто» илохий сўз хисобланган. Замонлар ўтган сари муқаддас деб билинган «Авесто» тили маздаясна жамоаларида мавжуд тиллардан фарқ кила борган. «Авесто»нинг амали учун лозим бўлган асл тилни саклаш эса зардустийликда муҳим шарт бўлган. Бу ҳол Куръон, Инжил матнлари тилини асл холда саклаш кабул килингани кабидир.

¹³ Хутаосада Зардушт (Маздаясна).

¹⁴ Бу ўринда «Авесто»да маҳшар кунидан кайтадан келиб бандаларни гунохи туфайли илохин жазодан куткарғувчи зот ҳакида гап боради. Русча таржимада бу сўз «спаситель» деб берилган. Жаҳон динларида шу каби тушунчага яқин анъаналар бор. Христиан динида мессия, исломда маҳдий ва ба.

Йўқлагандан миннатдор
Аши турма оқил зот,
Бахш этгайдир мағфират...

Ва ярамас Даршинак
Девга келтирган имон
(Қўлимда бўлсин ҳалок).

- 49.** Даити дарёсининг
Ёқасида Виштаспа
Ашига йўллаб намоз
- 50.** Шу ндай қилди илтижо:
«Эй, азизу мўътабар
Аши, менга бўлгин ёр,
Голибона жанг қилиб,
Бадфеъл Аштааравантни,
Учи кирра қалқонли
Учи кирра дубулға,
Кийган бўйни йўғонни
Виспаторва ўғлини
(Хув анави чўл бўйлаб
Ейилган)¹⁵ етти юзта
Туянинг эгасини
Енгайин мен беомон.
(Аши бер, менга мадад
Душманларни беадад)
Енгайин голиб жангда
Йўқ қиласай жоҳил хайон.
Каззоб Арэжатаспни¹⁶

51. Сўнгра мен мағлуб этай,
Фазабкор Тантрийавантни
Ундан сўнг енгай тамом
Спинжаурушкани
Ва қайтариб келтирай
Хумайя, Варидкани¹⁷
Хайона юртидан
(Асирилик балосидан).
Хайон жангчиларин
Эллинкта зарбада юз,
Юз зарб билан мингтасин,
Минг урганда, минг туман,
Минг туман зарбда сон-
сиз-саноқсизин ўлдирай».

52. Билга зот Виштаспага
Келди Аши яқинлаб.
Берди унга тилагин —
Неники қилган талаб.
Шукронасига намоз
(Йўллайман қилиб эъзоз
Ашининг алковига
Баралла қўйиб овоз.)

X

- 53.** Эзгу Ашига намоз...
- 54.** Аши шундай очди сўз:
«Бепушт эркак келтирса,

Эҳсонини олмасман
Турмас хотин худойи
Килса, кабул этмасман,
Кўли ҳалол бўлмаган

¹⁵ Асл матнда сатр ўчиб кетган. И. Стеблин-Каменский бу ўринда туялар яйловининг номи бўлса керак деб таъмин қилган. Биз эркин таржима қилиб «хув анови яйловда...» каби таржима қилишни маъкул кўрдик.

¹⁶ Арэжатаспа — Виштаспинг душмани. Хайана деб номланган зардушт динига кирмаган қавмнинг доҳийларидан деб тахмин қилинади. «Авесто»даги хайона ҳалқи сосонийлар (226—651 йиллар) сулоласи даврида Эрон давлатига хавф солиб турган хионларга нисбат берилади. Лекин «Авесто» матнидаги мазмун жуда қадимги даввларга тегишили.

¹⁷ Бу ўринда қандайдир реал тарихий воқеаликка, шахсларга ишорат бордек кўринади.

Ўсмир эҳсонини ҳам,
Эр кўрмаган норасид,
Бўй етмаган қиз агар¹⁸
(Келтирса эҳсон олмам).

«Унга яқин йўлама,
Бир ёстиққа қўйма бош,
Энди унинг дастидан
Кўкка кетайми учиб,
Ерга тушайми қайтиб?»

55. Отлари учкур турлар
Наотаридлар билан бир
Бўлиб, мени қувганда,
Тез беркиниб олдим чўнг,
Буқанинг туёғи остидаги
(Чўқаноқ косасига):
Шунда нодон ўсмирлар,
Ҳамда эрга тегмаган,
Бўй етмаган қизчалар
Мени этдилар ошкор.

56. Яна қувдилар мени
Туронли ва Наотарид —
Учкур отларни миниб,
Мен чаққон яшириндим.
Юз совлиқни қочиргич,
Ўша кудратли кўчкор
Бўйни тагига сингиб,
Шўх ўсмирлар ва тумса
Эр кўрмаган ёш қизлар
Қилдилар мени ошкор.
Сўнг яна қувладилар;
Туронлилар ва Наотар
Қавми миниб зўр отлар».

57. Шундай қилиб, даставвал
Аши йиғлаб зорланди,
Ҳайз кўрмас бир бузук
Аёл киши устидан:

58. Сўнгра Аши зорланди,
Ўзга эркакдан туғиб,
Боласини ўз эри
Бағрига келтирувчи
Бузук аёл устидан:
«Бундай аёл дастидан
Осмонга учайнми,
Ё ерга кириб кетай?»

59. Муқаддас Аши аввал
Тирнокка зор бузук аёл
Устидан шикоятда
Йиғлаб зорини айтди:
«Бузукка бўлма ёндош,
Ёстиғига қўйма бош,
Не чора топайинки,
Касофатин даф этай,
Бузуларнинг дастидан
Ё қаро ерга кирай,
Кўкками учиб кетай?»

60. Сўнгра муқаддас Аши
Йиғлаб зорини айтди,
Бола туғиб ўзгадан
Эрига олиб келган
Бузук аёл устидан:
«Касофатларни нетай—
Қаро ергами кирай,
Кўкками учиб кетай?»

¹⁸ «Авесто»да бу ўринда «эрлари бўлмаган ёш қиз» деб тъкидланган. Бу хол никоҳ муносабатларининг ибтидоий кўринишларидан бири — полиандрияниг изи, деб қаралиши мумкин.

Ушбу бандда ёш, ўсмир йигитчалар ҳам хайру эҳсон қилса қабул этилмаслиги айтилган. Зардустийлар жамоаси учун 15 ёнда йигитни жамиятга тўла аъзо қилиш мумкин бўлган. Унга қадар ўсмир йигитча ижтимоий ҳётда фаол қатнашмаган. Аши алқовида Аши душманлар томонидан кувилганда айни шу фур ўсмирлар уни фош этиб кўйишган. Бу хикоя унтилган сюжет қолдиги бўлса керак. Унинг фикри ҳалқ йиғини — ҳанжаманада қабул қилинмаган.

- 61.** Сўнгра муқаддас Аши
Йиғлаб яна зор этди:
«Қизларни ўғирлашиб,
Тұғдирмайин чақалоқ.
Кечиктириб қайтарган
Одамлар иши ёмон¹⁹
Мен уларнинг дастидан
Қўкками учиб кетай,
Ёки ер узра қайтай?»
- 62.** Ахура Мазда деди:
Худой берган о, Аши,
Қўкка ҳам кетма учиб,
Ерга ҳам қайтиб тушма,
- Кол менинг маконимда,
Малак бўлиб ёнимда.
- 63.** Курбонлик қиласай сенга,
Сенга бағишлай намоз
Оқилу доно Виштасп
Килгандек сени эъзоз—
Дайтийанинг бўйида
Муъбад жарангдор овоз
Бирла, қўлда барсаман
Бошлаб берганда намоз
Курбонлик, эҳсон или
Сени, эй гўзал Аши,
Шарафлаб қиласай эъзоз.

МИТРА АЛҚОВИ

(10-Яшт: Мехр Яшт)

I

- 1.** Сўз қотди Ахура Мазда
Спитама Зардустга:
«Мен Митрани ўзимдек
Намозу алқовларга
Лойик қиб яратганман.
Яйловларин кенг килиб
Яратганман мен уни»
Худди Ахура Маздадек.
- 2.** Юртни вайрон айлади
Аблах, ёлғончи ҳар зот
Юз мараздан ёмон у,
Мўъминни этар барбод.
- Битимга бўлгил содик,
Кимгаки сўз бермагил,
Каззобу гайридинми,
Ақлида маҳкамгами —
Ваъдангни адо этгил.
Чунки, битим ўртада
Масъул айлар икковни:
Қаллобу ҳакгўй tengdir
Сўз ва битим олдида!¹
- 3.** Яйловлари кенг Митра
Чопқир отлар бағишлар
Сўзин оқлагувчига.
Тўғри йўл ато этгай

¹⁹ Туркий халқлар орасида қиз олиб қочиш одати баъзан ҳозиргача учрайди. Масадан, «қочиб кетган» қиз қозок ва қорақалпоқларда то фарзанд кўрмагунча ўз оиласи ва қавмлари хузурига қайтиши мумкин бўлмаган.

¹ «Авесто» анъаналарига мувофиқ Митра битим ва унинг бажарилиши устидан назорат килиш каби вазифага ҳам эга. Шунинг учун қадимги зардустийлик эътиқодидаги одамлар Митра номи билан қасамёд қилишган. Бу бизнинг «Худо ҳаққи» деганимиз кабидир.

Бергай Ахура Мазда
 ўтин оловин
Сўзин оклагувчига
Тақводор Фравашилар²
Авлиёларнинг рухи
Солиҳ фарзандлар бергай
Сўзин оклагувчига».

4. Кут ҳакки сажда қилгум
Баралла намоз йўллаб
Йолови кенг Митрага
Курбонликлар келтиргум.
Митрага топинайлик,
Йолови поёнсизга
Эранлар юрти узра
Осойиш бергучига.

5. Кўмакка етишсин ул,
Кенгликлар ҳакки келсин.
Келсин бизни кувватлаб,
Рахму шафқат-ла келсин,
Дардларга шифо бўлсин
Фолиблик элтсин бизга.
Бахтимизга келсин ул,
Тақво бўлиб келсин ул

Музатфар ва қудратли,
Ёлронга бўйсингмагич.
Борлик очун алқашига
Кутловига лойик Мехр
Кенг яйловли³ ул маъбуд.

6. Хилқат ичра энг кучли
Алп Митрага намозим.
Хайру эҳсонлар элтиб,
Бажо айлайн тъзим.
Сажда қиласай Митрага
Баралла айтиб алқов
Адоқсиз унда яйлов.
Митрага топинурмиз —
Адоқсиз яйловдорга.
Сутли хаома билан,
Барсман хипчинлар билан,
Тилда гўзал лутф ила,
Кутлуғ сўзу нутқ ила,
Сўзу амал бирлиги,
Чинлиги ва ҳақлиги
Бирла келтириб эҳсон.
(Митрага топинурмиз)
«Ахура Мазда савоб
Тан олган хилқатга
Йўллаймиз намозимиз».

II

7. Митрага топинурмиз —
Йолови кенг ул зотга,
Сўзлари чин ул зотга
Мингқулоқли⁴ алп қомат,
Туман минг кўзли зотга.
Кудратли ва новчага,

Чексизни илғовчига,
Үйкусиз бедор зотга.

8. Икки ёв юрт ўртаси —
Конхўр кўшин ясоғи
Юзма-юз келган чорда

² Фравашилар фаришталарнинг бир тоифаси. Фазо улар билан тўла, деб тасаввур этилади. Фравашилар ҳали дунё яралмасдан уч минг йил аввал яратилган. Улар келажакда тугилажак имонлиларнинг рухи. Тан билан яшаб, тириклар умри тугагач, фравашилар яна асл маконига қайтади.

³ «Яйлови кенг» ибораси Авестода тез-тез учраб туради. Бу ҳол зардуштийлик шаклланётган узоқ ўтмишда чорвачилик ҳаётнинг етакчи тармори бўлганлиги билан боғлиқ.

⁴ Қиёс қилинг: Ахура Маздага ҳам ҳамма нарсани эшичувчи деган сифат берилган.

Шоҳлар Митрадан Мадад
Сўрар сўкиш олдидан.

9. Имон билан ким агар
Уни мақтаб сўз айтса,
Фикру зикри, кучи-ла
(Митрани шарафласа),

Унга юзланар Митра
Кўмак етказар унга
Яйлови чексиз ул зот.
Музaffer елли яйлов,
Енгиш матьбудли яйлов.
Бахт учун топинчимдир...

III

10. Митрага топинурмиз...

11. Ёлборурлар сарбозлар унга
Бағрин бериб отнинг
ёлига,
Соғлик сўраб ўзига ундан,
Кувват тиляб оту уловга.
Кўрмоқликнинг эвин
сўярлар.

Узоқ ердан кўз солиб ёвга,
Бир зарб ила барча
душманни,
Барча нодўст, барча
ёфийни
Тилар мағлуб этмакни
бир йўла
Топинчим баҳт учундир...

IV

12. Митрага топинурмиз...

13. Энг биринчи бўлиб
осмоний
Маъбудларнинг сафи
ичинда
Хара¹ узра балқииди
Митра.
Үлмас Күёш билан
юзма юз,
Оти учкур билан тенг-
ма тенг,
Музайян ва рангин, олтин
Чўққилардан ул кўриб
турар
Эранларнинг борлик
ўлласин.

14. Ботир шоҳлар сўкиш,
жадалга
Сафлангувчи ўшал ер-
ларни,
Осмонўпар тоғу тошларни,
Сокин, бўлиқ яйловлар
ичра
Ўтлаб юрган семиз мол-
ларни.
Тўлқинлари баланд сап-
чиган
Чукур мовий кўлларни
кўрар.
Кема юргич кенг дарёлару
Сокин сувлар ўз оқим-
ларин
Парут Ишката томон,
Марву Харайва томон,

¹ Хара (тўлик шакли Харатти) — мифологик тонгнинг номи. Митранинг бутун борликин кўриб турдиган муқаддас макони хисобланади.

Сүёддаги Гава томон²
Жадал элтишин кўрар
Ва ё Хваразми томон.

15. Валқисса, Шарку Фарбга:
Шимолнинг Шарку Фарби,
Жанубнинг Шарку Фарби,
Обод Хваниратага³ —
Одам билан лиқ тўла,
Музайян иқлим⁴ томон
Алп Митра назар ташлар.

16. Иқлимлар⁵ оша Митра —
Само тангриси учар
Бахту барор, кут сочиб.
Иқлимлар оша учар
Само тангриси Митра.
Хукмронлик бахш этар,
Музаффарлик барқарор
Этар ул ҳар кимсага.
Ким ҳақ билиб Митрани
Ибодат қилса унга,
Ва келтирса қурбонлик
Топинчим бахт йўлига...
Бахт учун ибодатим.

17. Митрага топинурмиз...
Алдовларга учмайди,
Ёлғонларга юрмайди.
Уни алдолмас уйда.
Үйнинг беги, эгаси.
Уруғда уруғ боши,
Қабилада йўлбошли,
Мамлакатда—хукмдор...
(Митрани алдай олмас).

18. Агар уйда уй begi
Бўлса кazzоб, алдоқчи,
Уруғда уруғ боши
Қабилада — йўлбошли,
Мамлакатда—хукмдор...
Митра ҳалок айлагай
Жахлу ғазабга миниб.
Уйин ҳам, уруғиу
Қабила ва юртн ҳам,
Ўлдирап уй хўжасин,
Махв этар уруғ бошин,
Йиттирап доҳийларин,
Юрт ҳокимларин йиқар,
Мулк шоҳларин ўлдирап.

19. Ғазабга тўлгани чоф
Кazzобнинг⁶ хаёлига
Келмас томондан Митра
Ҳамла қилас тўсатдан.

20. Шак келтирган Митрага
Отга минса, от юрмас.
Олға босмай сапчиди,
Устда юкин элтмайди,
Уловини тортмайди.
Отган найзаси қайтар,
Мўлжалга олса кazzоб.
Дуойи бадга учрар
Чин сўзга ширк келтирса.

21. Хатто чакқонлик билан
Ўқ узиб йикканда ҳам,
Захми безарар бўлграй
Дуойи бадга учраб,

² Суёддаги Гава — Ахура Мазда яратган юртларнинг иккинчиси Гава, унда сүёдлар яшайдилар («Видевдат»).

³ Хваниратага.

⁴ Музайян иқлим.

⁵ Иқлим авесточа каршварз, хозирги тилимизда кишвар «мамлакат», Етти иқлим тушунчаси «Авесто»дан қолгандир.

⁶ Кazzоб — «Авесто»да drauga — дуруг — ёлғон(чи). Зардушт динини қабул килиб, сўнгра сўздан қайтган мушриклар. Уларни Митра жазолайди.

Чин сўзга ширк келтиrsa.
Ким каршидиr Митрага —
Найзасин чалгитар ел
Агар отса мўлжалга.
Дуойи бадга учраб,
Чин сўзга ширк келтиrsa.

Бахт учун ибодатим...

22. Митрага топинурмиз...
Кулфатдан асрайди у,
Каззобдан асрайди у,
Кимки имон келтиrsa.
23. Бизни балодан асра,
Жафодан сакла, Митра,
Сени алдамасларни.
Сенга тўсқин қилганлар

Жазога мубталодир.
Битим хоинларининг
Тайин қилиб жазосин,
Фазабга дуч қиласан:
Тутмас бўлур оёғи,
Кўрмас бўлур кўзлари
Эшитмас кулоклари.

24. Учкур найза санчилмас,
Ўқ тегмас на узокдан,
На яқиндан тегмас ўқ
Митра кўллаганларга,
Аълам¹ кўллаганларга.
Ул кудратли, воқиф ул,
Юз минг туман кўзли ул.
Алдовларга учмас ул.
Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим...

VII

25. Митрага топинурмиз —
Кудратли ҳукмдорга,
Савоб етказгувчига,
Нотику ул бўйдорга,
Ибодатга мойилга,
Осмоний билимдорга,
Худо сўзин ўзида
Жойлаган ўшал зотга.
Кудратли ва жангари,
Савобдор ва қодирга

26. Девлар бошин янчгувчи,
Жазосин бергучига.
Битим хоинларининг
Бошига кирон солиб,
Жодугарларни янчиб,
Мамлакатни бир бутун
Элтувчи улувликقا.

Имон келтиrsa унга
Мамлакатни бир бутун
Элтувчи чўнг зафарга —
Имон келтирганларни.

27. Бўйсинмас юртларни у
Ўз йўлидан озириар.
Бахтдан юзин ўгириб,
Зафарларин тўзириар.
Бўйсинмаса ожизлар,
Минг туман зарба билан
Махв айлар уларни
Ул аълам, ул кудратли,
Юз минг туман кўзли ул,
Алдовларга учмас ул.
Бахт учун намозимдир,
Баралла овозимиз...

¹ Митранинг «билимдон» деган сифати. Бу сифат Ахура Маздага нисбатан ҳам қўлланади.

VIII.

- 28.** Митрага топинурмиз.
Үйларнинг устунлари
Тутқичига намозимиз.
Қопиғлар турумини
Тутгичга намозимиз.
Пода-ю одамларин,
Тўйдирар ул уйларин,
Ким ибодат йўлласа.
Аксинча, вайрон этар
Фазабга минган чоғда.
- 29.** Гоҳ эзгу, гоҳ разабнок
Мамлакат учун Митра.
Гоҳ эзгу, гоҳ разабнок
Одамлар учун Митра.
Гоҳ сулҳ ила, гоҳ урушла
Юрт бошқаргучи Митра.
- 30.** Соғ хотин сендан ато,
Баққуват аробалар,
Юмшоқ ўрин ва ёстиқ
Ато айларсан Митра.
Соғ хотин ато сендан,
Мустаҳкам аробалар,
Ўрин, жой ва ёстиқ,
Кутли уйга баҳш этиб,
Такводор намоз ўқиб,
Номинг такрорлаганга,
Курбонликлар бағишилаб,
Сенга ёлборганларга.
- 31.** Номинг такрор этувчи
Намоз-ла ёлборурман.
Хайру эҳсонлар этиб,
Ўтингим сенга Митра,
Баралла ва рўй-рост.
Номингни такрорлайман.
Намоз-ла йўллагайман
Хайру эҳсонлар этиб,

- Сенга, кудратли Митра —
Ёлғонлар кор қилмаса.
- 32.** Саждамга қулоқ солгил,
Хуш қабул килгил, Митра.
Илтижом қабул айла,
Эҳсонимга яқинлаш.
Курбонликлар келтирдим
Қабул учун ош бўлсин.
Олғил Шараф уйига¹
- 33.** О, кудратли Митра,
Бизга шундай баҳт берки,
Сўраганимиз бўлсин.
Ҳам ваъдангга мувофиқ
Мадад бер, зафардорлик,
Савоб, умр ва ҳақгўйлик,
Эзгу шараф ва поклик,
Илму маъриф, валийлик,
Художўйлик йўлида
Улуғлик бер ва ҳақлик.
Чин сўзни айтув учун,
Муқаддас сўз демоқчун
- 34.** Токим, эзгулик билан
Яхшилик солиб дилга,
Ишончу шодлик билан
Ёвни барбод этайлик.
Токим, эзгулик билан
Яхшилик солиб дилга,
Умиду кувонч билан
Ёғийларни енгайлик.
Токим эзгулик билан
Яхшилик солиб дилга,
Умиду шавкқа тўлиб,
Ёвликни енгайлик биз.
Ёв бўлса одам ё дев
Алвасти, ё афсунгар,
Ёки ковий мустабид,

¹ Шараф уйи — зардуштийлика жаннат, бу ерда, эзгу худолар ҳамда тақводорларнинг рухлари куршовида Ахура Мазда туради.

- Ё жоҳил карапанлар
Баҳт учун ибодатим...
- 35.** Митрага топинурмиз,
Ул қасос элтувчига,
Лашкар етаклагувчи
Минг ақл ул ҳокимга¹,
Ҳаммага бош ҳокимга.
- 36.** Жангни бошлагувчи ул,
Туруш бергувчи ҳам ул.
Жангда ул туриш бериб,
Душман сафин парчалар.
- Сўкишга кирган қўшин
Қанотлари титрайди.
Тутрар яна даҳшатда
Қонхўр ёв қўшинлари.
- 37.** Уларга даҳшат солар,
Кўркув хукмин ўтказар.
Сўз устидан чикмаслар
Бошин отар ҳарёкка.
Сўзга хиёнаткорнинг
Боши учар узокка.
- 38.** Кулбасин вайрон этар,
Хонасин этар барбод
Қайдаки аввал шаккок,
Яшаган бўлса агар.
Такводорни ўлдирган
Ёлғончиларни хор-зор,
Чанг йўлдан ҳайдаб борар
Сўзга хиёнаткорнинг
Молларин яйловларда—
Аробалар изидан.
Ҳалқумлари бўғилар
Юздан оқиб ёшлари.
- 39.** Бургут пати қадалган
Ўқлари бекор кетар
- Отилгач камонлардан.
Қила олмас ярадор
Тан олмаса Митрани.
Митра бўлар ғазабнок,
Яйловлари кенг унинг
Найзалари учқирдир,
Узун — дасталидир ул.
Ёлғончилар отса гар,
Улар ҳам мутлақ абас.
Митрани ким тан олмас
Митра унга дарғазаб,
Яйловлари чексиз ул.
Сопқонидан учган тош
Бекор кетар ҳавода.
Зарб етказмас ҳеч кимга,
Гар Митрани тан олмас.
Бўлса Митра ғазабнок —
Яйловлари кенг худо.
- 40.** Тиглари ёв бошига
отилса-да, қадалмас,
Этаолмас ярадор
Тан олмаса Митрани.
Митра бўлғай ғазабнок,
Кенг яйловлар соҳиби.
Чапдаст урган болтасин
Зарби хато кетгайдир,
Эта олмас ярадор.
Митрани тан олмасалар,
Митра бўлғай ғазабнок —
Яйловлари кенг худо.
- 41.** Митра солар қўркувлар,
Даҳшатга солар Рашну,
Сровша — Аши дўсти
Тумтарақай қилғуси.
Ҳомий маъбуллар эса,
Лашкарни тарқ айлагай
Тан олинмаса Митра.
Ғазабнок бўлар Митра —
Яйловлари кенг худо.

¹ Ўта ақлли.

42. Шунда улар қичкириб,
Митра, — деб нолон
бўлар.

Кенг яйловин мақтабон
Дерлар улуғ маъбудга:
«Отлар элтар сен томон...
Бизни ёв қирғин қилиб,
Пичоқлар билан селпар».

43. Форат айлайди Митра
Яйловлари кенг ул зот.
Эллик зарбла юз ёвни

Айлагувчи тез барбод.
Юз зарб ила минг ёвни
Қилғучи пароканда.
Минг зарбиди минг туман
Ёвларни қилиб банда,
Минг туман зарбда сонсиз
(Ёвга қирғин солади)
Лекин иймон келтирмаса,
Митра бўлар ғазабнок —
Яйловлари кенг худо
Бахт учундур намозим.

X

44. Митрага топинурмиз.
Чексиз ер юзини
Қамрагувчи ул зотга.
Бу фоний дунё ичра
Бўй-басти бепоёнга,
Порлоқ нур таратганга,
Эну бўйи чексизга.

45. Унинг саккиз дастёри
Саккиз дўнгда ўлтирад.
Ҳар томон назар айлаб,
Ўз сўзин бузганларни
Кўриб туарлар ҳар дам.
Тез уларни сезарлар,
Тез ажратиб оларлар,
Ким биринчи мартаба
Бузса ҳам ҳатто сўзин,
Уларни ҳам кўрарлар.

Битим хиёнати-ла
Ёлғончи кутқусидан
Тақводорни урсалар,
(Уларни ҳам кўрарлар).

46. Ул тақводорларни Митра
Ўзи ҳимоят айлар —
Яйловлари кенг худо.
Ортидан ҳам қўриклар,
Олдидан ҳам қўриклар,
Ҳар томондан қўриклар,
Ёлғонга бўй бермас у.
Башорат қилрич Митра
Ёрдамга етиб келгай.
Барчани кўриб тургич,
У қудратли, минг кўзли,
Алдаб бўлмайдиган зот.

Бахт учундир намозим...

XI

47. Митрага топинурмиз,
Отлари серғайратга.
Кенг туёқдор отлига,
Қонхўр ёв томон елган,
Зич сафларин ёргувчи,
Ёғий юрт ёвларининг.

48. Митра елиб борган чоф
Қонхўр ёв сафи томон,

Сўқишган мамлакатлар
Лашкарлари оралаб.
Сўзга хоин одамлар
Кўлин ортидан тутар.
Кўзларин кўрмас қиласар,
Кулокларин этар кар.
Оёқларин шол этар,
Кучин кирқиб зарбасин
Сўзни бузган ёвларининг

Ва эл-юрт мамлакатнинг
Жазосин шундай берар
Яйлови чексиз Митра.

Бахт учундир намозим,
Бахт учун ибодатим.

XII

49. Митрага топингаймиз...
50. Маконини Ахур Мазда
Яратганга топинчим
Хара тогин устида
Ён бағирлари сон минг
Порлок нурағышон ерда
Коронғуси, туни йўқ
Совуғу, жазираси,
Ўлим келтиргич дарди
Девлардан тушган лаънат,
Зулмат кўтарилилмас
Харати чўққисига.
51. Абадий авлиёлар
Унда макон туздилар¹.
Башорат ва имон-ла
Буюк қуёш билан тенг

Бу маконни юксакдан
Ва борлик, бу дунёни
Митра кўриб тургичdir.
Ёвузлик учун Қабих
Индан чиқсан ҷоғдаёт,
Учкур аробасига
Отларин кўшар Митра —
Яйловлари кенг худо.
Кудратли Сраоша билан
Ҳикматли Нария Санҳа²
Ёрдами билан Митра
Ёлғончини ўлдирап
Гарчи у саф-саф бўлсин
Ва ёки якка турсин.

Бахт учундир намозим.

52. Митрага топинурмиз...

53. Митрага топинурмиз...
Хурмаздга ялинғувчи
Даст кўтариб кўлларин
Холиққа топингувчи
Шундай ўтинчни сўзлаб:

54. Барча хилқат паноҳи
Мен Митра савобкорман.
Асраргувчи борлиқни
Мен Митра савобдорман.
Лекин мени дуо-ла
Номимни тақрорлабон,
Одамлар эъзоз этса,

Бошқа худолар номин
Тақрорлаб дуоларда
Намоз ўқиган каби,

55. «Мени ҳам эъзозлашса,
Ёд этиб номозларда,
Дуоларда номимни
Бошқа худолар номин
Намозда айтган каби,
Айтган каби дуоларда,
Мен тушиб келур эдим
Одамларга Ҳақ бўлиб
Ўлмас умрим бўлагин
Бахш этардим уларга».

¹ Зардуштийликда ўлмас валийлар (амешаспента) тўпландиган топингаймиз. У эса «Авесто»да факат кичик бир ишорат бўлиб, шу мисрада кўринади, юнонларнинг Олимпини эслатади.

² Нария Санҳа Митрага ёрдамга юборилган асотирий қаҳрамон.

XIII

56. Номинг такрорлагувчи
Намоз-ла ёт этарлар
Такводорлар баралла
Хайру эхсон элтарларда.
Номингни атагувчи
Намоз-ла сажда килгум
• Кудратли Митра сенга.
Хайру эхсонлар килгум
Номингни ёт этгувчи...

57. Саждамга қулоқ согил...

58. Саждамга қулоқ согил,
Хуш қабул қилгил, Митра,
Илтижом қабул айла,

Эхсонимга яқинлаш,
Курбонликлар келтирдим,
Қабул эт, ош бўлсин, ул
Олгил Шараф уйига³.

59. Саждамга қулоқ согил,
Хуш қабул қилгил, Митра,
Илтижом қабул айла,
Эхсонимга яқинлаш,
Курбонликлар келтирдим,
Қабул эт, ош бўлсин ул,
Олгил Шараф уйига.

Бахт учун намозимдур,
Бахт учун ибодатим.

XIV

60. Митрага топинурмиз
Ул шарафга лойикқа
Ажиб ҳурмат сазога.
Хоҳлаганды шафқатли,
Ер сувлар эхсон этгич

Ободу фароғатли
Юз минг туман кўзли ул
Кудратли ва билғиңга,
Алдовларга учмасга
Бахт учундир намозим.

XV

61. Митрага топинурмиз
Тик қомат ва уйғоққа,
Ўткир кўз шижаоткор —
Дуони тинглагичга.
Сувни йўналтиргувчи,
Ўт-ўлан ўстиргичга.
Ерни шудгор қилгувчи
Пурхунар ул оқилга,
Ёлғонларга бўй бермас
Яралган хилқатийга.

62. Сўз устидан чиқмаслар
Ундан мадад ололмас.
Ёлғончи баҳтдан маҳрум,
Савоблардан бебаҳра.
Фазабга кирганинг чор
Улар кўли шол бўлур.
Оёқларда тик турмас,
Икки кўздан нур кетиб,
Кулоқлари кар бўлур.
Кут бўлсин ибодатим.

XVI

64. Митрага топинурмиз,
Ўша қалбиди имон,
Гўзаллик-ла йўғрилган

Зотгадир намозимиз.
Унга ким топинса гар,
Топгай улуғ бир суянч,

³ Шараф уйи — зардуштийликда жаннат, бу ёрда, эзгу худолар ҳамда такводорларнинг рухлари куршовида Ахура Мазда туради.

Инсон бахтини ўйлаб,
У элтар дин уругин.

65. Учқурлар аро учкур,
Эзгулар ичра эзгу,
Жасурлар ичра жасур,
Шижааткордан эпчил.
Гуллатгувчи барчани,
Маъмур этувчи элни
Подалар этиб ато,
Ўғиллар кўпайтгувчи
Муқаддас ҳаёт бергич
Ва ҳакқоний ҳокимлик
(Бергувчи тақводорга).

66. У билан Аши ҳамрох,
У билан Арта ҳамрох,
Ул мукаддас, ул бойлик
Тез юрар аробада
Эрлар жўмардлиги ҳам
Кавийлар Хварносин⁴
Шоҳона қаттиқ қўллик,
Музаффарлик худоси.
Тақводорларнинг руҳи —
Барчаси унинг билан
У билан ким биродар,
Бўлар бари тақводор.

Бахт учундур намозим
Бахт учун ибодатим...

67. Митрага топинурмиз...
Филдираклари баланд

Осмоний аробани
Бошқарар⁵, Кунчиқардан
Парвоз этиб пурвикор
Ёрқин Хваниратадек⁶
Кўркам иқлим устидан
Мазда берган бахт ҳамроҳ,
Музаффарлик йўлдоши.

68. У билан бирга Ўқтам
Аши ароба ҳайдар.
Маздага имонли дин
Йўлларин фориғ этар.
Осмоний аргумоқлар,
Ярқироқ ва порлоклар,
Нурафшону оппоқлар,
Танин сояси йўқлар⁷
Аробани элтарлар.
Само кенгликларида
Зафар маъбуди эса
Йўллагай олисларга,
Солиб кўркув ва даҳшат
Барча дев, иблислар-у
Гуноҳкор риёкорга.

69. «Илло, дуч келмайлик биз,
Эгамнинг ғазабига.
Ёвга минг зарб бергувчи
Митранинг нафратига.
Ададсиз кўзлари бор.
Кудратли ва билгич у,
Ёлғонни йўқ қилгич у».

Бахт учундир намозим...

⁴ *Хварно* — кайёнийларнинг илохий салтанат ҳақидаги давлат, ҳокимият концепциясини асословчи рамзий нурли сиймо. Суғдча парн, ўрта форсийда фар.

⁵ Митра бу ўринда самода күёшнинг олтин аравасини бошқарувчи сифатида таърифланган. Бундан-да кенгрок талқин этилса, бу фалак гардишини айлантирувчилик функциясидир.

⁶ *Хванираша*, Ер юзининг Одамлар яшайдиган қисми, унинг эса энг гўзал қисми. Бу тушунчани Ўрта Осиёга киёс қилинса бўлади.

⁷ Муқаддас нарсалар нур билан йўғрилади деган ғоянинг «Авесто»да акс этиши.

XVIII

70. Митрага топинурмиз...
Олдида Баҳром учар⁸
Ахурунинг хилқати.
Фазабкор қабон мисол
Ўткир тишли, сержаҳл...

Санчилса ҳар ўлдиргувчи
Қозиқ тишлари кескир.
Кутуриб ҳеч йўлатмас
Жаҳлдор, юзи ола
Оёқлари темирдан —
Олди ҳам орқаси ҳам
Томирлари ҳам темирдан,
Қуйруғи ҳам темирдан,
Жағлари ҳам темирдан.

71. Хужум қиласорк жадал
Ўқдек отилар ёвга

Матонат-ла йикар у
Ёғийнинг ёриб кўксин
Душман умуртқасини,
Ҳаётин тиргагини
Мажақлаб бузмагунча,
Ёвни ўлдирдим, дея
Таскин топмайди кўнгли
Душман умуртқасининг
Мағзини узмагунча
Ҳаётининг тиргагин
Мажақлаб бузмагунча.

72. Ҳамлада этар яксон
Тери, тук суюкларин
Қону мияси бирла
Коришар, ким риёкор.

Бахт учундир намозим...

XIX

73. Митрага топинурмиз...
Шодликни канда қилмай,
Қўлин кўкка кўтариб,
Хурмузд парвардигорга
Ёлвориб дейди шундай:
«О, муқаддас Рух, холик»
Эзгу борлик яратган!
Мени ҳам эъзозлашса...⁹

75. Маконни асрагаймиз
Тарк этмай уни асло!
Хонадонни асраймиз,
Уругни асрагаймиз,
Элни тарк этмагаймиз,
Мамлакатни авайла.
Душмандан кудратли қўл¹⁰
Асраган каби барин.

76. Ёвлар аро ёвликни
Сен парчаларсан, Митра!
Кирон сол эзгуликнинг
Қотилига, о Митра,
О, отлари хуш атвор,
Аробаси пурвиқор
Ким ёрдамга чорласа
Доим ёрдамга тайёр.

77. Сендан сўрайман мадад,
Келгил бизга ёрдамга.
Эҳсонлардан бўл мамнун,
Хайру курбон мўлӯ кўл
Йўлингга баришладик
Ҳимоянгда турмоқ-чун
Узок умрлар кўриб,
Маконингда юрмоқ-чун.

⁸ Вертрагна — «Авесто»да уруш голиблик маъбути. Ўрта аср ва хозирги шакли Баҳром.

⁹ 55-банднинг такрори.

¹⁰ Митранинг яна бир сифати.

78. Кўриқлайсан юртларни
Топинса гар Митрага—
Яйловлари чексизга.
Қақшатарсан элларин
Митрага бўйсунмаснинг
Сени мададга чорлаб,

Дейман, келсин кўмакка
Кудратли ва Омилкор,
Мактovларга лойик зот
Шарафга лойик Митра,
Мулкда Буюк хукмдор!

Бахт учун намозимиз...

XX

- 79.** Митрага топинурмиз...
Макон ато этар ул
Рашнудан¹¹ сўнгра инъом—
Авлодларга авадлик.

Ато этарсан солих
Фарзандлар. Ва голиблик
Ахурадан пайдодир.
Маҳшар куни сўроқда¹²
Харобдир риёкорлар,
Тўп-тўп бўлиб ётарлар.

- 80.** Маконни асрагувчи,
Ростгўйлар химояти,
Сен жамоа ҳомийси
Ростгўйлар таянчисан,

Бахт учун намозимиз...

XXI

- 81.** Митрага топинурмиз
Макон ато этар ул.
Сўнгра Рашнудан инъом —
Авадлик авлодларга.

Жазолар бурди йўқни
Кўзлар шарофати-ла,
Хунарлар ҳикмати-ла
Алдовлардан халос ул,
Кудратли худо Митра.

- 82.** Минг хунар ато этди
Унга Ахура Мазда.
Юз минг туман кўз берди.
Шу кўзлар билан Митра,
Шу илму хунар бирла
Ёлрончини кузатар,

Юз минг туман кўзли зот
Аълам ва кучли маъбуд
Хеч алданмас улуг зот.

Бахт учун намозимиз...

XXII

- 83.** Митрага топинурмиз...
Кўлин чўзиб кўкларга,
Юрт ҳокими ёлборар
Ёрдамга уни чорлар.
Кўкка чўзиб кўлларин,
Қабила доҳийлари

Мадад илтижо айлар.

- 84.** Кўкка чўзиб кўлларин
Уруғбоши ёлборар,
Мададга чорлар уни.
Унга чўзиб кўлларин

¹¹ Рашну — адолат ва низом фариштаси. У дунёда сўроқ чогида гуноху савобларни ўз тарозусида ўлчагувчи зот.

¹² Митра Рашну ва Сраошалар у дунёда ўлганларни сўроқ қилишади.

Уй сохиби умидвор,
Уни мададга чорлар,
Сигир бўзлаб термилар,
Мадад ўтиниб ундан
Соғиб ол, деб ёлборар.
Кўлин чўзиб Митрадан,
Уни ёрдамга чорлаб,
Ҳакгўй гадо ўтинар
Маҳрум бўлган хукукин.

85. Бул ёлборишнинг саси
Кўк ялинлари узра
Ерни чарх айлангуси.
Етти иқлимдан оша
Намоз-ла этар парвоз,
(Гўё муқаддас) сигир
Маъраб таратган овоз.
86. Уни ҳайдаб кетган чор
Дуога кўтариб кўл

У ёрдамга чорлайди
Эслайди подасини:
«Қачон бизни орқага —
Подага элтар Митра,
Яйловлари чексиз зот.
Қачон ҳакка қайтарар
Ёлғон яйловда сарсон
Чин йўл излаганларни».

87. Кимда-ким ризо бўлса,
Шуни қўллайди Митра
Яйловлари чексиз зот.
Ким разабга сазовор,
— Вайрон айлайди Митра
Кенг ўтлоқли, яйловдор.
Уйлару, кўноқларин
Туману, эл-юртларин
Мамлакатларин барин.

Бахт учун намозимиз...

XXIII

88. Митрага топинурмиз...
Шифобахш ва олтин кўз
Нурли пок Хаома-ла
Унга ибодат қилган
Кўкўпар Харатининг
Хукарйа аталган чўнг
Энг юксак чўққисидан
Покиза ва топ-тоза,
Бегидир Барсман ила
Тоза хайру эҳсон-ла
Бехато оятлар-ла.
(Митрага топинурмиз)

89. Ахура Мазда муг¹³ килиб
Ёнига олди уни.
Ибодатга сидқ ила
Шавқ ила куйлагични.
Коҳин дилдан улуғвор

Намоз йўллаб астойдил
Ахур Мазд шаънин куйлар,
Муқаддас ўлмасларни
(Шарафлаб намоз йўллар).
Овози кўкка ўрлаб,
Кўкда ялинга мингаш.
Ер юзини сайр айлайди
Етти иқлим янграйди.

90. Ул аввалин коҳиндир,¹⁴
Юлдуз безакли Хаомани —
Худонинг неъматини
Юксак Харатига элтган
Ахур Мазд паноҳ берган,
Ўлмас авлиёлардек,
Кўркам юз, қиёфалик.
Ҳатто отлари учкур
Куёш ҳам унга бокиб,

¹³ *Mye* — «Авесто»да Мазда дини пешвоси.

¹⁴ Бу Хаоманинг ўзи. Бу биринчи бўлиб илохий хаомани янчидан туйган ва сувидан муқаддас ичимлик олган.

Хурмат изҳорин этган.

91. Митрага топинайлик,
Яйлови кенг ул зотга,
Минг қулоқликка топинч
Минг туман кўзли зотга!
Намозу шарафларга.
Лойик бўла бер доим
Эрлар уйида, Митра!
Сенга аҳди бор эрни
Савобга дохил қилғил,
Олсин ўтин ва барсман
Хавонча, сут¹⁵ ва даста
Пок ювилган¹⁶ қўл ила
Ўғиру даста тутсин
Барсман тутиб, дуо-ла
Пиширсин хаомани
Кўйлаб «Ахуна-Варъя»¹⁷
(Оятини баралла).

92. Бу динни қилди маъқул
Яратган Ахура Мазда
Муқаддас ўй амри-ла,
Эзгу ҳак буйргинча,
Энг мақбул ҳокимлика.
Пурхикмат Вали ҳаққи,
Ўлмас Бутунлик бирла
Одамлар кирган динни
Ўргатди Ахура Мазда.
Абад Ўлмас Валилар
Танладилар шу динни.
Митрага-чи, Яратган
Ул меҳрибон Ахур Мазд
Ер юзида устувор

Ҳокимлик ҳукмин берди.

Ўлмас Валилар Сени¹⁸
Ҳакиму ҳоким дерлар.
Сен динни поклагувчи —
Эзгу яралган динни.

93. Икки дунёда бизни
Сақлагин паноҳингда
Яйловлари кенг Митра!
Бу фоний дунёда ҳам,
У боқий дунёда ҳам
Алдоқ Ўлимдан асра,
Алдоқ ғазабдан сақла.
Алдов лашкарларининг
Жирканч қонли яловин
Кўтарган ёвдан сақла.
Девлардан бадкор, чиркин,
Аччиқ нафрат физ-ғизон
Этган ғазаб қасидан
(Сақла бизни эй Митра!)

94. Улдовимизга мадад
Бергил Митра, эй илоҳ,
Яйловлари кенг маъбуд.

Саломатлик бер бизга.
Ёвни узоқдан кўргич
Ўткир кўз бергил бизга.
Бир зарб ила душманни,
Ёғий ва нодўстларни
Ва ҳар не ёвни бир-бир,
Токим биз маҳв этайлик,
Бахт учун намозимдир...

XXIV

95. Митрага топинурмиз...
Ер энин қучиб ўтгич,

Күёш ботган чогида
Кенг Ернинг икки четин —

¹⁵ Сут — хаома ўсимлигининг сиқиб чиқарилган шарбати.

¹⁶ Ювилган қўл — «Авесто» таҳорат шартларидан бири. Исломга ҳам кирган.

¹⁷ Ахуна-Варъя дуоси Зардушт динига эътиқод ифодаси бўлган. Исломдаги калима ваҳдат ва калима шаҳодат сингари вазифани бажарган.

¹⁸ Митрани.

Хадсиз юмалоқ ернинг
Четларин қамраб ўтгич,
Самою арз аро не —
Ки бор, борини кўргич
(Митрага топинурмиз...)

96. Кўлда юз тифли болта—
Юз зарбли асбоб тутган¹⁸
Ёвни тубан йиккүвчи.
Сариқ маъдандан куйиб,
Олтин сувда сугорган
Кудратли ул қуролдир,
Куролдир ул музaffer.
97. Даҳшат-ла ундан титрар
Ул касофат Ахриман.
Даҳшатга тушар ундан
Лаънати ғазаблар ҳам.
Даҳшат кўркинч-ла титрар
Илки узун танбаллик¹⁹
Даҳшат-ла титраб қақшар

Барча жин, барча Девлар
Ва осий қасамхўрлар.

98. «Рахматидан бенасиб
Килмасин бизни Митра,
Зарби бизга етмасин
Кудрати чексиз Митра
Яйловлари поёнсиз!
Бизни асра, паноҳ бер,
Зарбангдан холи қилғил,
Эй яйлови поёнсиз!»
(Бу намоз этишганда)
Маъбудларнинг кучлиги,
Энг жасури уларнинг,
Энг тириги уларнинг,
Энг голиби, зафарвор
Бўлур Ерга нозил у —
Митра, чексиз яйловдор.

Бахт учундир намозим...

XXV

99. Митрага топинурмиз...
Олдида девлар қўркиб,
Каззоблар титрагувчи
(Маъбудга топинурмиз...).
Учар кўк бўйлаб Митра —
Мамлакатлар эгаси.
Яйловлари чексиз зот.

Учар ўнг томон узра²⁰
Айланиб кенг заминни
Чекига етиб бўлмас
Юмалок, чўнг заминни²¹.

100. Аша дўсти Сраоша²²
Митрадан ўнгда учар.

¹⁸ Жанг болтаси юз тифли, юз зарбли сифатлари муболага шакли деб каралмоги керак. Жанг болтаси намуналари бронза асли Ўрта Осиё ёдгорликларида кўп учрайди.

¹⁹ «Авесто»да Бўйиста. Кўллари узун дев. Одамлар райратини узун кўллар билан тўхтатиб, дангасалинка тортади. Уни енгиш — савоб.

²⁰ Митра куёш ботгандан кейин Фарбдан Шарқка Жанубий ярим шар бўйлаб кайтиб учади, деб тушунилган.

²¹ «Авесто»ни яратган аждодлар тасаввурида Ернинг юмалоклиги ва доиравий ёзиклиги тушунчалари қоришиб кетган. Лекин ерни юмалок деб билишнинг ўзи тафаккурнинг ютуғи эди.

²² Аша — Ҳакиқат. Сраоша унинг ҳамрохи; итоаткорлик ва интизом маъбути. Кимки итоатсиз бўлса қўлидаги гурзи билан уриб жазолайди. Сраоша намоз адоси устидан назорат килиб туради. Одамлар намоз орқали худо билан мулоқот қиладилар, ибодат йўллайдилар, қабоҳат кучлари билан курашадилар.

Бўйдор қудратли Рашну²³
Митрадан сўлда учар.
Сувлар, ўсимлик, кўклар,
Барча валилар руҳи
Митрани ўраб борар.

- 101.** Бургут патли ўқ берар
Уларга худо Митра.
Учароқ агар етса

Душманларнинг юртига,
Аввало этар ҳароб
Бир зарб ила уларнинг
Одами ва отларин.
Бир кун қақшар Мит-

радан

Хам одаму, ҳам отлар.

Бахт учун намозимиз...

XXVI

- 102.** Митрага топинурмиз...
Отлари унинг оппок
Найзаси узун, санчок,
Тез учардир ўқлари
Йиқар, бўлса ҳам узоқ
Отса чаққон аскари.

- 103.** Уни Хормуз²⁴ яратди
Борлик эзгу дунёни
Асрагувчи маъбуд деб.
У соқчидир, қўриқчи
Борликни асрагувчи.
Мазда яратганларни
Ухламай пойлайди у,
Ухламай асрайди у.

Бахт учундир намозим...

- 104.** Митрага топинурмиз...
Ёлғончини тутар у
Узун кўллари билан.
Шарқда қаллоб ушланар,
Фарбда у халок бўлар.
Ранха²⁵ бошида бўлсин
Хоҳ бўлсин ер қаърида

(Барибир тутар Митра).

- 105.** Ёлғончини камровга
Олар икки кўл ила.
Адашган ўксик киши,
Мунгли қалбнинг соҳиби
Кайфу-ла шундай ўйлар —
Ки, гёё Митра кўрмас
Қабоҳатнинг бирини,
Разолатни у кўрмас,
Кўрмас барча ёлғонни,
Агар қараб турмаса.

- 106.** Лек менинг дилимдан
Шундай кечади:
«Жонзот йўқки дунёда,
Митра эзгу фикридан
Кучли фикр бор деса.
Жонзотки йўқ дунёда,
Митра эзгу ишидан
Кучлироқ иш амали
Бор, дея айти олса».²⁶

- 107.** Жонзот йўқки дунёда,
Илохий Митра каби

²³ Рашну — тартиб, интизом ва адолат маъбути. У маҳшарда тарозу билан туриб ўлганларнинг гуноху савобларини ўлчаб туради.

²⁴ Ахура Мазда.

²⁵ Ранха — Сирдарё, Ранханинг боши — «узоқ манзил» деган кўчма маънони ифодалаган.

²⁶ «Авесто» ахлоқий мақомлари эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигини биринчи ўринга кўяди.

Тафаккури чўнг бўлса,
Ақли бўлса ўткирроқ.
Жонзотки йўқ дунёда,
Икки қулоги билан
Шунчалик сезигир қулок,
Митра эшитган каби.
Ёлғончилар барини
У кўриб тургувчиdir.
Кудратли ҳамла бирла
Ҳужум қилиб чикар у.
Учар у ғолибона.
Ўткир бир қараш ила
Кўрар барча иллатни.

- 108.** (Ва ўтказар дилидан:)
- Ким менга сажда қилур,
Менсимайди ким мени?
Кимдан топарман топинч,
Кимга нозил барокат?
Бахт кимга, кимга соғлик
Эҳсон эта олурман?
Ким кутган эзгулигин
Мендан олишга лойик.
Кимнинг пуштида бугун
Олий насаб авлодлар
Уругини ундиргум?

- 109.** Кимни кудрат ва ҳукм,
Ва енгилмас черик-ла
Кутмаганда тақдирлай.

Ҳокими мутлақ ғазабла
Ёғий ҳокимин бошин
Шафқатсиз тошлар янчиб
Жазосин олмоғи чин.
Агар жаҳолат қилса,
Ғазабнок тўлса агар,
Митранинг бир сўзила
Тушиб қолар ғазабдан —
Солиҳлик бўлур ато.

- 110.** Кимга дард кимга ўлим,
Йўқсилик ва баҳтсизлик
Келтириб жазолайин.
Кимнинг зотли авлодин
Бир зарб-ла маҳв этайин.

- 111.** Кимнинг зўр ҳокимият,
Енгилмас черигини
Бирдан тортиб олайн.
Ҳокими мутлоқ янчар
Ёв ҳокимининг бошин.
Жазосин кечикирмас
Агар минса жаҳлга.
Митрадан олар мадад
Ва тушар у жунбушга
(Бўлса гар Митра худо
Ёмон сўздан норизо).

Бахт учундир намозим...

XXVIII

- 112.** Митрага топинурмиз...
Кумуш найза қўлида,
Олтин совут эгнида.
Қамчила-ҳайдаб борар
Яғриндор улуг сарбоз.
Митрага сигинувчи
Юртларга келган чокда
Кенг водийларни эхсон
Килар яйловлар учун.
Унда пода ва одам
Яйраб яшайди ҳар дам.

- 113.** Мададга кела қолсин
Митра бирлан Ахура!
Камчинининг зарбидан
Отлар кишинар юз карпа;
Хавода ҳуштак чалган
Қамчилари ва таранг
Камонларининг учкур
Ўқи тифи, нишидан
Қон тўкканлар кирилур,
(Суприлур ер юзидан).

- 114.** О, Митра, ато айла,
О, яйлови чексиз зот,
Уловимизга кувват,
Үзимизга тансихат,
Ёвимизни узокдан
Күрмөкликқа бер имкон.

Бир зарб ила уларни
Махв этайлик беомон.
Ёвки бордир, барчасин
Ва юзма-юз ҳар бирин.

Бахт учундир намозим...

XXIX

- 115.** Митрага топинурмиз...
О, уй сардори Митра
Уруғ, аймоқ ва халқнинг
Мамлакат, жамоанинг
(Сардори улуғ Митра)²⁷.

Аҳди юз бора такрор.
Минг бора қайта айтар
Икки юрт ушбу сўзни
Ва миллиард милиард—
чексиз бор
Маздаясна Имонин
Сўзин такрор этилса²⁸
Пуркудрат кунлар келур,
Вақти зафарлар келур.

- 116.** Маздаясна имонин
Сўзи икки дўст аро
Айтилса йигирма бора,
Юртдошлар аро бу сўз
Айтилса бора ўттиз,
Эмакдошлар орасида
Қирқ бора айтилса у,
Эр-хотин ўртасида
Эллик бора такрори,
Шогирдлар орасида
Олтмиш бора айтилса,
Шогирду устоз аро
Етмиш бора айтилсин.
Куёву қайноталар
Саксон бор айтса такрор,
Ака-ука ўртада
Бу сўзни тўқсон айтар.

- 118.** (Митра вахий айлади:) «Ибодатни ижобат —
Қилгумдир мен албатта
Хоҳ факир, хоҳ под-
шоҳнинг

Разил Ахриманийунинг
Орзусига зид ўла
Хара оша учган кун²⁹
Каби, о Спитама,
Ибодатин мен лаббай,
Деб ижобат қилгайман.
Хоҳ факир, хоҳ под-
шоҳнинг.

- 117.** Ота ва ўғил эса

Бахт учундир намозим...

XXX

- 119.** Митрага топинурмиз...
«Митрага сиғингил ва

Ундан хабар бер (элга
Менинг элчим), Спи-
тама!»³⁰

²⁷ «Авесто» жамияти. — Нмано — уй, вис — уруғ, наб — халқ.

²⁸ «Атар» такрор этилса.

²⁹ Куёш Хара тогидан ошиб ўтиб «Авесто»да таърифланётган юртга
ўз нурини элтгани каби...

³⁰ Ахура Мазда Зардушт Спитамага мурожаат қилмоқда.

Талпинсинлар Митрага
Барча Маздаяснийлар³¹
Барча молу, күй эчки
Даррандаю, парранда
Қанот бирла учгувчи.

- 120.** Күриқлар күрчи Митра
Маздага имондорни.
Мукаддас Хаома мүл
Күйиб эхсон айласин,
Имонли тақводорлар
Ундан түйисин ва қонсин,
Сүңг Митра шараф-
ланси,
Яйловлари чексиз зот.
Токим күнгли чоф бўлсин,
Қаҳрин кўйиб раҳматин
(Бандаларга ёғдурсин).

- 121.** Спитама Заратуштра
Хормуздан сўраб турур:
«О, Ахура, айт менга
Тақводорлар эхсонни
Қай тарз истеъмол
килсин,

Токим, Митра шарифрок
Бўлсин. Яйловлари кенг
Бизлардан бўлсин ризо,
Қаҳрин кўрмасин рало».

- 122.** Ахура Мазда деди:
«Уч кеча ва уч кундуз
Қилсин фусл, тахорат.
Сўнг тазарру айласин
Ўттиз дарра олгандек».³²
Сўнг юзланиб Митрага
Яйловлари кенг ул зот
Шаънига намоз элтсин.
Икки кеча ва кундуз
Ўзин ювиб тарасин.
Ва тазарру айласин,
Йигирма дарра олган
Каби тавба айласин.
Сўнг юзлансин Митрага
Яйловлари кенг зотга
Хаома эхсонидан
Асло ича кўрмасин
Бирор зот агар билмас
Ҳамду сано оятин,
Ё Виспрат сурасини.³³
- Бахт учундир намозим...

XXXI

- 123.** Митрага топинурмиз...
Нурли жаннат маконда³⁴
Ахурамазда яратганга
Биз ҳамдирмиз имонда.

- 124.** Кўл кўтариб дуога
Ўлмасга нола қилди.³⁵
Алп Митра олиб чикди
Порлоқ Олқиши уйидан
Ўзининг енгил юргич

³¹ *Маздаясна* — Маздага сифинувчи бандалар.

³² Яъни гуноҳ қилгани учун 30 дарра жазога лойик одамдек кучли бўлсин.

³³ *Виспрат* — «Барча боблар» дуо-ю такбирлари (виспа рата) — «Авесто»нинг бир китоби, намозда ўқиладиган оят ва суралар туркуми. Зардуштийлар буларни билишлари шарт ҳисобланган.

³⁴ «Авесто»да жаннат кўпинча «Шараф Уйи», «Олқиши масканি», «Нурафшон маскан» каби ибораларда келади.

³⁵ Ўлмас, абадий мавжудлик Митранинг сифатларидан. Доимо уйғок, кўриб турувчи, эшишиб турувчи ва бошқалар каби.

Олтин аробасини —
Кўркам чиройлисини.

125. Бу учқур аробани
Тортар тўртта парку от.
Рух эмган ва абадий
Учқур тўртта аргумок.
Олд түёғи олтиндан,
Орқаси кумуш тақа.
Тўртови бир бўйинча
Билан битта боғланиб,
Рахмат нурдан эшилган.
Ёғоч тақин биркитиб
Шотига илмоқ этилган.³⁶

126. Митрадан ўнг томонда
Энг тик қомат, табводор
Баланд бўй Рашну борар
Аъламлик сўл томонда
Адл тик, авлиёвор
Оқ либос ичра бу зот
Келтирап хайру эхсон
Будир либоси Имон
(Мазда динига эътиқод)³⁷

127. Митранинг изларидан
Борар маъбуд Вараҳран
Фазабнок Қабон мисол.
Сержаҳл ўткир тишли,
Ханжардек қозиқ тишли
Халок этар бир йўла.
Кутуриб йўлатмас зўр,
Кўрқинчли ола-була.
Учмоқда тенги йўқдур.
Митранинг олдида-чи,
Порлօқ олов боради
Кавийлар Хварноси.

128. Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Кичик томиридан минг
Аъло камон тортилган
Илохийвор учгувчи
Илохий бор теккувчи
Девлар Манфур бошига.

129. Митра аробасида,
Яйлови кенг ул зотнинг
Олтин пойнак минг ўқбор.
Сара ўқ, пат бошоқли³⁸
Ваҳший қуш қанотидан,
Шоҳдан икки найзали,
(Пати илмоқ санчкли).³⁹
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.

130. Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Минг найза-санчки
бордир,
Сара, ўткир учдордир,
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар Манфур бошига.
Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Минг болта-чўқмори бор
Энг яхши маъданлардан
Кўш тиғли ва ўткир,
ихчам
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.

³⁶ Ҳозир араванинг шотиси қайиш билан боғлаб бўйинчаси кўшилади.

³⁷ Аъламлик — Ахура Мазданинг сифати. У оқ либосда. Даёна — дин киёфасида. Аъламлик «Авесто»да аслан Даёнадан фарқли равища
Чисти деб аталади. Лекин бу ўринда вазифалар умумлашиб келган.

³⁸ Камон ўқига пат ўрнатиш унинг учиш траекториясини яхши таъминлаган. Алишер Навоийда «бошоқли ўқ».

- 131.** Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Минг пичоқ бор —
дудама
Икки томони тиғли.
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.
Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Бордир мингта
Сара маъдан, темирдан
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи.
Девлар манфур бошига
- 132.** Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Унинг ажид болтаси
Куличлаб солмоққа ўнг,
Юз кескир юз зарб-
ли, чўнг⁴⁰
Йиккич ёвни юз тубан,
Сарик маъдандан қўйма
Усти тоза олтиндан.
Кудратли куролдир бу,
Ёвга солар у кутку.
Ва зафарнок курол бу —
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.
- 133.** Барча девни маҳв этиб,
Каззоблар барин қириб,
Қасамхўр додин бериб,
- 134.** Митра учеб ўтади.
Яйловлари кенг ул зот
Шарқ-Фарб оша ўтади
Шимол-Шарқу Ши-
мол-Фарб,
Жануб-Шарқу Жануб-
Фарб —
Гўзал ер узра учар
Ва порлок Ҳванират
(Узра учеб у ўтар).
- 135.** Унга пешвоз титрайди
Қабих чиркин Ахриман
Ва лаънати Жаҳолат
Титрап унинг олдида.
Узункўл Танбаллиқ ҳам
Титрап унинг олдида,
Унга пешвоз титрарлар
Борлиқ бари девлар ҳам
Гуноҳкор ёлрончилар.
- 136.** Митрага топинурмиз...
Оппоқ аргумоқлари
- Тортар ул аробани
Бир гилдираклини тортар¹

⁴⁰ Масофага отиб теккизиладиган жанг болтаси. Бронза асри ёдгорликларида кўп учрайди. А. Асқаров. Сополлитепа. Тошкент, 1975.

¹ Бир гилдиракли ароба — бу фалак ва қуёш демакдир. Митра уни харакатга келтириб айлантиради демоқчи.

Олтину тошлар ила
Ярқироқ безаклини²
Ўз маскани томонга
Эҳсон келтирган чори.

137. «Савоб бўлсин ҳар
кимки, —
Деди Ахура Мазда, —
О, содик Заратуштра,
Тақводор коҳин кимга
Дуосин бағишиласа,
Тажрибали ва олим,
Коҳин намоз ўйлласа,
Барсман билан буркаса,
Митрага эҳсон этиб!
Шу зотнинг маконига
Келур тўғридан-тўғри
Митра, Коҳин агарки,
кимдан
Бўлса чин ризо,
Айтган сўзга мувофиқ
Ва аъмолга мувофиқ».

138. Кулфат келсин у зотга,—

Деди Ахур Мазда, —
О, содик Заратуштра,
Кимни риёкор коҳин
Тажрибасиз, бебилим
Намозда дуо қилса,
Қўлига тутиб барсман
Ёйса ҳам, ҳатто уни
Ибодатла куф-суфлаб
(Кор қилмасин ул зотга).

139. Мазда ярлақамагай,
Авлиё амешаспант.
Ва Митра раҳм этмагай —
Яйловлари чексиз зот.
Агар ким менсимаса,
Мазда ва ўлмасларни,
Авлиё ва Митрани —
Яйловлари кенг зотни
Хор этса рашну ясофин,
Хор этса ҳақиқатни.
Дунёни улғайтгувчи
Ҳакни ким менсимаса,
(Митра қўлламас уни).

Бахт учундир намозим...

XXXIII

140. Митрага топингаймиз...
«Митрага сифинурман, —
Деди Ахура Мазда, —
Эзгу ва кудратлига
Самовий ва Афзалга
Энг раҳмдил ва ажиб
Макони осмондага
Ва қаҳрамон сарбозга.

141. У тутар, о Спитама,
Қўлида голиб курол

Кўлда голиб аслаҳа.
У зулматда кўз юммас
Алдовларга у учмас,
Кучлилардан кучлидир,
Донолардан у доно.
Унинг ортидан елиб
Борар голиб Хварно,
Минг кулок ва кудратли
Мириад кўзли худо,
Алдаб бўлмас ибтидо!»
Бахт учундир намозим...

² Олтин, тош, ярқироқ безаклар — осмондаги юлдузлар демакдир.

XXXIV

- 142.** Митрага топинурмиз...
 У энг буюк маъбуддир,
 Муқаддас Рух тонг саҳарда
 Яратган уни кодир
 Яратган уни шу чоқ
 Ой тўлишганда порлок.
- 143.** Нур ёғилган порлок юз
 Гўёки Зуҳал⁴¹ юлдуз
 «Митрага сигинурман,—
 Деди Ахура Мазда, —
 Учкур аробасини
 Кўёшдан зиё эмган,
 Кўёшдек нур таратган,

Дунёда тенгсиз гўзал
 Маъбуда Аши тортган
 Унинг аробасига
 Топинчим ва имоним.
 Чунки у ҳам яралган
 Авлиё Рух ҳукмидан
 Ва юлдуз-ла безалган.
 Муножотим ул буюк
 Вокиф худо Митрага.
 Кўзлари ўн мингтага —
 (Барча ерда ҳозирга)
 Алданмас ул нозирга!»

Бахт учундир намозим...

XXXV

- 144.** Митрага топинурмиз...
 Митрага топинурмиз
 Юртга томон юрганда,
 Юртлар аро турганда
 Митрага топинурмиз.
 Юрт ичинда, юрт узра
 Митрага топинурмиз.
 Юрт гирдида, остида
 Митрага топинурмиз.
 Юрт ортида бўлса ҳам⁴²...
- 145.** Ахурага ва Митрага
 Бўлсин бизнинг эътиқод.
 Ул абад ва улуғвор
 (Худолар бўлсинлар шод).
 Ой-юлдузга ибодат,
 Ҳам қуёшга эътиқод.
 Барсман кўкати қўлда
 Барча эллар султони —
 Қодир Митрага бизнинг
 (Топинчу намозимиз!)

Бахт учундир намозим...
 Баралла ибодат-ла
 Келтириб қурбонликлар
 Митрага сигинурман —
 Яйловлари кенг зотга,
 Ва роҳат бергувчига.
 Арийлар юртларига
 Фароғат бергувчига.
 Бизга бўлсин мададкор
 Бепоёнлик ҳаққи у!
 Бизга бўлсин худо ёр
 Раҳму шафқат қилсин у!
 Бизга ҳозик — келсин у,
 Бизларга берсин зафар,
 Келтирисин омад, барор,
 Покъдомонлик келтирисин!
 Қодир Митра, музaffer,
 Ёлғонга алданмас у
 Бир дунё мактовларга

⁴¹ Зуҳал — «Авесто» Тиштрия деб атайди. Юлдуз ва у билан боғлиқ маъбууд номи.

⁴² Кўёшнинг ҳаракати ҳақидаги примитив материалистик тасаввур билан боғлиқ матн. Бунда стихияли тарзда ернинг юмалоклиги фикрини ўқиши мумкин.

Митра лойик, сазовор—
Чексиз ўтлоқ яйловдор.

Митрага топинурмиз
Хилқат ичра қудратлига
Келтириб курбонликлар
Унга эъзоз, намозим,
Баралла ибодатим.
Таъзим бажо Митрага —
Яйлови чексиз зотга.

Митрага топинурмиз
Яйловлари кенг зотга
Сут қотиб хаомага
Ва барсман тутиб қўлда,
Нозик тил санъати-ла
Муқаддас дуо ўқиб,
Сўзу иш бирлиги-ла

Курбонлик солиб, тўкиб,
Ҳақ сўзин тўғри сўзлаб,
Ҳақиқатни эъзозлаб
«Намозим йўлламокни
Ахур Мазда савоб билган,
Ул зотгадир намозим».

**146. «Энг эзгу маъбуд си-
фатида
Шарафлов, қудрат
Ва куч тилайман мен
Митрага
Яйловлари кенг зотга ва
Осоийш маъбуд Ра-
манга —
Ўтлоклари бўлиқقا.
Ҳақиқат — энг олий
неъмат...»⁴³**

ТИШТР ЯШТ

(Сириус юлдузи шаънига айтилган алков)

Қувонсин Ахура Мазда, Ҳақнинг истаклари рўёбга
чикиб, Анхрамайнйу даф бўлсин...

«.....»

Порлок. Пурнеъмат Тиштрийа¹ ҳамда Сатаваэса юл-
дузларининг ризолиги ҳаққи, (олам) сувларини тўлди-
риб тоштиргувчи, Мазда яратган кудратли зотга юкун-
чимиз, мақтовларимизни қувонч ила йўллаб шарафлай-
миз (алқаймиз).

«Эзгуликда эгам сингари» дея намоз бошлаб беради
заотар...

⁴³ Бу парча зардуштийларининг имон келтириш дуоси «Ахуна Вар-
йа»дан.

¹ Барча алковлар ижроси, тиловати олдидан айтиладиган дуо сўзлари
такрорланади. Бу ўринда фарқ шундан иборатки, бағишилов сўзи Тиш-
трия юлдузига қаратилган.

I.

1. Ахура Мазда деди
Спитама Зардуштга:
«Хукмдорликни асра
Авайлагин бошчингни!»
Ойга ихлос, эътиқод —
(У хурматга сазовор).
Эҳсон қилинган овқат.
Худоё, худовандо,
Муқаддас барча юлдуз
Ой кетидан эргашиб,
Эркакларга баҳт берсин.
Мен ҳам Тиштрийа томон
Ихлос-ла ўйллаб эҳсон,
Этай кўнглини шодон.

2. Тиштрийага намоз —
Нури бўлсин сарфароз!
Бергувчига осойиш
Ҳамда фаровон турмуш,
Нурёдига, порлокқа,
Дардга эм, ёлқинлига,
Кўкда қилгувчи парвоз,
Осмон тубидан жилва
Қилиб нуртаратгичга,
Олислардаги чексиз
Ваҳви денгиз сувига,

Ахура Мазданинг ўзи
Яратган Буқага олқиши,²
Намозим бўлсин равон
Имонли Спитама
Зардушт фравашига.

3. Шукрига намозимдир,
Баралла овозимдир,
Сидқидилдан эҳсоним
Тиштирия юлдузга.
Тиштрийага иззат —
Пөрлоқ ва қудратлига.
Сут кўшиб шопирилган
Муқаддас хаома-ю
Кўлда тутиб барсаман
Ширин сўзу лутф ила
Эзгу ўй, эзгу сўзу
Эзгу амаллар билан,
Чин юракдан, чин ихлос
Ила айтилган ҳақ сўз
(Бўлсин имон-ла маҳкам).

«Ахура Мазда кимга
Намоз багишилаш савоб
Деса, ўшангага намоз».

II

4. Тиштрийа шаънига,
Порлоқ юлдуз номига,
Юксак зот, қудратига,
Барча сувлар уруғин.

Сақлагувчи энг олий
Зот шаънига намозим —
Апам Напат номига.

III

5. Ярқироқ ўшал юлдуз —
Имонсиз ёлғон сўзлар²

Барча жонзор ёд этар.
Шунда самода пайдо

² Бука ва унинг рухи улуғланган. Гэуш урван деб аталган. Бу Тиштр юлдузининг кўринишларидан бири.

² «Сувлар набираси» (кўчма маънода эркалаб айтиш).

Бўлганида Тиштрий²
Отдан-да кучли сувлар
Келар Кўқдан оқарок.

Намозимиз Кутлукқа!

Уни майда чорва-ю,
Хатто, ёвуз одамлар
Ки, қилвир иш излар
Барча жонзот ёд этар,

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

IV

6. Порлок ўшал юлдузга,
Кутлуг зотга намозим.
Эранлардан энг мерган
Эрехш ўз камонидан
Ворукаша денгизи
Ўзра отган самовий
Ўшал ўқдек тезучар
Тиштрий нурлари.

7. Ариахшута тогидан

Хванавант токқача
Бу нурни йўллаб тураг
Холик Ахура Мазда.
Сувлару Набототга
Жон бағишилаб йўллайди
Тиштрийда юлдузни
Кудратли маъбуд Митра.

Шукригадир намозимдир,
Баралла овозимдир...

V

8. Порлок ўшал юлдузга —
Кутлуг Тиштрийага намоз
Йўллайлик, Еру кўкнинг
Орасига курт каби
Тушган, юлдузлар мисол
Ёғилган жин-алвости —
Барини йўқ қилгичга
Йўллайлик, намозимиз,
Соҳибжамол, кудратли
Тубсиз ҳамда бепоён
Ворукаша бўйида...
Мана, муқаддас отдек
Қанот боғлаб тиштрия
Денгиз томон келмокда
Сувларни тўлқинлатиб,
Шамол пуркаб ҳарёққа.

9. Ва сувларни оқизар
Етти иқлимга томон,
Гўзал Сатаваэсанни
Инъом қилиб етказар —
Ҳосил унар бешумор.
(Тиштриядан назар)
Тушса эран юртларга
Серҳосил, баракотли
(Бўлар йиллар сарбасар).

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

10—11. Ярқироқ Тиштрия
Томон йўллаймиз намоз—
Ахура Яратганга

³ Тиштирийанинг чиқиши ёмни, само сувларини коинот сувларини чакиради. Бу эса имон ва эътиқодни кўпайтиради. Ёмонларни ҳам эзгулик йўлига жалб этади. Чунки коинот суви барча учун баробар. Бутун борликни поклайди. Демак, бу лавҳада Ахриман ёмонга айлантирган нарсалар ҳам яхши бўлиш, ўзларидаги ёвузликдан фориг бўлишни орзу қилиб Тиштрандан умидвор бўладилар, унга ёлворадилар.

- Шундай дея марҳамат
 Қилди сўнгра Тиштрийа:
 «Менга ихлос қил, дея
 Қилган нидоларимга
 Жавобан гар одамлар
 Намозу алқовлар-ла
 Мени йўқлаб турсалар,
 Бошқа маъбудлар томон
 Қилган каби илтижо.
 Уларнинг нидосига
 Қилган каби хуш жавоб
 Шунда мен самолардан
 Одамлар томон тушиб,
 Ҳак учун Ҳақдек бўлиб,
 Абад ҳаётим қисман
 Уларга баҳш этардим,¹
 Бир кеча, ё икки тун
 (болқиб турган бўлардим)».
12. Юлдузларнинг ҳамроҳи
 Тиштрийага намоз!
 Сомон йўли бағрида
 Сомон йўл юлдузларин
 (Барига алқовимиз).
 Хафтайринг — Катта айик
 (Биздан бўлсин миннатдор).
 Жодугар афсунгарлар
 Йўқ бўлсинлар, бўлиб хор.
 Ванант юлдузга эъзоз
 Маздадан яралганга.
 Куч кудратга у ҳамроз,
 Голиблиқ, устиворлик
 Бергувчи файзли зотга.
 Балолардан асраригич,
 Нифокни йўқ қилгичга.
 Кўзларга нуру зиё
 Тиштрийага намоз!
13. Аввал, эй Заратуштра,
 Ўн кечадавомида
- Нур таратиб самода
 Порлок кўркам Тиштрийа
 Ўн беш ёшли йигитча
 Қиёфасига кирап.
 Кўзлари унинг чақнок,
 Қадди қомати алпдек
 Кучли, эпчил ва чақкон.
14. Ўн беш ёшда йигитга
 Илк бор боғланар белбоғ.
 Бу ёшда белбоғ тақсан
 Йигит кучга тўлишар.
 Ўн бешида йигитлар
 (Эл қаторига кириб),
 Сўзга ҳақли бўлишар.
15. Ўн беш ёшли йигитдек
 Тиштирийа савлат-ла
 Шундай деб сўзлаб турап:
 «Ким менга эхсон қилас
 Сут кўшиб хабмага,
 Адо этиб намозлар?
 Кимга мен ажрин берай
 Борлигу бойлик этиб?
 Чорвасини кўпайтиб,
 Одамларин мўл этай.
 Жонин озод дўзахдан,
 (Жаннатга дохил этай).
 Чиндан-да ушбу дамда
 Мен борлик дунёларнинг
 Алқову намозига
 Лойику сазоворман».
16. Сўнг яна тур бўлиб
 (Ўзин кўрсатар Тиштр),
 О, Спитама Зардуст,
 Порлок, гўзал Тиштирийа
 Нурланиб этиб парвоз,
 Кирарап Буқа шаклига,
 Бошида олтин мўғуз.

¹ Тиштрийа юлдузи ўзининг энг юқори, яъни қантар ҳолатида дунёва коннот сувларини барокатли қиласди. Сўнг унинг оғиши босқичи бошланади. Лекин айланиш орасида бу юлдуз абадий деб тушунилади.

- 17.** Шундай деб одамлардан
Бир савол сўраб турар:
«Ким менга эҳсон қилас
Сут кўшиб хаомага?
Намоз йўллаб мўътабар
Номим муқаддас билар?
Кимга улашай савоб,
Бойлигу борлик ойлаб?
Сигиру буқаларин
Мўл этай бугун кимнинг?
Рухин халос этайин
Дўзахнинг азобидан?
Чиндан-да мени хозир
Худо лойик қилгандир
Намозу мақтовларга».
- 18.** Сўнгра яна ўн кунга
О Спитамаи Зардушт,
Нурафшон гўзал Тиштрийа
Парвоз этгач нурланиб,
Чиройли оқ от шаклин
Олди-олтин қулоқли,
Оғзида олтин сувлук.
- 19.** У шундай дея нидо
Бирлан сўраб туради:
«Ким менга ибодату
Хайру эҳсон бағишилар
Сутли хаомлардан?
Кори хайри-чун кимни
Отлару бойликларга
Эга килай ва жонин
Куткарай азоблардан?
Чиндан-да хозирда мен
Дунёларнинг намозу
Алқовига лойикман».
- 20.** Шу замон порлок Тиш-
трийа,
О, Спитамаи Зардушт,
Ворукаша денгизи
Томон оқ от мисоли
- Гўзал, олтин қулоқли
Олтин тизгин, сувлукли —
(Осмондан тушиб келди).
- 21.** Унга карши қаро дев.
Қирчангি от бўлволиб,
Апаоша борар ўқдек
Жунлари туллаб тушган,
Кулоқлари гирт чинок,
Кўркинчли, ёллари йўқ.
Кўрсанг думи ҳам йўқдек.
- 22.** Тутишди бир-бирини,
О, Спитамаи Зардушт,
Порлок, Гўзал Тиштирия
Ва бадбашара Апаоша.
Уч кеча-ю уч кундуз
Улар олишаверади,
О, Спитамаи Зардушт.
Бирдан енга бошлади
Қирчангি Апаоша
Порлок зот Тиштрийани.
- 23.** Ҳайдаб узоқ йўл оша
Ворукаша бўйидан
Бир хатра¹ масофага
Ҳайдаб жўнатди шу он.
Тиштирия зор билан
Шунда Ахура Маздага
Айлади илтижолар:
«Кулфат бу, О Ахура!
Бахтсизликдир Сувларга,
Набототга бахтсизлик,
Беҳдин учун-да кулфат!
Агар одамлар менинг—
Шарофатли номимни
Намоз-ла ёд этмаса,
Бошқа маъбуллар томон
Намозу назру ниёз
Йўллаганлари каби
(Йўқлаб турмаса мени).

¹ *Хатра* — бир чақирим масофа.

24. Одамлар қай вақт менинг
Номим зикр этсалар,
Намозу дуоларда
Бошқа маъбудлар
Номин тақороллагандек
Намоз, дуолар йўллаб,
Мен шу он куч кудратга
Тўлган бўлардим бешак.
Ўн от, ўнта түяning,
Ўн буқанинг кудрати,
Ўнта тоғнинг савлати,
Ўнта дарё ғайрати
Менда бўлган бўларди».

25. Шунда мен, Ахура Мазда,
Тиштрийа номини
Зикр этиб, намоз ўқиб,
Ибодатим кучидан
Унга ўн от кудратин,
Ўн түяning кувватин,
Ўн буқанинг кучини,
Ўнта тоғ савлатини
Ўн дарёнинг суръатин
Ато этдим, (О, Зардушт).

26. Мана, у қайтиб яна
Ворукаша денгизи
Устига келди яқин.
Порлок, гўзал Тиштрийа,
Оқ от бўлиб шамолдек
Олтин кулоқ ва олтин
Тизгину олтин сувлук.

27. Унга қарши қора дев
Кирчанги от мисоли.
Апаоша борар шошиб,
Туллаб тушган жунлари,
Кулокларидир чинок,
Қўркинчли, ёллари йўк,
Ортида думи ҳам йўк.

28. Яна улар беллашди,
О, Спитама Зардушт—
Порлок Тиштрийа билан

Кирчанги Апаоша.
Иккалови олишиди
Куёш тикка келгунча.
Шунда Тиштрийа ғолиб
Кела бошлади бирдан
Порлок зот устун келиб,
Апаоша бўлди мағлуб.

29. Ворукаша бўйидан —
Уни Тиштрийа ҳайдаб,
Солди йўлин узокка
Бир хатра нарирокка.
Ўзига эса омад
Ёрлигин этди изҳор
Порлок гўзал Тиштрийа:
Бахт менга ёр, Ахура,
Ўсимлик ва сув қутлуғ!
— Эзгу шарофат (қутлуғ).
Беҳдин сийлови улуғ!
Ариқ, анҳор, ёблардан
Сувлар эркин оқсинлар.
Дони мўл далаларга,
Дони сийрак ўтлокка.
Оқсин маъмур тошқин сув
Ҳақ яратган борлиққа».

30. Мана у яқин келди
Спитама Заратуштрага.
Порлок ва дов Тиштрийа
Оқ от бўлиб, ел каби
Учиб етди Ворукаша
Денгизининг лабига.
Оқ отки, олтин кулоқ
Оғзида олтин сувлиқ.

31. Денгизни жунбушлатар,
Тўлқинланар барча сув.
Тўлдирап ва тоширап,
Қирғоклардан оширап.
Бундан Ворукашанинг
Четлари жунбушдадир
Ўртаси кўкка сапчир.

32. Порлок, кўркам Тиштрийа,
О, Спитама Заратуштра,

Ворукаша денгизидан
Само тоқига чиқар.
Үша ердан унга эш
Сатаваеса пайдо
Ворукаша устида.
Ворукаша ўртасида
Турган төр Усхиндининг
Устидан кўкка ўрлар
(Пага-пага) булутлар.

33. Намликларни сипқарган
Булутларни олд шамол¹
Аста елиб хайдайди.
Булут йўли нурафшон
Хаоманинг йўлидир.
Бу йўлдир Ахуранинг
Эзгу дунёсин йўли.
Сўнгра ўша томондан²
Мазда берган кудратли

Вайу³ ёмғир, қор ва дўл
Йўллайди маконларга:
Кишлокларга (ва яна)
Етти иклим элларга.

34. Апам-Напат,
О Спитамай Заратуштра
Бу сувларнинг барини
Дунёнинг барча қишлоқ
Маконларига лойик
Микдорларда тарайди.
Кудратли Вайу ҳамда
Сув остидаги Хварно
Ва имонли фравашилар
Кўмакдошлик айлади».

Шукригадир намозим
Баралладир овозим...

VII

35. Ярқироқ Тиштрийага
Йўллаймиз намозимиз
Порлок тонг ёғдуси-ла
Узоқ давра йўл солиб
Учиб ўтар ул гўзал
Худо берган маконга
(Ўтар мухлат-муддати)

Ёзилган тақдир-азал
Ахура Мазда рози,
Амэшаспандлар³ хурсанд
Бўлсин дея осмонда
(Пайдо бўлар у баланд).

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

VIII

36. Порлок юлдуз Тиштрийага
Намозимиз йўллаймиз.
Йил яхши келарми, ё
Ёмон келарми дея,

«Эранлар юрти ризқли,
Серҳосил бўлар дея»,
Факиру фукаролар,⁴
Элнинг билгаbekлари

¹ Жанубини «Авесто» олд томон деб атайди. Олд шамол жанубий шамол демақдир. У булутларни Ворукаша денгизи ўртасидаги төр устига йириб, шимол томон хайдайди.

² Вайу-Ахура Мазда яратган шамол ҳаёт учун зарур ёмғир, қорларни жўнатади.

³ Амэшаспандлар — Ахура Мазданинг маҳсус вазифаларга эса олти малоики: Вохумана, Арта Вахишта, Спэтаармайти, Хшатра Варя, Хаурат, Амэрэтот (изохларни қаранг).

⁴ «Авесто» шу ўринда жамиятни, қолаверса тирик жонларни оддий фонийларга (ўладиганларга) ва ўлмасларга ажратади. Жумладан, юртнинг

Тоғларда изғиб юрган
Барча жонзоту ҳайвон,
Ҳамда құлда бокилган
Яйловлардаги чорва,
Боқиб Сомон йўлига
Кутарлар умид билан
(Тишрийанинг чиқишин).¹

Шукригадир намозим
Баралладир овозим.

37. Порлоқ юлдуз Тишрийага
Йўллайлик намозимиз.
Эранлардан энг эпчил
Эрехш деган бир мерган
Отган осмоний ўқи,
Ариахшута тоғида
Хванират тоф қадар
(Бир зумда етган каби)
Ворукашага томон

Учар Тишрийа чаққон.

38. Шу пайт уни Ахура-мазд
(Ва ўлмас малаклари)
Учирганди ул томон.
Яйловлари кенг Митра
Самога унга шу он
Йўл солиб берган эди.
Баланд бўйли, валий зот
Илоҳий Арта — ҳақиқат,
Унга ёндош ва ҳамроҳ
Бўлиб Бойлик боради
Тезюрас аравада.
Шундай қилиб, Тишрийа
Эреш ўқи Хваниратга
Бориб тушмасдан аввал
Ворукашага етар.

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим.

X

39. Бахтли, Порлоқ Тишрийа
Юлдузга намозимиз.
Сувлар уруғин қароги
Бўлган юлдузлар йўлин
Тўсиб тўхтатмоқ учун
Анхрамайну юборган
Алвастию жинларни
Бартараф этгувчига —
(Бахтли порлоқ Тишрийа
Юлдузга намозимиз).

(Алвастию жинларнинг)
Барин енгиб қувлади
Ворукаша ёнидан.
Сўнгра денгиз устидан
Ҳосил, тўклиқ ёғдириб,
Кучли кенг оқим каби
Етти каршварга томон²
Неъмат ёмғири оқар.

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

40. Тишрийа уларнинг —

одамлари — оддий фукаролар умрини яшаб бўлгач, ўлувчилардир. Уларнинг рухлари йўқ, факат жисмлари бор. Жисм эса ўз аслига қайтади. Шунинг учун ҳар бир тирик жон рух поклиги учун курашиб, уч рукнга — эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал қоидасига мувоғик яшамоги лозим.

¹ Тишрийа порлок «туғилса» йил баракали, файзли серҳосил келади, дея хурсанд бўлишган. Бу юлдузнинг чиқиши муддатларини аниқ белгилаш учун унинг йўналишга тўғрилаб белгилар кўйилган, ҳатто йирик иморат-иншоатлар қурилган. Масалан, Хоразмда Кўйқирилган қаланинг доира ичидаги томонлари Шимол-Жануб-Шарқ-Фарб чизикларда кесишишувчи тархи осмон жисмларининг ҳаракатини кузатишига мўлжаллаб тузиленган эмасми, деган фикрлар бор.

² Каршвар — кишвар, иқлим сўзининг варианти.

XI

- 41.** Порлок кут Тиштрийага —
Юлдузга топинайлик...
Оқар сувлар мунтазир,
Түрғун сувлар күз тутган,
Дарё сувлар орзиқиб,
Булок сувлар пойлаган,
Ёмғир сувлари ҳамда
Эрувгарлик йўқлаган
(Тиштрийага намоз
Йўллайлик астойдил)

- 42.** Тиштрийа биз томон

Балқиб чиқаркин қачон?
Оқар сувлар макони —
Айғир каби қудратли
Оқимин йўллар қачон?
Юрту манзиллар томон,
Ўтлоқ яйловлар оша
Ўсимликларни кўм-кўк
Яшнатар экан қачон?

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

XII

- 43.** Порлок юлдуз Тиштрийага —
Кутлукқа намозимиз.
Бор ёмонликни ювар,
Сув бўлиб оқиб барча
Жонзотни тўйинтирад.

Қудратли Тиштрийа
Агар эъзозда бўлса
Алков, намозда бўлса.

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

XIII

- 44.** Гўёки Заратуштрани
Одамларга бош бўл, деб
Тайин этгани каби,
Юлдузларнинг барига
Ахура бошлиқ қилган
Порлок, баҳтли Тиштрийага —
Юлдузга намозимиз.
Унга Ангхрамайний.
Зарар келтиролмайди.
Уни на афсунгару
На жодугар, на девлар
Асло ўлдиролмайди.

Шукригадир намозим,
Баралладир намозим...

- 45.** Порлок, баҳтли Тиштрийа
Юлдузга намозимиз.
Юлдузлар ичра кучли

Тиштрийага Ахура
Минг ишнинг эвин берган,
Сувларнинг уругини
Саклагувчи айлаган —
Ўтган йўли нурафшон.

- 46.** Қудратли ва чиройли.
Тубсиз, чексиз, кироқсиз
Ворукаша денгизин
Барча кўлтиқларини,
Барча тагоб оқимлар,
Барча тўлқинларини,
Баҳодир Тиштрийа
Оқ тулпор, олтин кулок,
Олтин тизгин ва сувлук
(Таққан гўзал от мисол)
Айланди бир зумдаёқ.

- 47.** Шу он Ворукашадан,
СПитама Заратуштра,

Пок сувлар чиқар оқиб—
Дардга эм тиник сувлар.
Баҳодир Тиштрийа қайда.
Лойик бўлса намозга,
(Лойик бўлса эъзозга)
Қайда у бўлса мамнун,
Шу юртларга сувларни
Этар мўл-кўл ва равон.

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

48. Порлок, баҳтли Тиштрийа
Юлдузга намозимиз.

49. Порлок, баҳтли Тиштрийа
Юлдузига топинчим...
Мехрибону бетиним
Кўли гул, ўзлук зотга
Омад келтиргувчига,
Унга топинганларга
Баракот бергувчига —
(Тиштрийага намозим).
«Спитама Заратуштра,
Порлок ўша юлдузни
Мен яратдим, мен —

Мазда.

Қанчалик менинг ўзим»
Намозу алқовларга,
Нечоғлик шарафларга
Лойикман мен Ахура—
У ҳам шунга лойикдир.

51. Мен уни деву жинлар,
Алвастилар раддига,
Адув йўқолсин дея.
Шум ният суюнчилиги
Курғоқ, қаҳат йўқ бўлсин,
Дея яратган эдим.

52. Ёвуз Ахриманзода,
О, Спитама Заратуштра

Спента майнйу — Му-
қаддас рух
Яратган барча хилқат—
Ер остида, ер устида,
Сув юзида, сув остида,
Қанотли ва оёкли —
Бор хилқат кўз тутган
(Тиштрийага намоз).
Шукрики, бу чексиз борлиқ
Поёнсиз дунё ичра
Имонлилар шоиста
Этарлар Тиштрийани.

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

XVI

53. Бу порлок Тиштрийани
Яратмасам шод эди.

Лекин мен уни пайдо
Килдим, ўзимдек этиб.
Намозу алқовларга,
Нечоғлик шараф-шонга
Лойикман мен Ахура—
Шунга сазовор этиб.

54. Мен уни деву жинлар,
Алвастилар даф бўлсин,
Ёвлик фикри йўқ бўлсин,
Дея халақ қилганман,
Курғоқ йил, қаҳатчилик
Ёвузларнинг суюнчи
Йўқ бўлсин абад дея,
(Мен уни яратганман).

54. Мен уни яратмасам,
Кундузи тун баробар
Хосилсизлик девлари
Бу борлиқ дунё ичра
Бемалол, эмин-эркин
Барчани кийратарди
(Мен уни яратмасам).

- 55.** Ана порлоқ Тиштрийа
Алвастиларни тутиб
Кўш тушов, кўша ғулга
Оёкларин боғлайди.
Танларини чандирлаб,
Ечолмас киб ташлайди.
Гёй битта душманни
Минг пахлавон тутгандек.
- 56.** Агарчи, О, Заратуштра,
Порлоқ Тиштрийа ҳакда
Эран юртларнинг бари
Барча намоз, алқовга
Шарафларга лойик деб,
Ҳақ йўлида ўйласа,
Шунда эран юртларга
Душман кўшин тортмасди,
Босиб ғорат этмасди.
Ёвнинг жанг араваси
Ва туғи тик бўлмасди!
- 57.** Спитама Заратуштра
Ахура Маздадан сўраб
Деди: «Эй, Ахура Мазда,
Порлоқ Тиштрийага
Қандай намоз лойикдир?
Унга қандай эҳсонлар
Килмоқлигимиз даркор?
Ҳақ йўлида ул учун
Лойик қандай юқунчлар?»
- 58.** Ахура Мазда деди:
«Эранларнинг юртлари
Унга эҳсон этсинлар.
Йўлига барсман ёйиб,
Уни эъзоз этсинлар,
Кўйу улок сўйсишлар
Эранларнинг юртлари.
Хохи оқ, хохи кора,
Лекин ола бўлмасин!»
59. Хайру эҳсон килмасин,
- Аблаҳ ва фохиш инсон,
Қотил, кофир, беимон,
Гоҳларни куйламасжон.
Ахура ва Заратуштра
Динига бўлса душман,
(Хайру эҳсон килмасин).
- 60.** Ёвуз ва бузук аёл
Агар келтирса эҳсон,
Диндор бўла турсаю,
Лекин қотил бўлса ким
Ва куйламаса «Гоҳ»ни,
Ахура ва Заратуштра,
Динига бўлса душман,
Тиштрия ожиз қолар —
Қайтаролмас балони.
- 61.** Шунда эран юртларни
Душман лашкари босар.
Бостириб келар улар
Душманинг аскарлари.
Эллик зарб билан юзта
Эранни ўлдираплар,
Юз зарбада мингининг
Ҳаётин сўндираплар,
Минг зарбада минг туман
Минг саноқсиз, беадад
Эранлар қирғин бўлар».
- Шукригадир намозим,
Баралладир овозим
Эҳсон хайр киларман,
Тиштрийага юқунчим—
Порлоқ ва кудратлига
(Намозимиз йўллаймиз)
Сут кўшиб шопирилган
Хаома-ю қўлда борсман
Билан, Нозик лутф ҳамда
Ширин сухан-нутқ билан.
- 62.** «Энг эзгу илоҳ каби»

¹ Ола кўй, эчки, молни курбонлик килиш маъқул хисобланмаган. Ўзбекларда кора кўчкор суйиб эҳсон килиш одати шундан. Курбонлик учун уроҷи ҳайрон сўйиш ҳам расм бўлмаган.

Дея намозу, мақтов сўзларим порлок, бобарокот Тишиага. Унга Ахурадан куч-кудрат ато бўлсин. Худди сувларни тўлдиргувчи, борокатли Сатаваэсага, Мазда яратғанга ҳам намозимиз бахшида. «Ҳакиқат — Мазда яратғанга ҳам намозимиз бахшида. «Ҳакиқат — Мазда яратғанга ҳам намозимиз бахшида. «Ҳакиқат —
Олий неъмат».

Эзгу уй, эзгу сўз ва
Эзгу иш-амал билан
Чин ҳакиқатни ёқлаб

«Ахура Мазда Лойик,
Деб айтган ўшал зотга
Бахшида намозимиз».

ФРАВАРДИН АЛҚОВИ

(Фравардин Яшт)

Бу алқов «Авесто» Яштларининг ўн учинчиси. Агар «Хорх»лар ҳамда «Етти-боб Ясна» матнлари тил хусуси яштларига кўра «Авесто»нинг энг қадимий қатлами ҳисобланса, «Фравардин Яшт» мазмуни ва асотирий асосла-
рига кўра энг қадимий матн деб қаралади.

Фравардин алқови ўлган ота-боболар руҳига сифи-
ниш анъаналаридан ўсиб чиққан. Ибтидоий тасаввур-
ни жадидлаштиришни ўлганлар у дунёда яшаща давом этади, уларнинг
руҳлари эса гўё ўз авлодлари ва қавмларига ёрдам бе-
ниб туради, деб тушунилган. Руҳлар эса *фраваши* де-
нилган. Яна бир қизик ери борки, *фравашилар* одам-
ларигина эмас, инсонни ўраган барча табиат ҳодисала-
рига, жумладан, тоғлар, дарёлар, кўллар, ўрмонлар ва
бошкalarга ҳам тегишли бўладилар, деб ишонилган.

Зардушт «ислоҳоти» бошламасига фравашиларга эъти-
йод одатини рад этган. Лекин Ахура Мазданинг «яго-
ни»лиги, холиқ сифатида мутлақ яккалиги тушунчаси
арғиб қилинган вақтда фравашилар ҳакидаги тасаввур-
ни жадидлаштиришни ўлганлар бутунлай бартараф этилмай қола-
дерди. Чунки инсоният қадим замонларданоқ ўз муҳити
жадайдир руҳлар билан тўла, деб тасаввур қилишга
юрганган эди. Бунга кўра фравашилар инсонни, жамият-
ни, табиатни, уйни, қишлоқни, элни, юртни, мамлакат-
ни асрорчи нажоткор эзгу куч, деб тушунилган.

ФРАВАРДИН ЯШТ

(Имонли, мўмин бандаларнинг руҳлари — фравашилар шаънига айтилган алқов)

1. Ахура Мазда деди
Спитама Зардустга:
«Фравашилардан¹ келар».
Кучу кудрат ҳақида,
Кўмак, ёрдам бобида,
Уларнинг зўрлигио
Енгишлиги ҳақида
Сенга сўзлаб берайин.
Қай тарз улар мен томон
Кўмакка шошар чакқон,
Улар қай тарз қўллайди,
Мўмин фравашиси
Менга ёрдам йўллайди.
2. Уларнинг чўнглиги ва
Хварно ёрдамида
Мен самони тепада
Нурафшон, порлок қилиб,
Адл тутиб тураман.
Кўк гумбази мен учун
Тухум мисол Заминни
Ўраб туар ҳар ёндан².
Бул заминни мустаҳкам
Тутиб туар Улуғ Рух.
3. Ерни ўраган само,
Юлдуз қадаб безалган—
Азалда Руҳдан пайдо
Либосдир Мазда кийган.
Бу кийимнинг этагин
Тутиб боради Митра.
Рашну ҳам бор бир томон,
Испандармат бир томон.
Этагининг четларин
Кўрмас кимса ҳеч қачон.³
(Фравашилар лик-лик).
4. Осмон, юлдузлар ва Фарн
Ёрдамида, о Зардуст,
Кўмақдошман Ардви-Сур,
Кенг ёйилиб, шифобахш,
Солиб девларга қирон
Ахурага имонда.

¹ Борлик мухит ўтган имонлиларнинг руҳи билан тўла, деб тушунилган. Уларни фравашилар дейилган. Фравашилар одамларга эзгу ишларда ёрдам бериб туради, улар доимо ўтгандарнинг авлодларини химоя қилади, деб ҳисобланган. Халқимизда ўтган аждодлар руҳи (арвоҳларига) нисбатан алоҳида хурмат ва эҳтиётли ҳамда умидли қараш анъанаси шу билан боғлик: «Арвоҳлар ёр, пирлар мадодкор бўлсин».

² «Авесто» Ер куррасини юмалоқ (тухумсимон) деб тасвирлайди. Кўп асрлар кейин тушунилган ҳақиқатнинг асл илдизини дунёда биринчи бўлиб қадимиј аждодларимиз айтиб кетишган.

³ Бу ўринда «Авесто» Ер юзасини етти иқлим (каршварз)га бўлиб тушунган давридан қадимијроқ тасаввур акс этган. Афтидан, Ерни уч қисмга ажратиши совуқ ва коронгулик — шимол, Ахура Мазда яратган ер жаннат замин Арданам Ваежу ҳамда, «Авесто дунёси»дан жанубдаги ер бор деб тушунишдан келиб чиқкан. Агар шундай тахмин тўғри бўлса, ўз-ўзидан Турондан жанубдаги ўлкаларга Зардуст дини кейинроқ кириб борган, дейишга асос бўла олади.

⁴ Осмоннинг чети йўқ деб тасаввур қилиш Ернинг юмалоқлиги ту-шунчасини тўлдириб туради.

(Мустаҳкам Ардви Сурага) —

Борлик таъзимларига
Лойик (гўзал дарёга)
Ва унинг эт-суюги
(Бордек ҳайкал шаклига),
Намозу эҳсонларга
Лойик Ардви Сурага
Ёрдамга доим шайман⁵.
Имон уруғи-донни,
Уйда жонивор, ҳайвонни,
Имонлилар ҳаётин,
Бойлик, молу бисотин,
Маъмурлик мамлакатин
Баракатли этгувчи
Ардви Сура Анахитага⁶.

5. Ардви барча эрларнинг
Томчи сувин поклайди,⁷
Барча аёл зотининг
Бачадонин софлайди,
Аёллар туғругини
Айлайди эсон-омон.
Кўкрагини вақтида
Тўлдиради сут билан.

6. Дунёларга донг солган
Кенглик ичра тенгизига,
Дунёнинг бори суви
Бир бўлса тенг келолмас
Қудратли бу оқимки,
Хукарйа чўққисидан
Ворукашага томон
(Орзиқиб шошиб келар).

7. Ворукаша денгизин
Қирғоқлари тебранар.
Үртасида тўлқинлар
Осмонларга интилар.
Ардви қўйилган чоғи,
Ардви етишган чоғи,
Аноҳид⁸ келган чоғи.
Унда минглаб кўрфаз бор,
Минг-минг қатор қўлтиклар,
Минглаб қўша ирмоқлар
Унинг ҳар бир тармоғин,
Унинг ҳар бир ирмоғин
Бўйлаш учун аргумок,
Минглаб суворий қирқ кун
Йўл юрса-да ўтолмас,
Йўл юрса-да етолмас.⁹

8. Унинг битта тармоғи
Етти кишвар ошади.
Қишин-ёзин тинмайди,
Оқиб тиним билмайди.
Эркакларнинг эр уруғин,
Аёллар бачадонин
Баракотли айлайди,
Кўксига сут чорлайди¹⁰.

9. Мен улар кўмагида
Тутиб турибман, Зардушт.
Ахуранинг кенг Ерин,
Улкан бепоён ерин,
Сонсиз эзгуликлар-ла
Тўла ушбу заминни,
Бор тирик ва бори жонсиз
Танларни ортиб олган,
Тоғларни, яйловларни,

⁵ Бу лавҳада Ардви Суранинг маъбуда киёфасида ҳайкал килиб ясад, унга сиғинилган давр қолдиги акс этган, деб ўйлаймиз.

⁶ Анахита «покиза» маъносига эга сифат бўлиб Ардви Сура исми билан қўшиб кўлланади.

⁷ Эрлик уруғи.

⁸ Аноҳид — Анахита. Ардви Сура маъбуданинг «покиза, илохий софлик» маъносидаги лакаби.

⁹ Бу манзара Амударёнинг Оролга қўйилишига мос келади.

¹⁰ Бу лавҳа Ардви Сура алқовининг 2—5-бандлари билан ўхшаш.

Серсув (кўл) дарёларни
Сигдирган шу заминни
(Махкам тутиб турибман).
Тирик, ўлик ... барини,
Сўнгаги борнинг барин,
Кўкўпар бийик тоғларин,
Намхуш, кўк ўтловларин
Кўлда тутиб турибман.

10. Кема эркин сузарлик
Дарё ундан оқадир.
Ерки, бу турли-туман
Ўсимликлар ўсарлик.
У паноҳ бори ҳайвон,
Ва одамлар — барига
Ҳамда эран юртларни
У қиладир ҳимоят,
Беш турли жонзотларга¹¹.
Ва мўмин эркакларға
(У эрур паноҳ, нажот).

11. Фравашилар шавкати
Ва Хварно кўмаги
Бирла, о Заратуштра,
Эсон омон сақларман
Оналар пуштидаги
Гумонасин ҳар доим.
Сўнгра бир томчӣ сувга
Сўнгак, соҷ, эт берарман.
Ичин бутун этарман,
Оёқ-кўл, тирноқ ила
(Инсон шаклин берарман).
Мўмин, имонлиларнинг
Кучли фравашилари

Ёрдам бермаса эрди
Менда пода бўлмасди.
Энг асл мол, энг яхши
Одамларим бўлмасди.
Дуруджга¹² куч, ҳоқонлик,
Ҳамда барча жонворлар
Устидан ҳукмронлик
Насиб бўлган бўларди.

13. Осмону ер ўртасида
Ёлғон руҳи жойлашиб,
Осмону ер ўртасида
Ёлғон бўларди ғолиб.
Мағлуб Муқаддас Рӯҳга
Сўнг Ёвуз рух йўл бермас.

14. Фраваши ва Хварно
Ёрдамида Ер узра
Булок ва манбалардан
Тинмай сувлар шарқирап.
Фравашилар сабаб
Ерда ўсар ўт ўлан
Қонар соғ булоклардан
Фравашилар ва Хварно
Шуҳрату шавкатидан
Мадад олиб шамоллар
Туганмас булоклардан
Осмонга булат ҳайдар.

15. Фравашилар ва Хварно
Шарофати туфайли
Аёл бўйида бўлиб,
Уларнинг ёрдамида
Вақти, ой-куни тўлиб,
Осон кўзи ёрийди.

¹¹ «Авесто»да жонзотлар 5 тоифага бўлинади: сувда яшовчилар, ер остида яшовчилар, осмонда яшовчилар, ер устида яшовчилар ва, нихоят, уй ҳайвонлари. Уй ҳайвонлари бу ўринда Гав деб умумлаштирилган.

¹² Дурудж энг улуғ гуноҳ — «Ёлғон»нинг Авестодаги номи Драуга-нинг бир бир шакли. Ҳозир бу сўз тохик-форс тилларида «дуруг» каби тур-дosh маънога эга. Лекин Зардуштийлар Дуруджни «қабиж дев» тимсоли деб билишган ва Ахриман яратган ёвузликлар каторида шахслаштириб тасаввур этишган. Дурудж на факат ахлоқий, балки фалсафий ижтимоий тушунча. Ёлғон Ахура яратган эзгу Ҳақиқат Артанинг антиподидир.

Уларнинг ёрлиги-ла
Кувнар ўриллик бўлиб.

16. Фравишилар ва Хварно
Улуғворлиги сабаб,
Эр сўзамол туғилар.
Мажлисларда нутқи-ла
Ақлга мухтожларга
Сўзин уқтирап осон.
Ҳатто бедин Гаотэмани
Бахсада енгар беомон.
Фраваши ва Хварно
Улуғворлиги сабаб
Куёш адашмас йўлдан.
Улар улуғворлиги
Ойнинг йўлин белгилар.
Улар туфайли кўкда
Юлдузлар ўз йўлида.

17. Беомон жангда улар
Ёрдамга етиб келар.
Бу кудратга сазовор
Имонлилар руҳлари,
Фраваши руҳлари
Ичра, эй содик Зардушт,
Энг кучли, энг кодири
Динга илк бор ўргатган
Имонлилар руҳидир.
Сўнгра ҳали дунёга
Келмаган Саошайантлар.

18. Тиригига имонли
Фравишиларни кимки
Хурмат билан сийласа,
У дунёда бу одам
Биҳишт юртнин эгаси
Бўлур. Ўзга одамлар
Руҳларидан ғолиброк
Хукмрону қодиррок;
Яйловлари бепоён

Митрани ким ардоқлар,
Дунёга балофат, куч
Бергувчи Арштатни ҳам
Эъзоз этар ва ёклар,
(У дунёда бу одам
Биҳишт эгаси бўлар).

19. Эй, Спитама, мен сенга
Хварнонинг ёрдами,
Кучу кудрат нишони
Чиндан тегсин дегайман!
Бу кудрат фраваши —
Имонли зотлардандир.
Улар менга кўмакка
Ёрдамга шошилгандек
Сенга ҳам етишгайлар —
Имонлилар фраваши».

20. Ахура Мазда деди
Спитама Заратуштра:
«Агар фоний дунёда
Сенинг йўлинг устида
Дуч келса мол ўғриси,
Эй Спитама Зардушт!
У билан беллашмоққа
Юрагинг дов бермаса,
Қўркинч тутса қалбингни,
Шунда айт бу сўзларни,
Бу ғолиб сўзларни айт,
Эй суюклим Заратуштра!

21. «Имонлиларнинг эзгу
Кучли фравишилари,
Сизларни шарафлайман,
Мақтайман ширин тилла!
Нманайа фравашиси,
Висайа фравишилари,
Зантума фравашиси,
Дахайу фравишилари,
Заратуштротэма! —

¹ Иманай «уй», висайа «кишлок», зантума «туман», даҳайи «юрт, мамлакат», заратуштротэма диндорларнинг улури.

Хулласки, барча имон-
Эътиқодли одамлар —
Дунёдан кетганлар ҳам
Дунёда яшаётган,
Ва келажак авлодлар
Фравашиларини¹
Барча эллар фраваши,
Энг чукур фраваши,
Учкурлардан-да тезроқ
Фравашиларга мен

Истагини бергувчи,
Дардлига шифо ато
Килгувчилар ҳам улар —
Имонли фравишилар.
Ким уларга ёлворса,
Ким эхсон қылса агар,
Курбонликлар келтирса,
Хайру эхсонлар берса,
Унга хуш Хварнони
Этарлар рано албат.

Қиласман илтижолар.

22. Кўкни тутиб турганга
сувларга куч бағишилаб,
Подани ўстирганга.
Онанинг пуштидаги
Ўғилни асрорчига.
Коронгуда ўлимдан,
Бемахал тушмоқлиқдан,
Бильякс, ўшал зувротга
Тирноғу, соч ҳамда эт
Бериб, одам қилгувчи
Фравашилар шаънин
(Эъзози учун менга
Ажру савоблар берсин!)
23. Имонлилар фраваши —
Мўл-кўллик келтирувчи.
Эпкин-ла пайдо бўлиб,
Викор-ла интилгувчи.
Дадил отилиб олға,
Ёлворганга ёрдамга.
Ёғий-ла қонли жангда
Мадад деб ёлворганга
Кўмакка шошилгувчи.
24. Сўраганга астойдил
Фолиблик келтиргувчи,
Яхши ният қилганга

25. Имонлилар фравашиси
Солиҳ маздапарастлар
Турган томон қаарлар.
Энг собит имонлилар,
Энг мўл эхсон келтирган
(Ерга томон боқарлар).
Имонлининг кўнгли тўқ —
Унгадир ёвллик йўқ ер,
У фравашиназардир!»
26. Кучли, эзгу, мукаддас
Фравашиларга олқиши
Кучли етакчиларга,
Илфор, эпчилга намоз.
Ёвдан чекинмас, қатъий,
Лойику сазоворга,
Енгилмас хужумкорга
Ё душман ҳамласидан
Ўзин химоя килиб,
Чап бериб қолганларга,
Жанг-жадал палласида
Кўкраги қалқонларга.
27. Эзгу ва меҳрибонлар
Сари намоз йўллаймиз.
Имонли фравашилар
Томон барсмандастани
Чўзиб, чин ихлос билан
Ёвуз дунё унсурин

¹ Фравашилар ўтганларга, яшаётганларга ва түғиляжакларга бир хилда тегишли. Чунки улар Ахура Мазда томонидан ҳали дунё яралмасдан олдин яратилган.

Йўқ қилмоқ нияти-ла
Астойдил ибодатда,
Эътиқоду тоатда
Ботир эр жангга кирса,
(Қўллагувчи фравашилар).

28. Фравашилар томон
Мазда ҳам ҳатто шул он
Ихлосин этар баён.
Зеро, Спэнта-Майнйу
Уларнинг ёрдамида
Еру осмон-фалакда
Борликни ўз тартиби—
Адлида тутиб турар.
Ерда барча жонворни,
Ўсимлик ва ҳайвонни
Она қорнида ўғил,
Фарзанд-зуврот гумонни
Сақлар соғу омонда.
Сўнгра мен—Ахура Мазда
Бу савоб иш ажрига
Парча этга сўнгак ва
Соч-тук ато этарман.
Ич-эт, тирноқ ва оёқ,
Кўл, кўзу қошу қулоқ.

29. Спэнта Майнйу фрава-
шиси

Кудратли ва сир сақлар,
Тикилиб бокувчидир.
Кўзи тешиб ўткувчи,
Шип этганни эшиштар
Сезигир қулоқ ва хушёр.
Бўйчан, кўркам фраваши
Савлат-ла олга йўрттар.
От мисол қаттиқ кишинар.
Бойлиги мўл фраваши
Осмонни тутиб турар.

30. Имонлилар фравашига,
Кучли ва муқаддасга
Илтижо, намозимиз!
Уруғ учун яхши дўст,
Файзли турар жой яхши

Бошпаналар сохиби,
Ҳеч кимни ранжитмаса,
Мехрибон ҳамда сирли,
Узоқдан порлагувчи,
Ҳам даво етказгувчи,
Жангларда ғолиб, донгдор.
Ўзи биринчи бўлиб,
Ранж еткизмасга намоз.

31. Кучли ҳамда мўътабар
Имонлилар фравашиси
Томон йўллаймиз намоз!
(Ёвузлик билан жангда)

Марди майдон тап тортмас.
Ёвузлик-ла ёвлашган
Пайтда енгиб чиқувчи
Кучда тенгсиз, кудратли
Жангда доим ғолибга.
Ёвларининг беомон
Кўлларини синдирап

32. Кучли ҳамда муқаддас
Содик, довюрак ва чўнг,
Имонли фравашилар
Таъқиб билмас, солихлар,
Эзгу ҳамда ҳозиклар
Ҳозик Ашига ҳамроҳ.
Замин каби чеки йўқ,
Дарё каби бепаён
(Фравашига намоз).

33. Эзгу, кучли, мўътабар
Имонли фравашилар
Энг қудратли, довюрак
Ҳам жанговар, енгувчи
Ёвузларни оёқдан
Қалқитиб йиқитгувчи,
Золимларга золимроқ—
Ўз билгича уларни
Уриб мажаклагувчи
(Фравашиларга мудом
Бўлсин эъзоз-юқунчим)!

34. Барча юртлар устидан
Ахура ато этган

Фолиблик хабарини
Сиз, яхшилар бердингиз.
Энг кучли енгишликнинг
(Дарагин сиз бердингиз).
Сиз, яххисиз, безарар,
Қаноатли, юмшоқ дил,
Зулм қилмас, соф кўнгил.
Лойиксиз эҳсонларга,
(Намозимиз сизгадир).

35. Сизлар, эй фравашилар,
Ахурадан ато ул
Голиблик хабарини
Хуш онда етказдингиз.
Ўзга юртлар устидан
(Ҳақ диннинг голиблигин)
Кудрати ва кучининг
Хабарини бердингиз!
Хуш хабар бўлди бизга,
Безарар бўлди бизга
Биздан шоддир голиблик,
Зўрлик билмас голиблик—
Яъни ҳақ голиблиги.
Сиз эҳсонга лойиксиз
Намозларга сазовор —
Кўнглингиз истаганча!

35. Саховатли ва кучли
Валий фравишиларга
Багишлайлик биз намоз.
Уларга бўлсин эъзоз,
Жангларда голиб жонбоз
Ўта кучли музaffer,
Довюрак ва мустаҳкам
Ҳамда энг тўғри ва ҳақ.
Кувганда етгувчилар
Кувилганда ҳам кувган
Фравашиларга биз тан!
Улар кувганда ҳамдам,
Кувилганда мададкор!

36. Имонли эрлар томон
Юзин буриб бокарлар.
Ўзлари энг содикдир,

Келтирар эзгу эҳсон.
Имонли мўъминлар шод,
Чунки улар фравашилар
Туфайли кину адоватдан
Эрурлар мутлақ озод.

37. Имонлилар фравашини
Намозда эъзозлаймиз.
Улар кўшини сонсиз,
Курол-аслаҳаси мўл —
Баланд кўтарилиган тур —
Байроби яркираган.
Жангларда енгилмасдир.
Хштавай уругининг
Дануга жангга кетган
Жангчи ўғлонларидек.
38. Дану турларин маҳкам
Сафларини буздингиз.
Дану турларин ғазаб,
Душманлигин енгдингиз.
Кэршназо уругининг
Саховатли йигитларин
Фравашилари сиз, сиздир
Энг кучли фравашилар,
Хштавай уругининг
Эран қаҳрамонлари.
Сизлар гўё саоштантлар
Енггич фравашилари.
Ерда хилқат килинган
Имонлилар фравашиси.
Данудаги душманнинг
Ўи мингтасин кирдингиз.
39. Кучли, кудратли, валий
Фравашиларга эъзоз,
Намозимиз йўллаймиз.
Улар гўё саф тортган
Кучли қўшин мисоли.
Узок қанотлари-ла
Душманни яксон килиб,
Ўрта кисм кучи-ла
Душманни улоктириб,
Ортидан чақкон кувлаб,

Имонлиларга ёрдам —
Етказурсизлар мадад,
Хавф-хатардан авайлаб.

- 40.** Кучли ва эзгу фра-
вашиларга намоз!
Улар кучли ва қоим,
жангда ғолиб ва устун.
Қадди басты келишгап,
Қалби пок ва имонли.
Ёлворган мүъминларга
Ғолиблик етказгувчи,
Умидворларга нени
Тиласа бергувчилар.
Бетобга берар нажот
Дардидан халос этар.

- 41.** Фравашилар эзгу
Хварнони ихлос-ла
Имонда мустахкамга
Берурлар чин эъзоз-ла.
Борликнинг ул сарвари
Шарафли Заратуштра
Имону эътиқоди
Учун унга фравашилар
Хварнони бергандир.
У қандайки жангларга
Кирмасин, ёрдам берган.
Не гумондан чўчиса,
Ундан этган хотиржам.
(Будир фравашилар!)

- 42.** Фравашилардан сўраб
Ёлворарлар одамлар.
Улар Муқаддас Руҳдан
Хабар топиб, қўзғалиб,
Самолардан тушарлар
Бакувват одимлари,
Танлар гўзал, қоматдор,
Музafferдирлар улар.

Ахура бергай нажот,
Ғолибдирлар, устувор,
Улар нуроний сиймо.
Бойликлар ҳам улардан,
Фойда, неъмат улардан,
Аҳду имон улардан.
Улар ҳамма нарсада
Турарлар, мададга шай.
Намозга ва хурматга
Лойикдирлар пайдарпай.
Арта Вахиштага мос,
Эҳсонларга лойиклар.

- 43.** Улар Сатаваесани¹
Кўк ва ер орасига
Юборгувчи эрурлар.
Овозни эшиттиргич,
Ўсимликни ўстиргич,
Подаларни ва одам
Боласини асррагич,
Эранвежни ҳимоят
Этгувчилар улардир.
Беш тур ҳайвонни асрраб
Одамга бўйсундиргич—
Ўшал фравишлар!

- 44.** Осмону ер орасин
Сатаваеса эгаллаб...
Имонли мүъминларни
Ёвузлиқдан асрайди...

- 45.** Кучли, кудратли фра-
вашиларга қутлуг
Намозимиз йўллаймиз.
Улар бошда дубулға,
Қўлда маъдан қуроли,
Танасин ёлган маъдан
Зирх, совут ҳамда қалқон.
Жангда музaffer улар,
Устидаги кийими
Ярқироқ шойи, порлок,

¹ Сатаваеса — илохийлаштирилган юлдуз. Унда юз эркакнинг кудрати бор деб тушунилган. Имонли одамларни бало-қазолардан асрайди.

Үқ тұла — ёнда садок,
Минг девни ўлдиарлар.

46. Шамол күзғалған чогда
Одамлар күксига ҳаво
Етиши. Шунда инсон
Голиблик нафасини
Сезиб, бўлди хотиржам.
Эҳсонлар келтиришиб,
Кучли, қурдатли эзгу
Фравашилар шаънига.
Сўнг қўлда таранг турган
Ёйларини тутдилар.
47. Кимки биринчи бўлиб
Фравашиларга намоз
Баришласа, ўшанга
Улар шошар кўмакка.
Кучли, қурдатли улар,
Митра ва Рашну ҳамроҳ,
Ўртада Ахура Мазда —
Ўзи бўлиб мададкор
Фолиб Вайуни¹ йўллар.
48. Душманлар юрти вай-
рон —

Эллик зарбда юз зарба,
Юз зарбада минг зарба,
Туман зарбда юз туман,
Юз туманда саноқсиз —
Душманларга ёғилар.
Кучли ғолиб фравашига
Митра ва Рашну ҳамроҳ
Яратган Ахура Мазда —
Ҳаммасидан у огоҳ.
Ўзи бўлиб мададкор,
Фолиб Вайуни йўллар.

49. Кучли, ғолиб фравashi,

Имонлилар рухига
Намозимиз йўллайлик.
Улар ўз уйларига
Хамаспадмаэда²
Кунида келиб сўрар
Тирикларнинг ҳолини.
Ўзларига намозу
Эътиқод борлигини.
Ва шунда ўн кун колиб
Тириклардан хабардор
Бўлиб, кўнгил тинарлар³.

50. Шунда ўн кун туарлар
Ким бизни йўқлар, дея,
Ким бизни эъзоз этар
Ким қўлда эт ё кийим,
Аши номини эслаб,
Номи лойиқни эслаб,
Эҳсонга сазоворни
Эслаб, уни ёд этиб
Курбонликлар келтирар,
Ўша мўъмин мўл озик,
Неъматлар ичра абад
Яшайди бахтиёр, деб,
Ният-ла кузатишар.

51. Кимки уларга эҳсон
Худойилар келтирса,
Қўлда эт ва кийимлар,
Аши номин ёд этиб,
Шу ерда фравашилар
Хурсанд шодон кўнарлар
Беозор, бегараз, чўнг,
Курдатли фравашилар!

52. Улар шундай дуолар
Ўқиб ўлтирадилар:
«Бу уй пода ва одам
Барокатига тўлсин,

¹ Вайу — мададкор күш, ёкимли шабада. У голиблик келтиради.

² Хамаспадмаэда — Наврӯз арафасидаги ўн кун. У кунларда фравашилар тириклардан хабар олишга келишади.

³ Сув аввал осмон каби кўзғалмас бўлган, фравашилар дуосидан улар оқадиган бўлган деб тушунилган.

Бу уйга йўрға, чопқир
Отлар ҳам ато бўлсин.
Мустаҳкам аробалар
Насиб этсин бу уйга.
Нутқи гўзал, сўзамол
Одамлар бунда тўлсин.
Улар ризқу насваси
Кам бўлмасин умрбод.
Ашининг номи билан...»

53. Кучли, қудратли фраваши шаънига намозимиз.
Мазда берган сувларга Йўл равон этгувчилар,
Илгари оқмас бўлиб Турган сувларга оқим
Багишлаб юборгувчи.
54. Шундандир барча сувлар
Оқар бўлдилар бунда
Мазда берган ўзандан,
У кўрсатган йўллардан
Худо берган ерларга
Намлик бўлиб таралгай.
Ахура Мазда ҳаққи
Амэша Спандлар истаги.
55. Кучли, қудратли фра-
вишига намозимиз!
Мевали дарахту, кўк
Ўсимликларга кувват
Берib ўстиргувчилар.
Аввал ўсмайин қотиб
Бу ерда тургувчилар
Фравашилар сабаб
Ўсгувчи бўлгандирлар.

56. Улар энди авж олиб,
Ўсгувчи бўлгандирлар.
Мазданинг иродаси,
Худонинг қудратидан

Унинг ўзи ўз вақти
Соатида яратиб,
Яна ўсгувчи қилган.
Ахура Мазда ҳаққи,
Амэша Спандлар истаги,
Кучли, қудратли фра-
вишига намозимиз.
Юлдузу, куёшу, ой
Ибтидода нур йўлин
Кўрсатгувчи зотларга.
Само хилқатларининг
Ёлқинлари аввали
Бир ерда тургандилар
Узок кимир этмайин.
Чунки уларга девлар
Йўл бермай турган эди.

58. Энди эса нур, ёлқин,
Коинот бурчагидан
Бурчагига бир чақин
Мисоли бир зумда, тез
Етиб бормоққа қодир
Фравашлар сабаб.

59. Кучли, қудратли фра-
вишиларга намоз
элтайлик. Улар
Ворукаша денгизни
Бошқариб турадилар.
Фравашлар мухитда
Кўпдир сону санофи
Тўққиз марта тўқсону
Яна юзта тўққиз юз
Ва яна тўққиз мингта
Яна охири тўққиз.¹

60. Эзгу қудратли фра-
вишига намозимиз!
61. Улар осмонда Хафта-
иринга юлдузларин
тартибини қўриклар.²

¹ Яъни бир кам юз минг — 99999 ёки 999999.

² Юқоридаги 99999 рақами.

Фравашилар кўпдир
Уларнинг сон-саноғи
Тўқиз марта тўқсону
...

61.a. Эзгу қудратли фравашига намозимиз!
Чунки улар Киришасп,
Сом танасига қудрат
баришлаб турац.
У эса қўлда гурзи,
сочлари гажак-гажак
(Кудратли жангчи эрур)
Фравашилар сони
тўқиз марта тўқсону
...

62. Эзгу, кучли фраваши
шаънига намозимиз!
Улар Заратуштранинг
эрлик уруғин барор,
Куч-ла етилтиарлар
(Кансава кўли ичра).
Фравашилар кўпдир,
Уларнинг сон-саноғи
Тўқиз марта тўқсону...

63. Эзгу, кучли фраваши
шаънига намозимиз!
Юрт бошликлари бирла
Уларнинг ўнг ёғида
Жангта кираплар ғолиб.
Уларнинг сон-саноғи
...

64. Эзгу, кучли фраваши
шаънига намозимиз!
Энг улкан — бу ўшалар,
Энг кучли — бу ўшалар,
Энг тезкор — бу ўшалар,
Энг чаққон — бу ўшалар,

Энг қудратли — ўшалар!

64.a. Энг ғолиб — бу ўшалар,
Энг хозик — бу ўшалар,
Энг латиф — бу ўшалар,
(Эҳсонни қадрловчи,
Ажрин бергувчилар ҳам,
Дуогўй — бу ўшалар).

65. Эй, Спитама-Заратуштра
Ворукаша денгизидан
Сувлар оқиб чиққанда
Хварно, Маздадан ул
Ато бўлган нур, эъзоз,
Фравашилар шунда —
Сон-саноқсиз мўъминлар
Руҳи қалқиб туради.
Улар сони саноқсиз
Минглар ичра минг-
минглар
Бу мингларда ўн минглар.

66. Уларнинг ҳар биттаси
Ургу-ужути учун
Самодан сув излайди.
Ўз қишлоғи, тумани
Дахий-юрти қайғуси
Билан дуо айлайди;
«Юртим абад, илоҳо,
Қақрок, қашшоқ бўлма-
син».

67. Улар ўз юртларида
Жанг бўлса, бунда ҳозир
Ўз ватани — ўлани ҳамда
Ўлан тўшаги, одамларин
Кўллашиб, ботир жангчи
Мисоли, жанговар курол-
Яроқ тутиб гўё қўлга
Юрт фаровонлигини,
Борлиқ ва бойлигини,

¹ Ҳафтаириңга — Етти қароқчи, Катта айнқ юлдуз туркуми.

Уруг-аймоги билан
Бирга-бирга кўрик-
лар, жанг белбори-
ни боғлаб.

68. Голиб бўлгач, жангларда
Ўз юртига сув бошлар.
Уруг аймоги учун
Хаёт элтар, сув элтар.
Кишилоги, вилояти,
Юртни сувга маъмур
Этар, сўнгра дуода:
«Ўз юртим, ўлан юртим
Ўссин, унсин, яшнасин»,
Дея ниятлар қиласлар.

69. Юрт бошлиги — даҳийупат
Кудратли зот хавф ичра
Қолса агар, мабодо,

Душманлар ва шумният
Одамлар ўровида,
Шунда у кучли, ёвқур
Фравашилар томон
Ёлворсин сўраб мадад.

70. Шул заҳоти фраваши
Етиб келарлар мадад,
Кўмак бермоққа шошиб.
Улар, худоё, факат
Ранжиб қолмасинлар деб,
(Хайру эҳсонлар қилинг,
Йўқлаб туринг уларни)
Улар бўлсалар хурсанд,
Улар хафа қилмаслар
Кўнгилни оғритмаслар
Кучли қанот күш каби
Ёрдамга учиб келиб
Сизни ёлғизлатмаслар.

14. ВАРАХРАН АЛҚОВИ

(Бахран Яшт)¹

Кувонсин Ахура Мазда,
«Энг муносиб
Зотнинг хоҳишу иродага-
си билан

Ҳақиқат қарор топиб»
Ахриман —
Анхрамайнйу даф
Бўлсин...²

I

1. Топинчлар Варахранга
Ахура Мазда яратганга.
Спитамай Зардушт-
Ахура Маздан сўради:

«Борлик дунё халлоқи,
Муқаддас рух, айт менга,
Самодаги маъбудлар
Ичра ким жанговарроқ?»

¹ Бу Яшт «Денкард» китобида сакланган Яштлар номларининг рўйхатида 14-ўрнида қайд этилган.

² Бу сўзлар алков ижросига кириш дуолари бўлиб, исломдаги салот олдидан ният сўзларини эслатади. Бу дуолар ҳамма Яштларда шаклан ва мазмунан бир хил. Лекин муайян алков қайси маъбуд шаънига айтилаётган бўлса, мурожаат сўзлари шу маъбуд номига қаратилган бўлади. Масалан, Ардвисура Яштда обиҳаёт, сув маъбуни Амударё ва, умуман, Ардвига, Хуршед Яштда Күёшга ва ҳ. к.

Ахура Мазда деди:
«Илохий зот Вараҳран,
Спитамаи Зардушт!

2. Зардуштга пайдо шу он
Бўлди илохий Бахран³.
Биринчи бор кўринди
Ахура Мазда яратган
Кучли шамол бўлиб, у
Валекин хуш, ёқимли,
Қанотида Хварно⁴
Балолардан куткарап
Кудратбахш танти, барно.

3. Ва Заратуштрага деди:
«Кудратидан кучлиман,
Химояти ихотам⁵.
Менман эзгу маъмурлик,
Мен сенга энг меҳрибон,
Эзгулик ҳосилимдир
Дардга эм бўлгич (малҳам).

4. Мен одамлар ва девлар
Ёвлигин этиб барҳам⁶,
Алвастию жодугар,
Золим каёнийларни⁷,

³ «Авесто»да илох Ахура Мазда яратган вакил маъбудлардан бири Вараҳран бўлиб, анъанавий антропонимлар шахс исмлари қаторида ўзбеклар ва тоҷиклар орасида Баҳром, Баҳрон шаклларида ишлатилиб келинмокда. «Авесто»да «Баҳром Яшт» алқови Вараҳранга нисбатан эътиқод маъноларини сақлаб қолган. Аввало Вараҳран — адолат, имон кўрикчиси. Қолаверса, у ҳарбий куч — жамият посбони. Булардан ташқари, у Ахура Мазда яратган эзгу борлиқнинг азалий тартибини ҳимоя қиласди. Унга топинганларга сеҳрли жасорат ва кудрат баҳш этади. Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ғалабасини таъминлайди. Сўзни таъсири этади. «Авесто»нинг бошқа қисмларида эзгу кучлар ёмонлик кучлари устидан қачон ғолиб бўлган бўлсалар, ҳаммасига ғолиблек баришлаган Вараҳандир. Шу билан бирга Вараҳранинг ўзи gox кучли шамол бўлиб, gox оҳу, кучли енгилмас қобон бўлиб, gox Варағн номли күш бўлиб, goxo гўзал йигит киёфасида пайдо бўлиб, эзгу ниятли одамларга ёрдам беради. Бу хусусиятлар Вараҳран образининг мифологик маъноларини чукур таҳлил қилишини такозо этади.

⁴ *Хварно* — илохий баҳт, омад рамзи. Фонетик ўзгарган кўриниши фарн, фарр. Кимга фарн (хварно) кўнса, салтанат — «таҳт эгаси бўлади», деб ишонилган. Хварно ёмон ниятли одамлардан қочади. У туткич бермас нур кўринишида бўлади. Баъзан эса күш, оқ рангли қўй ва бошқа қиёфаларга ҳам кира олади. Масалан, Ардашир Попак ўғли сосонийга салтанат баҳти — хварно рамзи у мингандан от сағрисида ўтирган оқ қўй каби эргашган деб ривоят қилинади. Бу ҳол Аршакийлар сулоласидан таҳтанинг кетиши ифодасидир. Фарн — фарр ўзаги ўзбек, тоҷик тилларида баъзи сўзлар — исмларни ясашда иштирок этади: Фарах, Фарруҳ ва б.

⁵ Ахура Мазда кудратидан олувчи демакдир. Илохнинг ҳимояти Вараҳранинг ҳам эҳтиётловчи куч ҳамда у орқали имонли одамни ҳам ўз ҳимояти, шафқатига олади.

⁶ «Авесто»да девлар Ахриман яратган қабоҳат дунёсининг вакиллари. Улар одамга душмандир. Шунинг учун қатор яштларда у ёки бу маъуд, баъзан Зардӯшт пайғамбарнинг ўзи Ахура Маздадан мадад сўраб «одамлар ва девлар ёвлигини йўқ қилиш» ниятни билдиради.

⁷ «Кавийлар» сўзи орқали берилган бу тушунча Зардуштга қадар хукмдор ҳамда коҳин вазифасини ўзида бирлаштирган ижтимоий қатламни ифодалаган. Кавий — коҳинлар аввал Зардӯшт таълимотига душман бўлишган. Кейинроқ Виштаспа Зардушт таълимотини қабул қилгач, муносабат ўзгариши керак эди. Лекин «Авесто»га кириб қолган эски анъана — кавийлар душман деган қараш сақланиб қолаверган. Бу ҳол «Авес-

Карапанларнинг барин
(Енгай, илоҳ мададкор)».

5. Бахт учундир намозим
баралла овоз билан⁸,
Кудратли Вараҳранга
Йўллаб хайр ила эҳсон,
Топинурмиз Баҳранга,
Ахура яратганга,
Ахура Мазда буйруғи —

Намозимиздир унга.
Сут қўшиб шопирилган
Хаома⁹ бирлан тийрак
Туриб, барсман новда-ла,
Нозик нукта—нутқ ила
Эзгу фикр, ҳақ сўзни
Тўғри айтиб зикр ила
(Баҳромга намозими兹):
«Йўллаймиз сидку дилдан
Ахура Мазда савоб деб,
Буюрган ўшал зотга»¹⁰.

II

6. Топинчимиз Баҳромга
Ахур Мазд яратганга...¹¹
7. Олтин мўғиз буқадек
Кўриниб Зардушт томон,
Иккинчи бор намоён
Бўлда шунда Вараҳран—

Ахурадан яралган.
Шоҳлари ўртасидан
Куч, Кудрат ҳоври ўрлар...
Шундай бўлди намоён
Ахурадан яралган.

Бахт учундир намозим...

III

8. Топинчимиз Баҳромга
Ахура яратганга...
9. Учинчи бор Вараҳран

Зардуштга кўринибди,
Ахурадан яралган
Оппоқ от, олтин юган,

то» китобининг турли қатламлари Зардуштдан аввалги даврлар маҳсули бўлган, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

⁸ Бу сўзлар билан бошланувчи банд диний маросимда кўпчилик қатнашчилар томонидан баравар жўр овозда ижро этишга мўлжалланган. «Авесто» китобининг Вараҳран алқови матнининг ҳар бир банди кетидан бу накорат сўзларидан иборат банд тақрорланиб келаверади. Шунинг учун таржимада бу банднинг биринчи категорини бериш билан чекланиши маъқул кўрдик.

⁹ Хаома — эфедра — игнабаргли бутасимон ўсимликнинг хушбўй сикма сувига сут қўшиб узоқ шопириш хисобига тайёрланадиган тийраклаштирувчи ичимлик. Уни диний маросимларда ичиш худога чин дилдан, хушёр туриб идрок ва туйғу билан мурожаат қилиш воситаси хисобланади. Хаома ичимлиги, муқаддас деб тушунилган. Уни асраш, жамоатга етарли миқдорда йигиб, кўпайтириш учун катта сопол идишлар ишлатилган, унинг хум деб аталиши авесточа «хаома».

¹⁰ Шу уч қатор таъкид «Авесто» Яштларининг ҳар бир банди охирида, баъзан эса яшт охирида бир хилда тақрорланиб келади. Ўзаро фарқли ўрни муайян Яшт бағишланаётган маъбууд номига мурожаат қисмидан иборат бўлади.

¹¹ Бундан буён шундай бошлов билан очиладиган бандлар алқов бошидаги биринчи банд билан бир хил бўлгани учун уни тақрор ёзмаймиз.

Олтин кулоқ бир жийрон.
Боши узра күкка бўй
Чўзар Куч Кудрат ҳоври, —

Шундай бўлди намоён
Ахурадан яралган.
Бахт учундир намозим...

IV

10. Топинчимиз Баҳромга
Ахура яратганга...
11. Зардуштнинг ҳузурида
Кудратининг зўридан
Тўхтатолмай эпкинин,
Тўртинчи бора Баҳром
Зўр тuya бўб кўринди.
Шиддаткор, майнин жуни
Кийимбоп, қойилмақом.
12. Энг кучли тuya бўлиб,
Нор туяларнинг зўри,
Ўзи кўриқлаб юрган
Мойалари томонга,
Интилар эҳтирос-ла —
Ўркачлари гўё тоғ,
Кучда тенгсиз тўрт оёқ.

Катта-катта кўзлари
Оқил боқар атрофга,
Кўркам танли, кудратли,
Бўйдор улкан нортуя.

13. Кўзлари ёниб турар
Туннинг коронғусида,
Узокдан юлдуз мисол,
Оқ кўпиклар сочади,
Юзу кўзи аралаш,
Оёқлари остига^{11a}
Саҷрап тупуруклари.
Кучли ҳукмдор каби
Тик қараб турар олға,
Пайдо бўлди Вараҳран,
(Яқинлаб Зардушт томон).

Бахт учун намозимиз...

V

14. Топинчим Вараҳранга...
15. Бешинчи бор Зардуштга
Кўринди Ахур Мазда,
Яратган Веретрагна,
Дарғазаб Қобон мисол,
Ўткир озиқ тишлари,
Ўткир қозиқ тишлари
Санчилса, тик ўлдирап.

Кутуриб ён-верига
Хеч кимсани йўлатмас.
Юзлари ола-пайса
Чаққон, эпчил ва чапдаст.
Шундай келди Веретрагн.

Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим...

VI

16. Топинчим Вараҳранга...
17. Зардушт кўзи ўнгида,

Олтинчи бор Веретрагн
Ахурадан яралган,
Ёш гўзал йигит бўлиб,

^{11a} Бу лавҳада Сомон йўли — галактика кўзда тутилган деб ўйлай-
МИЗ.

Үн беш ёшли¹² навқирон,
Күзлари тиник, оқил,
Оёғи чаққон, бүйчан,
Бўлди яна намоён.

Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим...

VII

18. Намозимиз Баҳронга...
19. Еттинчи бор Зардуштга,
Кўринди Веретрагна,
Ахура яратган (зот),
Ўлжасини гоҳ пастан,
Гоҳ тепадан чўқиган
Варагн қуши мисол,
Кушлар ичар энг чаққон,
Энг тез учар, энг паррон.
20. Фақат у қувиб етар,
Тирик жонлар ичидা,
Хато кетмас, тез учар
Тири паррон кетидан.
Учар у қанот ёйиб,

Тонг шафағига томон.
Кечга насиба излар,
Тонгга излар (хуш) таом.

21. Даралар тубин сийпар,
Тоғ чўққиларин сийпар,
Дарё камарларига,
Дараҳтлар учларига
(Тегар енгил қаноти),
Кушлар сайроқларига
Дамо-дам қулоқ тутар.
Шундай бўлди намоён
Варажран Зардушт томон
Бахт учундир намозим...

VIII

22. Намозимиз Баҳромга...
23. Саккизинчи бор Баҳрон
Бакамти Зардушт томон.
Келди—Хурмузд¹³ яратган.

Тоғ қўчкори арҳардек
Бурамашох, сервиқор —
Пайдо бўлди Варажран.

Юқунчимиз қут бўлсин...

IX

24. Топинайлик Баҳромга
(Ахура Мазд топин деб,
Буюрган улуғ зотга...)
25. Тўққизинчи бор Баҳром
Кўриниб Зардушт томон,

Келди Мазда яратган
Ёввойи така мисол.
Шохи ўткир санҷқидек...
Шундай кўринди Баҳрон.

Юқунчимиз қут учун...

¹² 15 ёшда зардуштийлар жамоаси аъзолари жамиятнинг тўла хукукли аъзолари хисобланишган.

¹³ Хурмузд шакли «Авесто»даги Ахура Мазда исмининг илк ўрта асрлардан бошлаб фонетик ўзгарган кўринишидир. Шеър ўлчови зарурати билан ишлатдик.

X

26. Топинчим Варахранга...
27. Зардушт кўзи ўнгида
Бўлди пайдо Варахран,
Ўнинчи бор, сўнгти бор —
Ахур Мазд яратган.

Девқомат эркак бўлиб,
Нозик дид-ла безалган,
Ханжар қўлида тутган
Шу тарз кўринди Баҳрон.

Юкунчимиз кут бўлсин...

XI

28. Топинчимиз Баҳромга,
Мўъжизакор кудратли,
Жасорат баҳш этгувчи
Омонликка элтгувчи.
Ахура Яратганга.
Чин дилдан эътиқод-ла,
Спитамайи Зардушт
Намоз адо айлади,
Ихлос-ла сўраб ундан
Эзгу ўйлар зафарин,
Эзгу сўз ғолиблигин,
Эзгу амаллар барин,
Элда устуворлигин.
Сўзлаганда сўз ғолиб,
Ёлғон билан чин баҳси,
Бўлганда чин сўз ғолиб¹⁴
(Бўлсин, дея ёлборди).

29. Шундан сўнг унга Баҳром
Ахур Мазда яратган,
Қўлларига куч-кудрат,
Тан-жонин қилди соғлом.
Эркаклигига кувват,
Чидаму бардош берди.
Кўзларин ўткир қилди,
Чуқурлиги минг полвон
Эркак бўйича бўлган.
Кенг дарё Ранха ичра,
Сув остида қил этган,
Қилчани ҳам сезгувчи¹⁵,
Балиқларнинг дим сезгир,
Кўзлари каби ўткир
(Қилди унинг кўзларин).

Юкунчимиз кут бўлсин...

XII

30. Топинчимиз Баҳромга...
31. Сўнгра унинг Варахран —
Ахурадан яралган —
Кўлларига куч берди,

Тан-жонин қилди соғлом.
Чидаму бардош берди.
Кўзларин қилди ўткир,
Зим-зиё туманли тун
Ерда ётган қилнинг бир

¹⁴ Бу лавҳа ўзи хабар берган динга даъват қилиш жараённида Зардӯшт мухолиф мұбъадлар билан тез-тез баҳсга киришиб турганидан далолат бўлса керак. Шу туфайли у «баҳсада ракиб сўзларига рад жавоб берганимда, менинг сўзларимга ғолиблик бағишлагин», деб илтижо қиласди. Бу ҳол Вараҳраннинг маъбуд сифатида мантиқий фикр ва нотиқлиқ хислатларининг устидан ҳомийлик каби вазифаси ҳам бўлган деган тахминга имкон беради.

¹⁵ «Авесто»нинг шу сатрларида сув ўрамаси ҳақида гап боради ва «соҷ толасидек ўрамани ҳам сезадиган», деб таърифланади. Ишлатилган ўҳшатишнинг маъносини тушуниш қийин.

От ёли ё думидан
Эканини ажратгич,
Үткир кўзли той каби

Кўзларин қилди ўткир.
Топинчимиз кут бўлсин...

XIII

32. Топинчимиз Баҳромга...¹⁶
Ахурадан яралган
Вараҳран берди унинг
Кўлларига куч-кудрат,
Тан-жонин қилди соғлом.
Берди чидам ва бардош,
Кўзларин ўткир қилди.
Бир тупканинг тагидан,

Қингироқнинг ортидан
Муштдек бир бўлак этни
Кўргувчи қарчиғайдек.
Ёки мисол игнанинг
Йилт этган учини хам,
Унга кўрингич этди.

Топинчимиз кут бўлсин...

XIV

34. Топинчимиз Баҳромга...
Ахура яратганга.
Ахур Маздадан Зардушт
Бир масала сўради:
«Эй Муқаддас рух,
тангрим,
Эй ҳолик худо, айт-чи,
Сехрлансан агар ман
Душманнинг жодусидан
Кутулмоқ чораси не,
(Илож не, недир ирим)?»

35. «Қаноти кенг Варағн
Күшнинг олгин патини —
Патини ол, о Зардушт,
Астойдил қилиб ихлос,

У билан танинг сийпаб,
Душманнинг жодусидан
Бўларсан буткул халос»¹⁷.
Ахура Мазда деди:
«Спитама, кўлга ол
Кенг қанотли күш патин —
Бўлсин Варағн¹⁸ пати.
Танинг сийпаб у билан
Душманнинг жодусини
Ҳайда нари ўзингдан»¹⁹.

36. Бу пат бизга хайрли,
Қудратли Варағннинг,
Кучли қүшнинг сўнгаги —
У ҳам ҳатто сеҳрли.
Кимга мададкор бўлса,

¹⁶ 28-банд такрорланади.

¹⁷ Аждодларимиздан колган бир удум ҳозиргача амал қилмоқда, яъни бола бешигига, дўпписига, кийимига укки патини (укпар) қадаш назар нафасдан, сехру жодудан асраш воситаси ҳисобланган.

¹⁸ Варағн — мифологик күш. У «кушларнинг күши» деб таърифланади «Авесто»да. Унинг пати сеҳрли кучга эга деб тушунилган. Кимки ихлос билан Варағн патини олиб бадани, танаси бўйлаб, у билан сийпаса душманларининг сехру жодуси, исму амалларидан кутулади, куч-кудратга тўлади. Унга омад қулиб боқади, майдонда доворак бўлади, зўравон ёки қотил уни ўлдирмайди. У ўз душманини маҳв этади.

¹⁹ Ушбу манзара Варағн патини ишлатиб қилинган қандайдир расмруслам, ирим, магик ҳатти-харакатга ишорат қиласи. Бу ҳозиргача сакланган укки пати ва парларини кийимга қадаш билан боғлиқ одатимизда сакланган, дейиш мумкин.

- Кимга омад ёр бўлса,
Уни қўллар меҳр-ла,
Муқаддас күшнинг пати.
- 37.** Уни ўлдира олмас,
Хеч вакт қотилу ғаддор,
Пат кимда бўлса агар,
Уни қатл ололмас —
У барча ёвин енгар!»
- 38.** Куш патин тутган зотдан
Барча ёмонлар қўрқсин,
Барча душманлар қўрқсин
(Варағн пати туфайли).
Кучи ғолиблигимдан
Қўрқсин барча ёмонлар.
- 39.** Юрт ҳокими, подшоҳлар
Эга бўлган қудратдан,
Уларнинг ворислари
Насибдор ул қудратдан
(Қўрқсинлар барча
душман),
Кавиусанда²⁰ бор эди,
Кавиусанга ёр эди,
- Варағннинг кут пати,
Ундан топган қудрати.
Бу куч гўёки тойчок,
Каби (шўхчан ва) ўйнок,
(Моясига интилган)
Қора Нор каби қайнок.
Гўё дарё каби ул,
Кучин тутолмас қирғоқ.
- 40.** Алпқомат Фаридун²¹
Учбошли Захҳок илон,
Бошларини чопгандা,
Шу патдан қувват олган,
Уч оғиз, олти кўзли²²
Маккору қинғир кўнгил
Бадфеъл девлар боласи.
Уни Ахдра Майнйу
Қилган кучли, қудратли.
Ёлғонда тенгсиздир у.
Ундан дунё ғоратдир,
У имоннинг балоси.
- Кут бўлсин намозларим...

XV

- 41.** Намозимиз Баҳромга—
Ахура яратганга.
Улкан Саэна қуши²³
Ёмғирли булутдайин,
Тоғни қоплаган каби

Тўлдиради Вараҳран
(Имонлиларнинг уйин)
Молу-қўйу кут билан.

Кут бўлсин намозимиз...

²⁰ Кави Усан «Шоҳнома» ва ўрта аср анъанасида Кайковус. Ислмининг «ковус» қисми авесточа Кави Усан шаклининг давомида туради. Кави Усан шаклининг давомида аввал «коҳин — подшоҳ, башоратчи, шоир» каби маъноларда бўлган сўз турган.

²¹ Фаридун — «Авесто»да имонли қаҳрамон — шоҳ. Ахриман яратган қабиҳ уч бошли илон қиёфасидаги конхўр Захҳокни енгиб одамларни балодан куткарган, деб нақл қилинади. Бу сюжет «Шоҳнома»да ҳам ишлатилган. Эртак вариантлари ҳам бор.

²² Бу бандда шу сатрдан бошланувчи Захҳокнинг таърифи билан Фаридуннинг қаҳрамонлиги таркибан зич боғланмаган.

²³ Саэна ирреа — эртаклардаги синмурғ>сумурғ>семурғ қушининг «Авесто»даги кўриниши. Унинг улкан канотлари сояси фаровонлик, тўқлик келтирувчи ёмғирли булутга ўхшатилмоқда. Колаверса, Вараҳрандан келадиган молу ҳол фаровонлик ёмғирига қиёс қилинмоқда. Бу тасвир «Авесто»даги маҳобат, гипербола санъатидан бир намунаидир.

XVI

- 42.** Намозимиз Баҳромга—
Ахура яратганга.
Ахура Маздадан савол
Сўради Заратуштра:
«Муқаддас Рух, айт менга,
Борликнинг холики айт,
Варажранни биз қачон
Кўмакка чорласаккин?
Қачон унга сифиниб
(Сенга изҳори имон
Келтиргандек уни ҳам)
Мақтайлик дилдан суйиб?»
- 43.** Марҳамат қилди Хурмузд:
Кўшинлар жангга ҳозир
Турганида, о Зардушт,
Бир-бирига юзма-юз
Қаторларини сафлаб.
Лекин ҳали ғолиб йўқ,
Мағлуб ҳам йўқ —
кўнгил тўқ.
- 44.** Шунда Варағн күшнинг
Тўртта патини олиб,
Ҳар икки саф олдида
Тутиб тургин дам солиб.
Кимки биринчи унга
Йўлласа намозини,
Варажранни ким агар
Кўмак бер, дея чорлар
Ўшангадир зафар ёр,
(Бўлар ғолиб баҳтиёр).
- 47.** Намозимиз Баҳромга
Ахура яратганга.
Митра ва Рашну билан

- 45.** Варажранга намозим
Куч-кудратга эъзозим.
Бу икки ҳимоятнинг,
Асрарувчи жуфт зотнинг
Иккитадан пати бор;
Ёйик қенг қаноти бор.
Муҳтоҷни елпиб ўтар
(Унга сифингувчини),
Патлари селпиб ўтар,
Аста сийпалаб ўтар²⁴.
- 46.** Аммо бу синоатни,
О Спитамай Зардушт,
(Кимгаки бўлса насиб)
Ҳеч кимга билдирамасин.
Ота ўз фарзандига,
Ака туғишганига,
Муъбад ўз муридига
Тайинлаб кўйсинг буни.
Бу сўзлар кудратлидир,
Кудратли ва мустаҳкам,
Улар ўта пурмаъно
Кучли ва ғолибона.
Кудратли ва шифобаҳш,
Улар бари шундай-ки,
Зарб остида бўлса бош,
Асрар уни, тегмас тош.
Тиф солса кимки агар,
Тифи ўзига қайтар».
Намозимиз кут бўлсин...

XVII

Бирга-бирга Варажран,
Кўшин қаторин кезар
Сўраб бир-бир ҳаммадан:

²⁴ Бу ўринда Варажран ва Куч (Кудрат) икки мустақил эътиқод объектидир. Ҳар иккисида иккитадан магик пат борки, улар имонли ва ёрдамга муҳтоҷларга мададга шошилади. Бунинг учун патлар сийпалаб ўтса, тегиб ўтса кифоя. Аммо бу лавҳанинг мифологик илдизлари ҳакида ўйлаб кўриш лозим.

«Ким Митрани алдабон,
Қайтган берган аҳидан?
Ким Рашнуни ёдидан
Чиқарган ул даргумон?
Кимга йўллай дард, офат
Кимнинг бошига кул-фат.
(Ёғдирай? Илохимдан)
Берилган менга қуд-рат».

48. Марҳаматли Ахура Мазд
(Нозил қилди бул оят):
«Тангри берган Бахрон-га
Намозу назру ниёс
Муносиб олқиши, эъзоз
Ила чин ёлворганга,
Ҳақдан эзгу хидоят
(Арта—ҳақ абадият!
Ёғилгайдир ҳимоят).
Эранларнинг юртига
Ёғий хужум қилолмас,
Ёпирилиб келолмас.
Бу юртни ўлат олмас,
Яра-чақа йиқолмас,
На ёвнинг аробаси,
На баланд тутган туғи
(Бу юртга кор қилолмас)».

49. Ахурадан яна бир
Савол сўради Зардушт:
«Айт-чи, Ахура Мазда,
Қай йўсин сигинайлик,
Нелар эҳсон айлайлик,
Сен ҳақ деб танитганга,
Эзгу зот Вараҳранга?»

50. Ахура Мазда деди:
«Эранларнинг юртлари
Келтирсинглар эҳсонлар,

Кўлда барсманлар²⁵
(Вараҳранинг йўлига)
Курбон этиб ҳайвонлар,
Эҳсон этсин эранлар.

51. Майли эҳсон қилмасин,
Бузук хотин ва нокас.
Ғаддор қотил, жонолгич,
Қиёфаси мўъминдек (риё),
«Гоҳ»ни дилдан куйламас—
Ахура Мазд ва Зардушт.
Динин ул дўсти эмас.

52. Эҳсон келтира туриб,
Бузук, нокас ва қотил,
Тилда «имонлиман», — деб,
«Гоҳ»га қўймаса кўнгил,
Уларни Зардушт динин,
Ашаддий ёви деб бил.
Бундайларни (дўзахдан)
Кутқармайди Вараҳран.

53. Улар касофатига
Эранларнинг юртини
Ёғий лашкари босгай.
Ёв қўли келгай баланд,
Элликта зарба билан
Юз арийни ўлдиргай,
Минг эран ҳалок бўлгай,
Ёвнинг юз зарби билан
Минг зарбдан бир туман —
Улар имонли эран».

54. «Девга сотганлар имон
Бузук, гар, нокас — ёмон,
Эссиз тўкиб қанча қон
Келтирса, хайру эҳсон.
Говмиш руҳи-чун равон —

²⁵ *Барсман* — муқаддас саналмиш дараҳт новдалари дастаси. Намоз, ҳайру-эҳсон маросимларида дуо ўкувчи мульбад (диндор) қўлида шундай новда дастасини тутиб турган. Ҳозир парслар ва эрон гебрлари (зардустийлари) жамоаларида барсман дастаси ўрнига кумушсимон ранги металлдан ишланган ингичка сим дастаси тутган холда маросим ўтказишади.

Барчаси бекор шу он,
Гар «Гоҳ»ни билмас экан.

55. Кутурган девлар ҳамда,
Уларни «Ҳақ» деганлар,
Оловга хапараси,²⁶
Ва намадка новдасин,
Қанчалик ихлос билан
Астойдил солмасин.

56. Ўша кутурган девлар,
Уларга ихлослилар,

Қаддин букиб намозда,
Кўлин илтижо билан
Чўзмоқлиги не даркор.
Ёлвориб нечун турар,
Имони гар бекарор?
Ўша кутурган девлар,
Уларга ихлослар
«Гоҳ» учун кар қулоклар,
Кўзларида маъно йўқ,
Юраклари ўйноклар».

Кут бўлсин намозимиз...

XVIII

57. Юкунчимиз Бахромга,
Ахура яратганга,
Енгишнинг кўриқчиси
Хаомага бош уриб,
Келарман ёлворишла²⁷,
Тан-жону бойликларим
Ҳомийси, соқчисига.
Татиб кўрса уни ким,
Уни енголмас фаним.

Кут бўлсин намозимиз...

58. Менинг пайимга тушган,
Ёвларимни хор этай,
Кўшинин барбод этай,
Лашкарин тор-мор этай.

Кут бўлсин намозларим...

XIX

59. Топинчим Вараҳранга—
Ахура яратганга.
Сигура тошга боқиб²⁸,

Шаҳризодлар ёлворди.
Ундан мадад ўтишиб,
Сарҳанглар фарзандлари —

²⁶ Хапараси, намадка — оловга солиб ёқиладиган ўсимликлар.

²⁷ Енгииши — ғалаба. «Авесто»ча бу тушунча шахслашган тимсол — образ даражасига етган. Ушбу бандда эса алқов Вараҳранга — ғолиблик, енгисш маъбудига қаратилгани ҳолда бу маъбуднинг ғолиблигини кўриқлаб турувчи хаома маъбудига мурожаат алқов шаклини олган. Уни эъзозлаш фояси зардӯштийлар онгиди Ҳаома номли маъбуд образини ҳам яратган. Демак, хаома қадимда уч қатламли муқаддас тимсол: Ҳаома — маъбуд; хаома — ўсимлик; ома — сут кўшиб тайёрланадиган ичимлик. Ҳаома — бу ўринда факат ичимлик эмас, балки шу номдаги ичимлики тайёрлашда хом-ашё бўлувчи бута, игнабаргли ўсимлик ҳамdir.

²⁸ Сигура тоши — қандайдир унутилган магик тушунча. Уни И. С. Каменский ихлос билан қараладиган тумор тош бўлса керак, дейди. Вараҳраннинг ғолиблик маъбути сифатидаги образи талқинига кўшимча қирра сифатида ушбу тош, унинг кудрат баринчовчи магик хусусияти бежиз киритилмаган. Демак, Вараҳран ҳам жанговар ғолибликни хаома, сигур тоши каби манбалардан янгилаб турган. Шу ўринда эслаш мумкинки, якин ўтмишда болалар ўйинлари каторида «беш тош» ўйини бўларди. Бу шунчаки ўйин эмас эди. Амалий маънода ҷаққонлик, эпчиллик, кўл ва бармоқларга нозик ва мураккаб ҳаракатлар машкини беришган.

Шахриёрзодлар борди.
У қудрат деб аталур,
Фолиб деб номи машхур.

60. Эш бўлай ғалабага,
Барча эранлар каби
Менинг изимдан тушган,
Лашкарни тор-мор этай,
Қўшинни барбод этай,
Аскарларин хор этай.

Кутлуг бўлсин намозим,
Баланд чиқсан овозим,
Эҳсонлар келтирганда,
Кудратли Вараҳранга.

Топинайлик Баҳронга,
Ахура яратганга.
Намозга лойиқ қилиб
Топин, деб буюрганга.
Сут қўшиб хаомага,
Барсман новдасин тутиб,
Эзгу сўзни рост сўзлаб,
Эзгу ўй, эзгу амал
Бирла ҳақнинг йўлида
Топинайлик Баҳронга.
«Ахура Мазда савоб
Деб тан олган зотга
Намозимиздир жавоб».

Кут бўлсин намозимиз...

XX

61. (Намоз йўллайлик чиндан,
Таъзим айлайлик дилдан),
Қабул қилсин Вараҳран
Ахурадан яралган.
(Мағупат бошлаб берсин,
Ҳақ сўз гавҳарин терсин):
Эзгу илоҳсан, Мазда,
Эзгу Бошчи ўзингсан.
Сен ҳақиқат йўлида
Мазда Яснани нозил
Айладинг ва дединг: «Бил!»
Сендандир эзгу юмуш,
Вилоят у, ҳокимият —
Эзгулик учун ният.

Бандани кўллаш сендан
Оч-нахору ноҷорга,
Бор жонзот, умидворга
Ризқ улашгич ўзингсан».
Буқага шон-шараф бўлсин,
Буқа кудрат, кучга тўлсин,
Буқа эъзоз, енгиш топсин,
Буқа биздан емиш топсин,
Биздан у парвариш топсин,
Ҳамда топсин эзгу иш,
Чунки буқа шарофати —
Инсон учун ризқу емиш²⁹.

Намозим бўлсин кутлуг...

XXI

62. Намозимиз Баҳронга,
Ахура яратганга,
Лашкар сафин тўзғитиб,

Қаторини парчалаб,
Фулғула соглувчига
Ер-ла тенг қилгувчига.

²⁹ Бу бандда Вараҳран кириши мумкин бўлган киёфалардан бири — бука образи қайд этилган. Юкорида, 7-бандда Зардушт ҳузурида Вараҳран олтин шоҳли бука тимсолида пайдо бўлгани ҳакидаги лавҳага қаралсин. «Авесто»да мукаддас бука билан боғлиқ асотирий Гавамартан — Кайумарс — ярми одам, ярим ҳўқиз образи бор. У ҳалок бўлган чоғда тўкилиб ерга тушган уруғидан бир эрқак ва бир аёл ибтидоси, одамзод аждодлари униб чиқкан деб ишонилган. Бу ривоят Одам Ато билан Момо Ҳаво воқеасини эслатувчи жуда қадимий сюжет қолдигидир.

Удир душман сафини
Яксон қилгувчи ботир.
У күшинлар қаторин
Супуриб кўкка отар.
Вараҳран мағлуб этар
(Мазда ясна ёвларин),

Одамми у, ё девми
Ва ёки у жодугар,
Хоҳи бўлсин алвости,
Кави золим ва жоҳил
Карапаннинг барчасин.

Кут учундир юкунчим...

XXII

63. Намозимиз Бахронга
Ахура яратганга.
Илоҳ хилқат Вараҳран
Чин Ахура яратган.
Доруғ, ёлғон маконин,
Лашкарларин қатори
Бирлашса-да, бир сафга
Гар улар илоҳий сўз —
Қасамдан чекинсалар,
Барчасини Вараҳран
Қўлларин бирга боғлар,
Кўзларини беркитиб,
Қулқларин қиласар кар,
Вараҳранга бас келмай,
Оёқлари қалтирас.

Кут келтирисин намозим,
Баралладир овозим,
Курбонлик келтирарман,
Эҳсонларим Вараҳран.
(Қабул этсин, илоҳим),
Кудратли Вараҳранга

Намозу эъзозларим
Ахура яратганга,
Ахура Мазда ўзи
Юкун деб ўргатганга,
Сутли хаома билан,
Қўлда тутиб барасман.
Тўғри талаффуз ила
Айтилган Ҳақ сўз ила,
Эзгу ўй ва ишимиз
Қабул этсин Вараҳран.
«Намозимиз йўллаймиз,
Ахура Мазда савоб
Деб билган маъбудларга».

64. «Энг эзгу илоҳ қаби...
Энг эзгу илоҳ ҳаққи...»
Ахура яратган зот,
Вараҳранга намозу,
алқовимиз,
Энг олий ғолибликка
Шарафлар бўлсин, деймиз.
Ҳақиқат — олий неъмат...

ЗАМИЙАД ЯШТ-ХВАРНО (ФАРН) АЛҚОВИ ҲАҚИДА

19-Яшт: Замийад

Ушбу Яшт инсониятнинг бешиги, ҳаёт муҳити, бору йўқлиги, очу тўқлигининг бош омили, илоҳий кафолати бўлмиш Ер — она заминга багишланган алқовидир. «Авесто»да Митра самовий маъбуд, Ардви Сура Анахита дунёда бор барча сувлар маъбуда бўлгани каби Ер маъ-

будага ҳам улуг ҳурмат билан қаралган ва у Зам деб аталган.

Замйад Яштнинг бизгача етиб келган таркиби асли, қадимиисига нисбатан жиддий равища ўзгарган. Афтидан, ҳакиқий Ер алқовидан 8 бандигина сақланган. Сўнгра 1-кисм 9-банддан баҳт, омад рамзи, эзгу ниятли инсонга куч-кудрат бағишливлчи, шоҳлик мартабасини бергувчи, ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган муқаддас сиймо — Хварно шаънига айтилган алқов бошланади. Хварно сўзи бизга етиб келгунича фарн, фар (охири товуш р — қаттиқ талаффуз қилинади—фарр) шаклига кирган. Унинг бир кўриниши баҳт маъносида қўлланиб келаётган фарах сўзида бор: фарах—кад, фаррваҳу — «баҳтиёр ҳаёт» сўзидан ўсиб чиқкан. Бу сўз қадимги дауж ваҳу «ёмон ҳаёт», яъни хозирги тилимиздаги «дўзах» сўзига қарама-қарши қўйилган.

Алқовнинг биринчи 9 бандини ўзига хос географик, тўғрироғи, орологик (тоғшунослик) достонидан сақлашиб қолган парча деб ҳисобланади. Унда номи, баъзан тавсифи келтирилган тоғлар хозирги Ўрта Осиё тоғлари, улардаги тизмалар, чўққиларга мувофиқдир. Лекин уларнинг номлари замонлар оша ўзгариб борган тил вазияти туфайли «Авесто»да акс этган тил ҳам унтилгани каби аста-секин унтилган, янгиланган. Шунга қарамай баъзи муқоясалар учун имкон бор. Масалан, Харатти — юксак тоғ, мағрибдан (кун ботишдан) машриққача (кун чиқарган) чўзилган. Харатти — Хартант; Зардаза — Зараут соӣ бўйлаб жойлашиши тоғ тизмаси, Мануша — Андижон Ҳўжабод туманидаги Одамтоғ (Тангри тоғ — Тяншаннинг бир исми), авесточа Мануша — «Одам»; Ушида — Ўш (ота) — бу тоғ зардустийлик тарқалган ўлкаларнинг шарқида жойлашгани учун шундай ном олган бўлса керак. Авесточа Ушида, «тонготар» тоғ демакдир. Балки бу минтақа зардустийлик тарқалган элларнинг энг шарқида жойлашгандир. Ушида шу сабабли тонготар, яъни энг шарқдаги тоғ деб тушунилган. Эрзифи тоги Зирабулук (?); Антар даҳиу — Кунгай олатов (Бу тоғ зардустийлик тарқалган ўлкалардан бири — Фарғона водийсининг шимолида шарқ-ғарб йўналишида жойлашган тизманинг жанубий, кунгай томонидир. У мамлакат ичкарисига қараб турган тоғ деб аталган), Раодита — Кўнгуртов (раодита — авесточа сарфиш, қўнғир тусли демакдир); ўлкамизда шу ном билан

аталувчи тоғ ҳам бор... Эрзиша — Тик тоғ, баланд тоғ — тангри тоғ (осмон билан тенг тоғ маъносида); Ватагайсайа — Бадхиз ясситоғлиги ва бошқалар. Бизнинг бу қиёсларимиз баҳсли бўлиши мумкин. Лекин замонлар ўз ишини қилгани, шундай бўлса-да, аждодлар кўп атамаларни эквивалент маънолари орқали янги тил лексикаси ва грамматик шартлари мувофиқлаштирган бўлишлари шубҳасизdir.

Энди Хварно ҳақида баъзи мулоҳазаларга тўхтасак.

Хварно узоқ аждодларимиз тасаввурида дину диёнатда, имону эътиқодда, эзгулик ва адолатда событу мустаҳкам, ҳақ буюрган ишларга ўзлигини сафарбар этган, жисми, қалби, руҳида қабоҳат ва ёмонликни, фикри-зикри ва сўзидан алдоқ ва ёвузликни, Ахриман пайдо қилган норавонликни ситиб чиқарган, пок инсонларга насиб бўладиган илоҳий баҳт тажаллисиdir. Борлиқнинг яратувчиси ва олий ҳаками Ахура Мазда ўзи иродаси билан Хварнога лойик этган суюкли бандалари саноқли бўлган. Қадимий анъанавий тасаввурга кўра эл-юрт қўриқчиси, унда илоҳий тартибни химоя қилгувчи подшоҳларнинг салтанат, таҳт — баҳти уларга Хварнонинг «қўниши» туфайли бўлган. Жумладан, «Авесто»да айтилишича, Кайёний шоҳларидан Кайқубод, Кайковус, Кайпишин, Кайориш, Сиёвшулар илоҳий Хварнога сазовор бўлишган. Бу ривоятда ўлкамизда илк давлатчилик даврларидаёқ шаклланган ҳокимиятнинг илоҳийлиги концепцияга акс этган дейиш мумкин. Яъни подшо бўлганлар Хварнога мушарраф бўлган зотлардир. Улар Ахура Мазда суйган бандалар бўлиб, савобли, тўқ, фаровон қилиб яратилган ўлкалардаги барча эзгу инсонларга баҳт — иқбол беришлари лозим ҳисобланган.

Хварно факат подшоларга эмас, балки пок ниятли оддий инсонларга ҳам насиб этиши мумкин. Жумладан, Зардушт ҳам Хварнога мушарраф бўлган зотdir. Илоҳ Ахура Мазда Зардуштга ўзининг борлигини ва унга эътиқод қилишликни, қавму қариндошларга, бутун эран ва тураларга бу ҳақиқатни билдиришни вазифа қиласи яъни Зардуштни пайғамбар — хабар етказувчи қилиб суюкли бандаси қилиб танлайди. Зардушт умрининг охиригача одамларни Маздага — энг оқил зот, имон келтиришга даъват қилди.

Хварно сўзи илк ўрта асрларда фарн шаклида қўлланган. Манбаларда униг фарр шаклида ёзилиши ҳам уч-

райди. Ҳозир тилемизда фарр (фарн) сўзи ўзига кам ишлатилса-да лекин мавжуд. Масалан, «бахт, сурур, шодлик». Фарах сўзининг биринчи бўйини фар-дир. Сўзинг 2-қисми «Авесто»ча вахи=«ҳаёт» сўзининг фонетик қисқарганидир. Яъни, фарах<фаррахи = «бахтли ҳаёт». Авесточа фарр ҳакидаги тасаввурлар унутила бо-риб ўрнини «давлат қуши», «бахт қуши» каби иборалар ва улар билан боғлиқ тушунча ҳамда ишончлар эгалланган. Бугун Ўзбекистонимиз гербидаги Ҳумо қуши тасвири маънавий жиҳатдан халқимизни «Авесто» китобида қайд этилган энг қадимий қадриятларимиздан бирига боғлаб турибди. Бошингга Бахт қуши қўнгани абадий бўлсин, халқим!

Хварно Яшт «Авесто» Яштларининг ўн тўққизинчи-си. Сақланган қўлёзмаларда бу Яшт олдидан Замйад Яшт номли қадимий географик достоннинг тоғлар ҳакида-ги орологик қисмидан 8 банддан иборат парча сакланган. Бу ўзига хос географик достон зардуштийлика она заминга, ундаги барча унсурларга, айниқса тоғларга, чўққиларга эътиқод билан қаралганини кўрсатади. «Авес-то»да тоғ чўққисига олиб чиқиб эҳсон қилинган қурбон-ликлар ҳакидаги хабарлар, зардуштийлик оташгоҳлари эса маҳсус тепалик, суфа каби қурилмалар устида бўлиши, дахмалар баланд жойларга, ёки сунъий дўнглик — платформалар устига курилгани бежиз эмас. Зеро, ер-нинг баланд нуқталари самодаги илоҳга яқин туради, деб ҳисобланган. Қолаверса, тоғлар, айниқса чўққилар Ўрта Осиё шароитида Ахриман яратган зулматни туга-тувчи қуёш оламга нур таратиб самога кўтариладиган муқаддас манзилдир. Улар орасида Харатти чўққиси ай-ниқса ҳурматга сазовор, деб қаралган. «Тоғлар ва чўққи-лар достони» 8-бандида умумлаштирув қилиниб, «Бу тоғлар ер узра шунча юксалдиларки, уларнинг сони эҳсон дастурхонидан муъбад (рухоний), жангчи, шуд-горчи ва чўпонлар олган нон бурдаларичадир. Яъни «Авесто» яралган жамиятида одам жон — нуфуси шу қадар кўпки, илоҳ яратган тоғлар ҳам шунча тарзида маҳобат, ўзига хос муболага ишлатилган.

Бундан сал юқорироқда — 7-бандида эса Ер юзини гир атрофини ўраб турган тоғлар сони икки мингу икки юзу кирк тўртта, деб таъкидланган эди. Чин маънода ушбу одатни Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги тоғларга нисбат берилса, тавсифу таъриф юртимиз учун бегона эмаслиги

аён бўлади. Лекин бу манзарани ўзига хос бадиий санъат орқали асотирлаштирган десак хато эмасдир.

Шундай қилиб 9-банддан Баҳт жилваси Хварно алқови бошланади:

Қувонсин Ахура Мазда...

Унинг шодлиги учун Мазда Яратган Ушидарна тоғини шод этиб, Мазда яратган Ҳар недан-да муқаддас кавийвор Хварнони шарафлаб, Мазда берган этиб бўлмас Хварнони улуғлаб, юкунчи топинчимиз, алқову мақтоворимиз, севинчу эъзозимиз (баҳтида бўлсин)!

«Энг эзгу илоҳ каби»¹ (деб бошлайди) намозни (муъбад). Билганлар ўқиб унга эргашади. Билмаганлар иқтидо қиласди...

ХВАРНО АЛҚОВИ

(Замйад Яшт)

Қувонсин Ахура — Мазда...

Унинг иродаси рўёбга чиқсин. Мазда яратмиш Ушидарна тоғининг қувончи учун энг эзгу ковавор Хварнога, Мазда яратган (эзгу кудратга), ҳар ким ҳам ета олмас хилқатга, Маздадан унинг ўзи лойик қилган бандаларигагина насиб бўлур (илоҳий жилвага) топинчимиз, алқовимиз бўлсин. Намозу алқовимиздан (ҳосил бўлмиш) дилимиздаги қувончимиз, (тилимиздаги) шараф — олқишларимиз унга бўлсин, (токи ихлосимиздан Ахура Мазда қувонсин).

«Энг эзгу тангрим...» деб такбир бошлаб берар заотар... (Билганлар бирга ўқир, билмаганлар унга эргашур)...

1. Кунботардан кунчикар

Томон барча юртларни
Ўраб кўкка бўй тутар
Баланд Ҳаррати тоғи.
Эй, Спитама Зардушт,
(Худо суйган пайғамбар!)

Сўнг ер узра чўзди бўй,
Иккинчи тоғ Зэрдаза

(Бўлди эш улар икков)

Кунботару кунчикар
Бўйлаб ётган Мунуштов.

2. Ушида, Ушидарна

Тоғлариридир устувор.
Уларнинг орқасида
Яшириндир Эрзифйа,

¹ Намоз олдидан ният сўзлари матни тўлалигича Ахура Мазда яшти бошида таржима қилиб изоҳланган эди. Бу ўринда Замйад Яшт мазмунига мос шаклда келган матн қисқартириб берилди.

Олтинчи (тоғ) — Эрзура,
Еттинчи тоғ — Бумийа,
Саккизинчи — Раодита,
Түқкизинчи — Мазиша,
Үнинчи — Антардахай,
Үн биринчи — Эрзиша,
Үн иккинчи — Ваттиса.

3. Адарана ва Бояна,
Ишката, Упарисаэна —
Устида көр эримас.
Икки тизма Хаманкун
Ва саккиз тоғ Вашана,
Саккиз асов от каби,
Яна түрт тоғ Видвана.

4. Аэзахан, Маэнхан,
Ахэдрика, Асайа,
Тутадка ва Вишава,
Сайривант Дарашишва,
Нанхушэмант ва Ка-хахя
Ва Канханинг тоғлари,

5—6. Сичидава, Ахурана,
Раэмана, Ашастамбэна,
Аснавант...
...Фрапай²
Удрия, Раэвента

Бори тоғларки, одам
Үрлаб чиқиб уларга,
Ёки күриб узокдан
Турлича бергандир ном.

7. Хуллас, тоғлар ер узра,
Спитама Заратуштра,
Икки мингу икки юз
Ва қирқу яна түртта,

8. Ушбу баланд күкүпар
Сервиқор күркам тоғлар
Ер узра шунчадирки,
Улар сони мұглару
Жангчи, қаҳрамон эрлар,
Барча чўпону дехқон
Эҳсон дастурхонидан
Қанча олса ризқ нонин,
Шунчадир тоғлар сони.³

9. Кавийча Хварнодир,⁴
Маздадан ул атодир.
У хурматга сазодир.
Энг шарафли улуғвор,
Хурматларга сазовор,
Нокасу ножинсларга
Тутқич бермас хеч қачон⁵.
Ахура яратганлар
Ичра энг олий мақом.

² Ўчиб кетган сатрларда яна ўн түрт тоғ номи бўлган деб тахмин килинади.

³ Замайд Ҷашт — Ер маъбуди (Зам, Замин) шаънига айтилган географик (орологик — тоғшунослик) достондан бир парча шу билан тугайди. Матннинг давоми — 9—97-бандлар. Хварно — Фар алқовидир. Бу алков фарни — илохий омадни шарафлаган. Шоҳлик, пайғмарлик марталари фарнинг кимга кўнишига боғлик, деб тушунилган. Фар илохий лойиклик концепцияси деб қаралиши мумкин.

⁴ Кавийларга хос хварно (фран. фар). Бу тушунчада қадимги кайёнийлар подшолик сулоласи вакилларига хварно салтанат баҳти бўлиб келгани ҳақидаги ривоят акс этган. Бу ривоят салтанатнинг гўё илохийлигини таъминловчи илк давлатчилик концепцияси бўлган, дейишига ҳам асос бор. Кимгаки фар кўнмай туриб шоҳлик даъвосини қиласа конуний хисобланмаган. Шундай қилиб, «Авесто»да хабар берилишича, насиб бўлган энг сўнгги шоҳликдир.

⁵ Хварно (фар) нолойик зотларга насиб этмайди. У афсонавор, кўзга кўринмас сиймо. Жалкимизда «баҳт куши», «хумо» каби тушунчаларнинг тарихий илдизи фар тушунчаси билан боғлик. Фар эса турли қиёфаларда намоён бўла олади. Гоҳ куш, гоҳ оқ кўй ва ҳоказо.

- 10.** Табаррук этиб,
Хуснда тенгсиз,
Чексиз фойдали,
Ранг-баранг дунё,
Нурафшон борлик
Яратган ул зот —
Ахур Мазд фарни.
- 11.** Жон ато этди
Жонсиз хилқатга.
Кексаймас, ўлмас,
Қарилек билмас,
Абад барҳаёт,
Абад ўстувчи
(Этди дунёни).
(У дунёсидан)
Келар бир куни
Амэрэтот Саошыант
Масихвор бўлиб,
Барча бандани
Кутқаргувчи зот.
Биҳишт эшигин
Очгувчи абад.
- 12.** Ҳак йўлни деган
Ўлмас бўлгайдир.
Ёлғон йўқ бўлиб,
Абад ўлгайдир.
Имонли қатли
Учун келган ул
Ёлғон барибир
Имонлиларнинг
Уруғ аймоғин
Қилолмай қирғин
Келган ерига
Кетгайдир бир кун,
Йўқолгай бадбин.
Энг эзгу Илоҳ каби,
Энг эзгу Бошчи мисол
Мазда дин амалига
Чин йўл очиб бемалол
Килиб берган ўша зот.
- 13.** Кутлуг бўлсин намозим,
Баралладир овозим
Эҳсонлар келтиурман
Мазда берган хварнога
Кудратли, Кавийворга.
Ихлосимиз фарнга,
Кавийвор қудратлига.
Сутли хаома бирлан
Кўлда тутиб барасман,
Нозик лутф — сўз билан
Дилда пок нияту ўй
Ва эзгу амал билан,
Тўғри талаффуз билан
Айтилган ҳақ сўз билан
(Келтиурман чин эҳсон).
«Ахура Мазда савоб
Деб буюрган зотларга
Намозимиздир жавоб».
- 14.** Кавийвор Хварнодир —
Маздадан ул атодир...⁶
- 15.** Амэрэтот хварноси —
Амэшаспант хварноси
Амр этгувчи зотларнинг,
Башоратчи зотларнинг,
Ўта юксак ва кучли.
Илоҳий зотлар фарни,
Тезликда (чакмоқ мисол)
Йитмас валийлар фарни.
- 16.** Еттовлондир фикрдош,
Еттовлондир ҳамжиҳат,
Еттовлоннинг хукми бир,
Ўйи, сўзи, иши бир.
Ахура Мазда ўзи
Уларнинг холиқидир.

⁶ 9-банднинг такрори.

- Уларнинг ҳукмдори
Яратган Ахурадир.
17. Бир-бирининг қалбдаги,
Фикридаги эзгу ўй,
Эзгу сўз, иродасин,
Эзгу ишга ниятин
Кўриб турар ўзаро.
Фикрининг тўридаги
Шараф Уйин⁷ кўродир.
Уларнинг холикидир,
Уларнинг ҳукмдори
Яратган Ахурадир.
18. Улар — Ахура Мазда
Буюрганларни ижод
19. Улар ўз билганича
(Ахура буюрган чок)
Хилқатларга жон ато
Этарлар ўлмас этиб
Ва қаримас этарлар,
Ва тўзимас этарлар...
20. ... Ночорларин парвариш
(Қилиб боқиб, тарбият
Этарлар, токим улар
Бўлсинлар камарбаста⁹
Бахт учундир намозим...

III

21. Кучли кавийвор Хварно...
22. Тансиз тангрилар фарни¹⁰
Туғилмиш хилқатларни,
Туғилмаган саошибантлар,
Очун қароқлар фарни.
(Борликни эзгуликка
Ўгиргич зотлар фарни).
- 23—24. Улар ўз қудратила
(Ахура буюрган чок)
Хилқатларга жон ато...
Ночорларин парвариш...
Этарлар ўлмас этиб.
Ва қаримас этарлар,
Ўлиб юйтмас этарлар...
Бахт учундир намозим...

IV

25. Кучли кавийвор хварно...
26. Хушангги Пешдодийга¹¹
Хварно бўлиб насиб,

⁷ Шараф ўйи — Мактов уйи. «Авесто»да жаннат — бехиш (ваҳу хишта) тушунчасига нисбатан кўлланган сифат. «Фикрининг тўридаги Шараф ўйи» ибораси ҳар кимнинг кўнгли тубида бўлиши лозим бўлган жаннатга тушишидан умидворлик, демакдир. Етти азалий, доим барҳаёт муқаддас мавжуд хилқатлар ҳар бир инсон қалбидаги ниятини ҳам кўриб туради, деб ишонилган.

⁸ Бу жумлада Ахура Мазда яратишга хохиш, ирова этган нарсаларни у буюргандек килиб яратиш малоикларнинг иши килиб кўрсатилмоқда. Бу манзара Одами сафиуллоҳни тупроқдан пайдо килишда фаришталарнинг хизматини эслатади.

⁹ Ушбу бандни мазмун такозоси билан тўлдиридик. Аслида йўқолган (тарж).

¹⁰ Илохий азал зотларда моддий тана бўлмайди. Улар нур сиймоларидир.

¹¹ «Авесто»да Хаошибанҳа Парадата. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Пешдоди сулоласига мансуб шоҳ Ҳўшанг.

Узок йиллар ер узра
Подшохликни қилди касб.
Етти иклим ичра у
Девлару одамларга,
Жин-ажина ва жоду
(Қалбидан жой олганлар),
Коваи мустабидлар,

Жоҳил карапанларга
Подшохлик қилиб турди.
Мозан девларининг ва
Варна хизматкорларин
Учдан бирин ўлдирди.¹²
Шукронда намозимдир,
(Баралла овозимдир...)

V

27. Кучли кавийвор Хварно...

Подшохлик қилган эди.

28. Тулки тери пўстинли
Баҳодир Урупига¹³
Хварно кўнган эди.
Етти Кишвар шоҳлиги
Унга қилганди насиб.
У девлару одамлар,
Жину жодугарларга,
Кавий мустабидлару
Жоҳил карапанларга

29. Жангларда кирғин солди
Барча деву одамлар,
Жину жодугарларга.
Ахримани от қилиб,
Устига миниб олди.
Ўттиз қиш давомида
Уни тутиб измида
Юртма-юрт кезиб юрди.¹⁴
Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим...

VI

30. Кучли кавийвор Хварно...

Узок муддат шоҳ бўлди,
Етти кишвар шод бўлди.
Девлар ва одамларга,
Жинлару жодугарлар,
Кавий зўравонларга,

¹² «Авесто» девларни Ахриман яратган кора кучлар сифатида коралайди; Жин, жоду ва жодугарлик, афсунгарлик кабилар ҳам Ахура Маздага эътиқодни сусайтирувчиладир. Имон — факат Ахура Маздага бўлиши талааб этилган; Коваи мустабидлар — Виштаспгача Зардушт динига кирмай ўтган шоҳлар. Мозан девлари. «Авесто» Ахриман яратган девларнинг маконини мифологик Мозан деган ер билан боғлайди. Сосонийлар даври анъанаси Мозанни Эроннинг шимолидаги вилоят билан боғлайди. Бу боғланиш авесточа тасаввурлар асосидаги иккиласи мотивининг номи. *Варн* — Зардушт таълимотини қабул қилмаган юртнинг номи.

¹³ *Урупи* — «Авесто»да Тахма Урпи, яъни рубоҳ — «тулки» уруғидан. «Шоҳнома»да — Тахмурас. У девларни тутиб, анди қилувчи, Ахримани миниб юрувчи баҳодир зот.

¹⁴ Тахмурас Ахримани ўттиз йил ўзига хизмат килишга мажбур этиб, эзгу дунёга зарар келтиришдан тийиб турган. Эртакларда учрайдиган девларни ўз хизматига мажбур қилган қаҳрамонлар мотивининг илдизи шу мифологик асосга бориб тақалса керак.

¹⁵ *Йима Хшайатийя* — «Авесто»да Ахура Мазда ўзидан хабар берган подшо этиб тайинланган. Унинг «Шоҳнома»даги номи — Жамшид.

- Жохил карапанларга
Инсофу тавфиқ тилаб
Ер узра шохлик қилди.
- 32.** У девлардан асради
Бойниклару мулкларни,
Подалар, бўлиқ яйлов,
Қаноат ва иззатни.
Жамшид подшоҳ бўлгандা
Озиқ-овқат туганмас,
Чорва-ю одам ўлмас,
Ўсимликлар ҳам сўлмас
Эди, сувлар туганмас.
- 33.** Йима шоҳ замонида
У шоҳ бўлган томонида
На совуқ ва на иссик,
На қартайиш, на ўлим,
На ҳасад — қалбга ғорат,
На ёлғон бўлган эди.
Чунки у алдоққа ёт,
Ночин сўзни у ҳатто,
Хаёлга олмас эди.
- 34.** Качонки, фикрида у
Ёлғонни қилди хаёл,
Шу онда бир лаҳзада
Кўз ўнгидан Йимадан
Хварно кўтарилиб,
Учиб кетди күш мисол.
Шунда гўзал Йимах-
шайтия —
Тўқ подалар соҳиби
Фамгин кетди тентираб,
Ўзи тузган ер бўйлаб¹⁶
Душманларга бериб чап.
- 35.** Биринчи бор Хварно
Вивахвант авлоди ул
Йимадан кетган чоги
Варағи куши мисол
Хварнони минг акл,
Яйловлари чексиз зот,
Барчани эшиттувчи
Митра тутиб олганди.
Барча эллар соҳиби,
Ахура Яратганни,
Ўта муқаддас зотни —
Эъзозлаймиз Митрани
Кўк маъбуллари ичра.
- 36.** Иккинчи бор Хварно
Йимани тарк этганда,
Вивахвант авлодидан —
Йимадан воз кечганда
Варағи куши мисол
Хварнони тутганди
Баҳодир Траэтаона.
Атвийага у авлод
Зардуштдан сўнг иккинчи
Ўриндаги ролиб зот.
- 37.** Хварно кўнган чоги
У мағлуб қилган эди
Учбошли Аждаҳони —
Уч чакак, олти кўзли
Маккор, қабих, каж-дилни,
Девларнинг сардорини,
Куч-кудратда тенгизни.
Уни Анхра Майнай
Ёлғонда кучли қилиб,
Эзгу дунё ғорати,
Тақводорлар ҳалоки
Учун яратган эди.

¹⁶ Ахура Мазда кўрсатмаси ва ифодаси билан подшоҳлик даврида Жамшид ер юзини уч марта кенгайтирган эди. Унинг замони ўлим йўқ, олтин замон эди. Энди эса унинг гуноҳи эвазига ерга ўлим, совуқ, касалликлар, дард, ғам вужудга келди. Олтин аср тугаб, эзгу дунё билан қабоҳат, разолат дунёси қоришиб кетди. Бу жараён ўн икки минг йил давом этгач, эзгу дунё ролиб чиқмоги керак.

- 38.** Учинчи бор Хварно
Йимадан воз кечганды
Вивахвантнинг авлоди —
Йимани тарк этганды
Вараги қуши мисол,
Уни аҳдидан қайтмас
Киришасп тутган эди.
У ўткинчи дунёда,
Одамлар орасида
Эркак ботирлигига
Заратуштрадан кейин
Кучлиларнинг кучлиги.
- 39.** Эрлар мардоналиги
Киришаспга текканда,
Мардликни олқишилайлик.
Доим уйғоқ мардликни,
Энг чидамли мардликни,
Доим хүшёр мардликни,
Енгилмас Киришаспга
Такдир берган мардликни
(Чин дилдан олқишилайлик).
- 40.** Шохдор илон Серэварни—
Отлару одамларни
Ютгувчи аждахони
Киришасп ўлдирганда,
Тани тўла сап-сариқ
Заҳрини сочиб баланд,
Оғусин найза бўйи
Сачратган ул илонни
(Киришасп ўлдирганда
Бундай иш бўлган эди):
Кун тиккага келганди,
Киришасп ўзи учун
Бир дўнгликнинг устида
Таомга осиб қозон
(Олов ёқди остига).
Бу дўнглик эмас экан—
Экан Серэвар илон...
Иссик ўтиб танига,
Билинибди жонига.
Терлаб у тўлғонибди,
Ағдарилибди қозон
- 41.** Шундан сўнг Киришасп
Имонли хилқатларнинг
Ўлимин орзу қилиб,
Оғзини катта очган
Олтин туёқ Гандарва
(Номли девни ўлдирди).
Сўнгра нокас Патананинг
Тўққиз ўғлини қирди.
Даштаяний авлодин,
Нивики болаларин,
Хитаспуни йўқ қилди.
Олтин тож кийиб юргич
Данай Варәшавасин,
Зиёнкор Питаонани
Ўлдирди Киришаспа.
- 42.** Енгилмас Киришаспа
Дов Арэзошаманани —
Жангга кирган чофида
Тарафсиз қаҳрамонни.
Чап бериб олға томон
Изин чалғитиб қочган
Чоқ ўлдирди беомон.
- 43.** Сўнг ўлдирди кўрошин
Тишли Снавидкани,
Ўлдирди қўли тошни
Шундай мақтанарди у:
«Ҳали мен жуда ёшман
(Қўлим ҳалол бўлганмас)
Вояга етмаганман.
Улгайиб олсам эдим,
Кўкни ароба, ерни
Филдирак қиласар эдим.
- 44.** Шараф Уйидан Спанд
Майнйуни ерга томон
Тушириб, Ахриманни
Дўзахдан обчиқардим.

Сүнгра улар иккови —
Бири эзгу, бошқаси
Қабоҳат — бирга бўлиб,
Аробам шотисига
Кўшилиб тортар эди.
Фақат (битта хавфим бор):
Киришаспа (беомон)
Мени ўлдирмасайди!»
Уни Киришасп худди
Қудратга тўлар чоғда
Йўқ айлади батамом.¹
Шукронасига намоз.
(Йўллай дуо, хуш овоз)..

45. Етиб бўлмасга алқов—
Илоҳий Ҳварнога
Энг мушарраф, энг афзал,
Энг лутфли, энг мушфик
Энг эпчил, тутқич бермас
Хилқат ичра мукаммалга.
46. Шу Ҳварно йўлида
Қабиҳ рух ҳам, Валий ҳам
Курашиб етолмади.
Ҳар биридан тезюрар
Чопарлар борди унга:
Муқаддас Рух — Ва-
хумани

Ва Артани юборди.
Муқаддас Оташни ҳам —
(Бу зот асли Ахура)
Мазданинг ўғли эди.
Қабиҳ Рух эса Ако —
Манани тез жўнатди,
Қонхўр Фазабни, Илон —
Учбош Захҳокка қўшиб,
Ва Аблаҳ Спитиурани
Уларга ҳамроҳ килди.
Шу мараз Спитиурга
Йимани қоқ белидан

Икки бўлган арралаб.

47. Ҳварно томон учди
Ахура Мазда олови.
Хаёлида битта ўй:
«Етиб бўлмас Ҳварнони
Қандай кўлга киритай?»
Лекин унинг ортидан
Кувлади Илон Захҳок,
Коски сўзи; бўралаб:
48. «Қайт орқангга, тегмагин,
Ахура Мазда Олови!
Кўл етмасга тегмагин.
Гар сен унга кўл урсанг,
Сени этарман ҳалок.
Ҳақ дунёсин кўриклаб,
Сўнг нур таратолмайсан
Ахура берган Ерга».
Шундан сўнг Ахуранинг
Олови кўлин тортди
Теголмай Ҳварнога —
Ўз жонини аяди.
Ахир Захҳок жуда ҳам
Кўркинчлийди, муттаҳам.
49. Сўнгра Ҳварно томон
Уч оғиз Илон — имонсиз
Югурди. Фикри ёмон:
«Етиб бўлмас Ҳварнони
Кўлга қандай киритай?»
Изма-из қувиб уни
Олов — Ахура ўғли
Отилди, деб ушбуни:
50. «Қайт ортингга, тегма, хей
Уч оғиз Илон Захҳок,
Бул кўл етмасга тегма!
Агар кўлинг теккизсанг,
Орқангдин ёниб кириб,
Оғзингга ўт қўярман.
Ахура берган ерга

¹ Бу бандлардаги исмлар Киришаспнинг душманлари. Афтидан, Киришасп қаҳрамонликларига бағишлиланган улкан эпик сюжетнинг «Авесто»да сакланган изи.

Шундан сүнг чиқолмассан.
Хақ дунёсини бузиб,
(Хақ ишин бузолмассан)!»
Иккала панжасини
(Муқаддас Хварнодан)
Тортди уч бошли Заххок
Үз жонини авайлаб —
Күркинчли эди Олов.

51. Хварно бўлди пайдо
Ворукаша денгизда.
Шу заҳотиёқ уни
Тутди ҳукмдор Апам —
Напат, отлари учқур.
Апам — Напат елади,
Оти учкур келади
Ва дейди хаёлида:
Тутиб бўлмас Хварнони
Денгизнинг қоқ тубидан
Тагсиз сувнинг тубидан
Қандай чиқай тутибон?»

52. Кудратли ҳукмдорни —
Апам Напатни алқаб,
Алпларнинг кўмакдоши,
Эрларни бунёд этгич,
Эрларни Яратгичга,

55. Илохий Хварнога
Эъзозу алқовимиз
(Ўшал нурли барнога)...
56. Хварнони тутмокқа
Жазм қилди Франғрасиён.*

Ворукаша денгизи
Сувига ўзин отиб,
Яланғоч суза кетди
Тутмок бўлди Хварнони.

Сув ости маъбудларнинг
Ичида Ҳақ сўзига
Кулоқ солгичга намоз...

53. Эй, содик Заратуштра,—
— Марҳамат қилди Мазда,
— Бандаларимдан кимки,
Хварнога эга бўлса,
У муқаддас ҳидоят
Соҳиби бўлгай албат.
(Кимга кўнса Хварно),
У топгай бахту саодат.
Магупатлар эҳсонин
Унга қилгай марҳамат.

54. Муқаддас Аши унинг
Ҳамроҳи бўлғусидир,
Бериб бойлик ва давлат.
Кенг яловлар ва чорва,
Ҳар кунлик сўнмас Зафар
Унга бўлиб эш, раво.
Кудратидан душманлар
Суринишиб кетарлар.
Бу кудрат туганмас бир
Кучки, йилларга етар.
Хварно кимга тегса,
У берган Зафардир ёр—
Душманлари зер-забар».

VIII

Келгувчи ва ўтмишда
Эран юрт подшолари
Тақдирига битилган
Ўшал илохий нурни,
Зардуштга насиб бўлган
Нурли сиймо Хварнони
Тутмоқ қасдида бўлди
(Бадкирдор зот Франғ-
расиён)
Денгизда кува кетди.

* Франғрасиён — «Авесто»да салбий образ. Бу исмда тўрт таркийи кисм бор: фр — «устида» маъносига эга олд қўшимча; - анғ — нажас, ифлослик, храс — хира (к) «нурсизлик, коронғулик», ён — ёрдам, қўллаб-кувватлаш. Исмнинг умумий мазмуни «коронғулик, зулматдан куч олувчи нопок зот».

Хварно тутқич бермай
Ворукаша сувида.
(Унга чап берди шу он).
Бир оқим пайдо этди
Ва ўзин четга элтди.
Бу муқаддас түлкінни,
Бу муқаддас эпкинни
Ворукаша сувида
Хаосрав түлкін дерлар¹⁷.
(Хусравий түлкін дерлар).

57. Ворукаша тубидан
Чиқди турлар чаққони
Нокас, коски Франг-
расйон

Сўкинганча, беҳаё
(Сўзлар айтиб, беибо):
«Итэ — ита — ятна —
ахмай».

Ўтмишу бўлғувсида
Эран юртлар шоҳлари
Эга бўлган Хварнони
Мен тутиб ололмадим.
Спитама Заратуштрага
Насиб нурли сиймони
(Мен кувиб етолмадим).

58. Менга кўнса Хварно,
Қориштириб тошлардим
Яхши билан ёмонни,
Қаттиқ билан юмшокни,
Суюқ билан қуюқни,
Қора билан оппоқни,
Ранжитсам бўлди эди
Ахура Мазда — худони!
(Шу сўзларни айтибон),
Ўзин отди Ворукаша
Тўлқинлари қаърига
Турлар зоти Франграсйон.

59. Кийимсиз, кип-яланғоч
(Холда у суза кетди),
Хварнони қува кетди.
Ўтмишу келажакнинг
Эран шоҳлари топган,
Спитама Зардуштга
Насиб бўлган Хварнони.
Нурли Хварно томон
Суза кеди Франграсйон.
Лек Хварно чап берди
Бир оқим бўлиб ҳосил.
Бу оқимга Ворукаш
Денгизида Ранҳазда
Деган ном бўлди нозил.

60—61. Шўлп этиб чиқди
сувдан
Турлар зўри Франг-
расйон.

Оғзи тўла коски сўз,
(Сузди сўнг кирғоқ томон).
Яна қайта ташланди
Турлар ичра зўравон
Ворукаша суви томон.

62. Яланғоч излай кетди
Учинчи бор Хварнони.
Эран юртлар шоҳлари
Ўтмишу келажакда
Эга бўлган сиймони.
Ва ниҳоят, Заратуштрага
Насиб этган маъвони...
Лек Хварно чап бериб,
Ўзини четга олди.
Ворукаша — денгизида
Бир оқим пайдо бўлди,
Номи бўлди Авжданва.

63. Чиқди сувдан Франг-
расйон,

¹⁷ *Франграсён* «Авесто»даги мифологик денгиз — Ворукаша тубига яширинган Хварнони тутиб олишга бир неча бор уринади. Лекин ҳар гал денгиз сувида Франграсёндан Хварнони узоклаштирувчи тўлқин — оқим пайдо бўлади. Ҳар бир оқим «Авесто»да турли номлар билан аталган: Қизилкум ва Қоракум ўринларида бўлган Тетис океани ва ундаги оқимлар ҳақидаги хотиранинг излари бўлиши мумкин.

Турлар ичра паҳлавон,
Ворукаша — денгиздан
Ифлос сўкиниш билан:
«Итэ-ита...
Ўтмишу келажакда
Эран шоҳларга қўнган
Хварно йирок мендан.
Менга яқин келмади
Спитама — Заратуштра
Илоҳдан насиб бўлган».

64. Шундай қилиб, Франг-
храсиён
Хварнони тутолмади,

(Илоҳдан кут олмади).
Ўтмишу келажакда
Эран юртлар шоҳлари,
Спитама — Заратуштра
Эга бўлган Хварнони
Кувди, лек етолмади.

65. (Бунинг учун шукрон).
Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим.
(Хайру эҳсонлар бўлсин
Ёмонларга йўламас,
Ёмонларни йўлатмас)
Кўл етмас Хварнога...

66. Етиб бўлмас сиймога,
Илоҳий Хварнога
Менинг олқиш эъзозим.
Ширин лафзу лутф ила
Сут-ла Хаома шопириб,
Кўлда барсман тутами
Хварнога намозим...

67. Ушида чўккисидан
Хаэтумант дарёсининг
Жўшқин, тошқин сувлари
Кансава кўли томон

Оққан оқимларидан
Чиқиб кўнди бошига
Подшо бўлажак зотнинг
(Нурли сиймо — Хварно).

68. Кансава кўли томон
Оқади қайнаб тошиб
Хвастра ва Фрадата,
Хваспа, Хварнахвати—
Гўзал дарё, бенуксон
Кудратли Уштавайти,
Қирғоқлари яйловзор.
Урвадава Эрэзи сув,
Зарнувати (сервикор),
Хаэтумант дарёси,
Жилваланиб маъмурлик
Келтирап тўлқинлари
Тошқин босгудек бўлиб.

69. Хаэтумант дарёсида
От кудрати мужассам,
Туя кучи унга ёр
Эрлар қурби унда бор
Хаэтумант сувларида.
Шундай Хварно борки,
Садоқатли Заратуштра,
Унда шунча Хварники
Эран эмас юртларни
Бир эпкинда ювгайдир.

70. Барча эран эмаслар
Ортга чекингай ундан.
Сўнгра очлик ва чанқоқ,
Жазирама ва совук,
Ўтгай улар жонидан.
Шундай Хварно элтар
Эран юртлар қароғи
Саклар эсон омонда
Барча молу-ҳолларни.
Тақволи одамларни.
Фароғатин кўриқлар
Беҳдиннинг равнақини.*

* *Беҳдин* — зардуштийлик динининг сифатловчи номларидан бири.
«Яхши дин» демакдир.

- Ахура Мазда ақдида
(Борларни омон сақлаб).
- 71.** Кавийвор кучли Хварно...
- 72.** Кайқубодга құнғанди,
Кави Апивохга ҳам
Ва барча Кайёнийлар—
Кави Усан, Кай-Аршан,
Кай Пишин ва Бйаршан,
- 74.** Кавийвор кучли Хварно.
- 75.** Худо берган енгишлик,
Бахту омад ёрлиги,
Сўзин савобдорлиги,
Аҳдда устуворлиги
Сабаб бўлиб, Хварно
Енгилмас Кайхусравга
(Насиб бўлди нур-сиймо).
- 76.** Шарофатин улашди,
Мустақкам Хаурватат
(Софлик берди барчага),
Тандурустлик беадад,
Доно, зукко ва соғлом
Берди ақлли авлод.
Сўзамол, аҳдда маҳкам
Кўзлари ўткир, топқир
Ҳақнинг бор афзаллигин
Бир йўл кўришга кодир.
- 77.** (Хварно яқин келди)
Шоҳона нурга томон.¹⁸
Умрзоқлик баҳш этди,
Омадни қилди тўлиқ,
Эзгулниклар мўл бўлди.
- 78.** Кайёний Ҳаосрава
Разил Нэрэман билан
- Ниҳоят, Сйаваршан —
(Уларнинг барчасига)
Хварно насиб этган.
- 73.** Шунинг чун барчасига
Довюрак ва қудратли,
Оқилу доно, ботир
Шоҳ бўлмоқ бўлди тақдир.
Бахт учундир намозим...
- XI**
- Отчопарда беллашди.
Узун йўлнинг борича
Кўйилган пистирма-ю
Копқондан ўзин асраб,
Хукмдор Ҳаосрава
Душманларга берди зарб.
Қабиҳ Франғрасийонни
Ҳамда шум Кәрсаваздини
Жангда тутиб боғлади.
Макр ила ўлдирилган
Отаси Сйаваршан
Ва Фрасайак қўлида
Ҳалок бўлган Агрерат —
Наравид уруридан
Чиққан ўлмас қаҳрамон
Кони ҳаққи — ўч олди.
- 79.** Кавий Хварносига —
Мазда берганга олқиши...
- 80.** Имон-ла ўйлаши-чун,
Имон-ла сўзлаши-чун,
Эзгу иш излаши-чун
Кўмак бўлмак нияти —
Кўнди Хварно Спитама
Заратуштра бошига.
Шундан сўнг бўлди ҳабиб
Ахура Маздага Зардушт —

¹⁸ «Нур» бу ўринда подшоҳликнинг чин илоҳий мартаба эканини ислотловчи авесточа ҳшаюти иборасига ишоратдир. Подшоҳ сўзи «Авесто»да патихшаюти — «нурафшон» зот деб тушунилди. Бу хислат Ахура Маздадан ато бўлади.

Хақ йўлида муқаддас
(Илк пайғамбар, валий зот),
Хукмдорликда тенгсиз,
Бойликлари дунёлар
Бойлигидан-да сўнгсиз.
Кутлуғнафас, баҳтиёр
Енгишлик зот — музaffer.

81. Уни кўрган заҳоти
Бир-бирига қапишиб,
Тўп-тўп кетди қочишиб
Йитдилар барча девзод.
Уларнинг қўйноғида
Фигон килган аёлу
Эркаклар бўлди озод.

82. Спитами Зардушт
Ахуна Варя дуосин
Ихлос-ла, қироат-ла,
Охирини баландрок
Овоз-ла ўқиган чок,
Рад бўлган барча девлар
Ерга кириб бўлди гум.
Уларни қарғиш урди

84. Кавий Хварносини,
Алқай Мазда берганни...

85. Ки, Кавий Виштаспа
Бошига кўнган эди,
Чин Имонли бўлсин деб,
Имон сўзин десин деб,
Эзгу ишлар қилсин деб,
Шунда Кавий Виштаспа
Беҳдинни қабул этиб,
Юз ўғирди кушанда
Деву жин инончидан
(Кутулди у тоабад
Этиб девлар динин рад).

86. Имонига яраша
Сўнг Виштаспа Зардуштга
Ҳамда Ахура Маздага

Дуодан бўлди маҳрум.

83. Шу пайт етти иқлимда
Нобакор Франғрасийон
Хварнони тутмоққа
Ният қилди беомон.
Етти иқлим ер узра
Тур (шохи) Франғрасийон
Зардуштнинг Хварносин
Тутмоқчи бўлиб тоза,
(Ўзин уриб ҳар ёққа).
Хварнога ташланди...
Зардушт ҳам, Хварно ҳам —
Иккиси юз ўғирди
(Шум ният Франғ-
расийондан)

Бу иш мен — Ахурадан
Маздадан бўлган эди.
Менинг иродам, ҳамда
Мазда динин аҳдига
Кўнгил берганлар ҳаққи
(Шундай иш бўлган эди).

Шукрига намозимдир...

XIII

Кўлу оёқ, дастёр
(Таянч бўлди Беҳдинга)
Шундан топди эътибор.
Ҳақиқат учун кенглик
Иzlади ҳамма ёқдан.
Юртларни Ҳақ дин учун
Кенгайтириди ҳар томон.

87. Беҳдинни озод этди
Девлар исканжасидан.
Тутқунликдан куткарди,
Олий мақомга қўйди,
Мартаба берди баланд.
Мустаҳкамдир бу мақом —
(Имонли юрт мустаҳкам),
Чорваси тўқ ва бардам,
Чорва емли — хотиржам.

88. Виштаспа мағлуб этди
Дарғазаб Тантрийавантни,
Девпаст Пешанани,
Ёлғончи Аржатаспни
Ва бошқа қабиҳларни,

Лаънати хионларни.
Шукронаси йўлида
Намозим бўлсин эҳсон...

XIV

89. Кучли Кавий Хварноси...

90. Эзгу Масих зот боши
Узра кўнди Хварно
Бўлди у яна насиб,
Масихга кимки ҳамроҳ
Хилқатларга жон берди
Қилди қаримас, ўлмас
Умрини этди абад,
Ўсишда ҳам тўхтамас.
(Барча хукмдор ўткинч)
Масих эса абаддир
Чин хукмдор у ўзи
У дунёдан қайтадир
Тирик, тийрак у келар
Ўлмас қутқаргувчимиз
Ва дунёни гуноҳдан
(Тоабадга пок этар).¹⁹

91. Ҳақни деганлар ўлмас.
Одамларнинг уруғин
Куритгувчи ғам, ғорат
Бўлиб келган ҳалокат—
Ёлғон даф бўлар абад.
Чикқан жойига шу он
Даф бўлгай қабиҳ ёлрон.
«Энг эзгу илоҳ мисол,
Энг эзгу раҳнамодек
Мазданинг ҳақ ишини,
Аҳкомин этди ҳалол
Очу ночор подани,
Ўтлоққа ёйган мисол».

Шукринггадир намозим,
Баралладир овозим...

XV

92. Кова фарн кудратли...

93. Ахура Маздадан чопар —
Кансаванинг кўлидан
Чикди Аставатэрэта —
Зоти Виспатаурвар.
Дахшат солиб ёвларга,
Кўлда курол ўйнатиб.

Бу ўша ғолиб курол —
Фаридун кўтарганди
Захҳокни ўлдирганда.

94. Бу ўша курол эди,
Қайсики, Франғрасиён
Имонсиз Зайнигуни
Ўлдирганда ишлатган,*

¹⁹ Зардуштийлар ишончига кўра, Зардуштнинг Зувратидан дунёга келажак ўғиллари охират куни тирилиб келиб гуноҳ билан қоришган дунёни кутқарадилар. Бу лавҳада биринчи масиҳнинг келиши тасвирланган. Бу ходисага сабаб Хварнодир. У масих руҳига кўниб, дунёни кутқарига даъват этади. «Авесто»да бу тушунча осушибант дейилади.

* Бу ўринда Франғрасиён қилган ижоби иш эсланади. Бу лавҳада Авестада Хварнога эга кайёнийлар билан Франғрасиён душманлиги пайдо бўлмасдан олдинги давр ҳикоясидан қолдиқ бўлса керак.

Бу ўша қурол эди
Хаосрав қўлда тутиб
Франгхрасйонни ўлдирган*,
Бу ўша қурол эди —
Виштаспа ҳақ йўлида
Тутиб қўлда жанг қилган.
Душманларни маҳв этиб,
Ёлғонга барҳам берган;
Бу қурол билан қўлда
Виштаспа пок айлаган
Иймонлилар дунёсин
Муртадлик ва ёлғон-
лардан²⁰.

- 95.** Оқилнинг кўзи бирлан
Хилқатларга боқар у.
Бадбуруш Ёлғонларсиз
Бари борликдир эзгу.
Бу қарашдан табаррук,
Бу қарашдан ўлмасдир
Бори яралган маҳлук.

96. Астват — Эрэт изидан
Голиблар етишгайлар.
Үйларида эзгулик,
Яхшиликка сўзлари,
Ишлари — кор —хайрлар.
Валий таъб хуш хулқ-
лилар,
Тилларида бирон-бир
Ёлғон сўз айтмаганлар.

Уларнинг қаршисида
Конхўр Фазаб лол бўлар,*
Ҳақиқат топиб қарор,
Йўқ бўлар бадбашара
Зулматдан хосил бўлган,

Ёлқин, нур не — билмаган
Жоҳил Ёлғон йўқолар.

- 97.** Воҳумана ёнгажак**
Шум фикр — Акоманни.
Ҳақ сўз бўлар устувор,
Ёлғонга ҳаёт қани?
Хаурватат*** ва
Амэрэтол****
Очлигу ва ташналики
Йўқ қилас, этар барбод.
Шафқатсиз очлик, чанқоқ
Йўламас элга абад.
Фазабкор Ахриман-чи?
Кучи кирқилиб, охир
Тез жўнаб қолгай қочиб.

Шукронамдир намозим
Баралладир овозим —
Хайру эҳсонлар қилиб,
Мазда берган Хварнога
Кучли, Кавий сиймога.
Хварнони алқаймиз,
Кавийворга шарафлар!
Сут қотиб хаомага
Кўлда тутиб барсман.
Навдаларин дасталаб,
Нозик лутф нутқ ила.

Эзгу ўй, эзгу ишлар
(Йўлида баҳшидаман)
Ихлосу, сидкудилдан
Тўғри талаффуз айлаб
Айтилган дуо, такбир
Бўлсин охир мустажоб.
«Ахура Мазда савоб,

* Франгхрасйон Сиаваршан (Сиёвуш)нинг ўлимига айбор сифатида унинг ўғли Хаосрав томонидан ўлдирилган.

²⁰ Ёлғон эзтиқод ва илоҳга иймон келтиргач, аҳда турмасликдир.

* Fazab — Аэшма девининг хосиласи. Fazab — акл душмани.

** Воҳумана — эзгу фикр.

*** Хаурватат — соғлик, саломатлик.

**** Амэрэтол — абадий барҳаётлик, ўлмаслик.

Деб билган вали зотга
Бахшида намозимиз».

98. «Энг эзгу илох ҳаққи...»
Намозу алқовимиз... Маз-
да
Яратган төгларга (эъзо-
зимиз).
Ушидарна тогига кучу
Кудрат ато этсин, то-
ким уни

Мазда ўзи яратган.
Борлиқда,
(У дунёю бу дунё) мукад-
дас
Кавийвор Хварнога,
Маздадан
Яралганга, етиб бўлмас
Хварнога —
Маздадан яралганга...
Намозу алқовимиз...
Ҳаққиат — Олий неъмат...».

ХАОМА ЯШТ

1. Эрта тонг пайтида қурбонлик оловига (тоза) ўтиналар қалаб алқов дуоларидан ўқиётган Заратуштра ёнига Хаома келди. Заратуштра ундан сўради: «Сен кимсан, эй паҳлавон йигит? Бу фоний (моддий) дунёда мен сенчалик келишган, нурли ва ўлмас сиймони кўрган эмасман».

2. Имонли, ўлимни бартараф этувчи Хаома унга жавоб берди: Эй Заратуштра, эй Спитама, мени териб йир, эзб шарбатимни чиқар, алқов сўзларинг-ла олқишила мени. Сендан аввал келган осўшиант¹ (масих) зотлар олқишилагани каби (шаънимга) мактовлар айтгин.

3. Заратуштра деди: «Намозим сенга бўлсин, эй Хаома! (Айт-чи), бу дунё ичра сенинг шарбатингни сикиб олган ким? Бунинг учун у одамга қандай савоб етишиди, қандай наф келди?»

4. Имонли Хаома, ўлимни даф қилгувчи зот шундай жавоб берди: «Борлиқ дунё фойдаси учун менинг шарбатимни биринчи бўлиб Вивахвант сикиб олган эди. Бу эзгу иши учун шундай савоб, шундай наф етишдики, Вивахвант қудратли ва порлок сиймоли Йима исмли ўғил кўрди. Йиманинг подалари сонсиз-саноқсиз, одам зот ичра энг гўзал, энг нурли юзли, кўёш талъят зот эди у. Худди ўша Йима шоҳлик қилган пайтида одамлару ҳайвонларни абадий ўлмас қилди, сувни қуримас

¹ Осўшиант — Заратуштра уруғидан охират куни дунёга келиб, барча имонлилар рухларини биҳиштга етаклагувчи, гунохкор бандалар учун худо Ахура Маздадан маффират сўрагувчи зотлар, деб ишонилган.

(тимас), ўсимликни сўлмас қилди, токим, одамлар ва ҳайвонларнинг насибалари доимо бутун бўлсин, деб».

5. Чобуку чаққон Йима подшо бўлган замонда ва қаҳрли совуқ ва на жазирама иссиқ, на кексайиш ва на ўлим, девлар яратмиш сук — ҳасад йўқ эди. Подалари сонсиз Йима Вивахвант ўғли подшолик қилган замонда ота билан ўғил бир хилда — худди ўн беш ёшдагидек¹ эди».

6. «(Эй Ҳаома), сенинг шарбатингни сиқиб олган, бу фоний дунёда иккинчи (авлиё) зот ким бўлган? Унинг топган савоби, кўрган нафи-фойдаси нима бўлган?»

7. Имонли Ҳаома, ўлимни даф қилгувчи зот менга деди: «Менинг шарбатимни чиқариб сиқиб олган бу ўткинчи дунёда иккинчи одам Атвийя эди. Унинг савобли амали учун унга алпқоматлар сирасидан Траетаона² исмли ўғил ато бўлди».

8. Ўша (ўғил) уч оғизли, уч бошли, олти кўзли, минг кувватли Ажи-даҳақани,³ дев дуруджи (ёлғон, алдоғининг) қудратли хилқатини, Ахримандан бўлганни Ахура Мазданинг эзгу яратмишлари учун офатни, борлик дунё учун горатни, имонли эзгуликлар учун кулфатни ўлдирди.⁴

9. (Эй Ҳаома!), бу фоний дунёда сенинг шарбатингни сиқиб олган учинчи одам ким эди? Унга қандай савоблар ва нафи тегди бу савоб ишнинг.

10. Имонли Ҳаома, ўлимни даф қилгувчи (зот) менга жавоб берди: «Сом уругининг энг яхши вакили Трита бу фоний дунёда учинчи бўлиб менинг шарбатимни сиқиб олган. Бунинг эвазига унга шундай савоб ато бўлганки, шундай наф унга етишганки, икки ўғил кўрган. Бири Урваҳшайа, иккинчиси Киришаспа эди. Бири диннинг нозири, қонунларни яратгувчи, иккинчиси паҳлавон алпқомат (йигит) (?) гурзи кўтариб юрувчи жангчи эди.

11. Захридан кўкариб кетган, отларни бутун ютган, одамларни ямлаган Сэрвар илони ўлдирган удир. Сэрвар шундай илонки, унинг захри бошмолдоқдек кенглиқда устидан оқиб туради. Киришасп Сэрварни излаб

¹ Ўн беш ёшда ўғил болага кийимлар кийгизилиб, имон белбори боғланган. У вояга етган хисобланиб уйланишга ҳақли бўлган.

² Траетаона — Фаридун.

³ Аждахони.

⁴ Бошқача нақлга кўра, Дамованд тогига занжирлаб ташланган.

(тополмай юрганида), ўзи билмаган холда худди унинг устига қозон куриб пешин вақтида овқат пишира бошлабди. Илоннинг усти куйиб бир тўлғанибди-да, қозоннинг тагидан суғирилиб чиқишга ҳаракат қилибди. Қайноти сув устига тўклинибди (бирдан илон қўзалиб қолгач), ботир Киришасп ҳам тисарилиди.

12. Хаома, сенинг шарбатингни бу дунё (фойдаси) учун сиқиб олган тўртингчи одам ким эди? Унга қандай савоб ато этдинг, қандай наф етишиди?

13. Имонли Хаома, ўлимни бартараф этгувчи зот менга шундай жавоб берди: Одамлардан тўртингчи бўлиб бу дунё балогати учун менинг шарбатимни сиқиб олган (зот) Пурушаспа эди. Унга (бу савоб иши учун) мукофот бўлиб, Пурушаспа хонадонида сен туғилдинг, девлар душмани, Ахуранинг дўсти эй, имонли Заратуштра.

14. Сен Аръянам — Баежуда энг шавкатли зотсан. «Ахуна — Варйа» дуосини дона-дона қилиб тўрт марта — ҳар бир галда олдингисидан барабарлароқ ўқидинг.

15. Барча девларни ер қаърига кириб кетишга мажбур килдинг. Улар эса ушбу ер узра илгари замонларда одам қиёфасида изғиб юришар эди»...

АБЕСДИ НАОТМИ ТИРИ

Тизакшот
квотам-тёнчаш «жадиШ»
изъяннамоҳ инъодийнин
изтасидаёт №02
1002

жадиШ изъяннамоҳ инъодий
изтасидаёт №02-1 изъяннамоҳ инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий

1002-01 изъяннамоҳ инъодий инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий №02-1 изъяннамоҳ инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий №02-1 изъяннамоҳ инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий №02-1 изъяннамоҳ инъодий

изъяннамоҳ инъодий инъодий «жадиШ»
изъяннамоҳ инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий
изъяннамоҳ инъодий инъодий

МУНДАРИЖА

«Авесто» китоби ва унинг «Яшт» наски ҳакида	3
Таржимондан	7
Хурмузд Яшт (Ахура Маздага алқов)	8
Ардви Сура алқови (Обон Яшт)	16
Хуршед Яшт (Күёш алқови)	35
Аши алқови (Орд Яшт)	37
Митра алқови (Мехр яшт)	47
Тиштр Яшт (Сириус ўлдузи шаънига айтилган алқов)	71
Фравардин алқови (Фравардин Яшт)	82
Вараҳран алқови (Бахран Яшт)	94
Хварно алқови (Замйад Яшт)	110
Хаома Яшт	125

АВЕСТО ЯШТ КИТОБИ

Тошкент
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
2001

Мухаррир: *Барнобек Эшпўлатов*
Бадий мухаррир: *Михаил Самойлов*
Техникавий мухаррир: *Диана Габдрахманова*
Саҳифаловчи: *Мастура Атхамова*
Мусахих: *Нозима Мұхамедиева*

Теришга берилди 15.06.2001. Чоп этишга рухсат берилди 10.08.2001.
Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет босма. «Антигуа» гарнитураси. Шартли босма
табори 6,72. Нашриёт-хисоб табори 11,4. Адади 2000 нусха. Буюртма №
2213. Нархи шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турун кўчаси, 41.**

